


# абдулкарим баҳридин • томчиидил

шеърлар

достонлар

бадиҳалар

таржималар



Тошкент  
«Akademnashr»

2013

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7

Б43

Уўб. араб.

Б43

Баҳриддин, Абдулкарим

Томчиidl / Абдулкарим Баҳриддин (Карим Баҳриев). –  
Тошкент: Akademnashr, 2013. – 264 б.

УЎК: 821.512.133-1

ISBN 978-9943-4116-0-9

КБК: 84(5Ў)7

Шу вақтга қадар шеърлари кўпда эълон қилинавермаган шоир Абдул-  
карим Баҳриддиннинг ушбу китоби охорли тасвир воситаларига бойли-  
ги, туйгулар самимилиги, энг муҳими, муаллиф сезимлари ифодасининг  
табиий экани билан эътиборни тортади. Абдулкарим Баҳриддин – йирик  
сезимларни кўрнакли ракурсларда тасвирлайдиган шоир. Унинг битган-  
ларида кувончу изтироб, топишу ўқотишлар ҳам йирик ва қабариқ.

1041705  
3g1

Китобни безашда муаллиф тақдим этган суратлар ва Акмал Нур

жаридаси фоидаланиши ўю.

Alisher Navoiy

nomidagi

О'zbekiston MK

2013/150  
A12092

ISBN 978-9943-4116-0-9

© Абдулкарим Баҳриддин «Томчиidl»

© «Akademnashr», 2013

© «Artlol», 2013

## Абдуллаев Бакирадин

Шолислав шактүрәндиң жаңы  
жазылышын оласын.  
Абдуллаев Бакирадин

Сөз-Шөпүр ғораласан осмон күрәрарын,  
Ойнанғ қолдарни сүйб ғарасан,  
Күлгәршінгә юлын қуынның күрәрарын  
Болалыккын күлгәрчила қарастан.

Сөз бүнүк шапаррағ, балан ва балда,  
Сөз үздіншін шашын вәденин бөзілб.  
Текесін, ғалымнанынғ ңелен санды,  
Күн! Әзілір, ғанимнан ұйғарда доғылаб.

Болжанғ узра Рүший дарынын көбай,  
Кошында Нельсой, Сөх-Бебе Токир.  
Сөз-Шөпүр шамынан отират кабын.

Шөпүрдің шебінде, шөпүрдің отир.  
Шөпүрдің бінес ңүйершінің қасыбы,  
Шөпүрдің? оның ңүйердің ахар.

27. 12. 03

Рахф. Гүлбекі

## Тақдим

# АБДУЛКАРИМ БАҲРИДДИН

*Чивинлар, чумчуклар юрган жаҳонда  
Менга жой йўқмикан, онажон?..*

*Абдулкарим БАҲРИДДИН*

Сен – Шоир, чорлайсан осмон хурларин,  
Ойнинг соchlарини суйиб тарайсан.  
Кўзларингга ютиб куннинг нурларин,  
Болаликнинг кўзлари-ла қарайсан.

Сен буқун Манфред, банди ва банда,  
Сен учдинг мусиқор оғзини боғлаб.  
Чеккил, чексизликнинг чегаси санда,  
Кул! Ҳайқир танингни ўтларда доғлаб.

Бошинг узра Румий дарвишу набий,  
Қошингда – Навоий, Сен – Бобо Тоҳир.  
Сен – Шоир, мангусен охират каби.

Шеърият – ибтидо, шеърият – охир,  
Изтиробдан ўлмас шоирнинг қалби,  
Шоирнинг онаси Изтироб, ахир.

*Рауф ПАРФИ*

PS. Абдулкарим Баҳриддин – чин шоир.  
Чин шоир юрагида тугун, кўл-оёкларида занжир билан  
туғилади. У ҳеч қачон «шароит»га мослаша олмайди. У ёнга ҳам,  
бу ёнга ҳам юра олмайди, юрагидаги нурли тугун, кўл-оёғидаги  
тилло занжир уни қўйиб юбормайди.

27.12.03.



сабр  
косасининг  
сийиклари

## **ИЛТИЖО**

Рұхим, энди шу саҳар тирил,  
күзим, тоза гулларға қара –  
улар ҳозир байроқдай қызил,  
юрагимдай бағри қон, яра.

Рұхим, энди шу тонгда құлла,  
үтиб кетар бошимдаги ғам,  
қара,  
үтиб кетмасдан гуллар,  
учиб кетмай барғдаги шабнам.

Пок нурларни түйиб симиргин,  
үтиб кетар дайди шаббода,  
күриб қолгин:  
бир қатим ёғду  
бир сен учун үйнар ҳавода.

...Тұхтанғ, гуллар, шуълалар, сабо,  
учиб битма, барғдаги шабнам –  
үтиб кетар, ахир,  
сизларға боқиб  
йиғлаётган ана шу одам.

1984

## ТИЛСИМЛИ ДУНЁ

Бунда түнлар эңг митти терак  
ўсавериб юлдузга етар;  
кувончига чидолмай куртак  
новдаларда ёрилиб кетар.

Бунда сувлар шилдираб мангу  
кучиб ётар тупроқни хушбаҳт;  
бир тонг зангор гулбарг бўлар-у,  
шовуллайди шамолда дараҳт.

Бунда бари дилбар ва ширин,  
тирикликка тўймас – дил ярим...  
Юртдошларнинг қалбига яқин  
йўлни излаб ўтар кунларим.

Фақат оқшом жимиirlаб само  
хәёлимга қуяди бир ғам –  
мен севган шу тилсимли дунё  
кирмас сенинг тушларингга ҳам.

1984

## ЭВРИЛИШ

*Тургун даврға чизги*

Бугун Азон эмас, уйғотар Гимн,  
Масжидга киришга патта керакдир.  
Совутларни қўйдик йўлакка тўшаб,  
Куллиётни қозон тагига ёқдик.

Энди ўт тулпорлар югурмас кишнаб,  
Отни сўйиб едик, шунаقا ишлар.  
Жанггоҳларга пахта экиб ташладик,  
Музейларга тушди кескир қиличлар.

Кесилиб қоғозга айланди изсиз  
Шоирлар «сарвқад» деб ёзган чинорлар –  
Уларга битилди дунёқарашни  
Шакллантирувчи илғор шиорлар.

Демак, сиз бекорга турибсиз ҳуркиб.  
Ҳеч ким уйғонмади биз айтган сўздан.  
Бугун ўлтирибмиз чивинни қўриб,  
Энди қўрқмаса ҳам бўлади биздан...

1983

## ТАКБИР

Фамангиз тушдан эзилиб уйғондим.

...Мен қорабайир от эмишман. Түёғимга тиллодан тақа қоқылған, заргарона әгар қошиға осилған дубулға яғринимни яралайди. Тош йўлдан тақиллатиб чопаман. Ортимдан қирқ кокили судралиб ёш келинчак қувлади: «Туркистонни адо қилдинг... Жалолиддин Мангуберди қани?! Ботиримни кимга ташлаб қелдинг, жувонмарг тулпор?» Тинимсиз чопаман. Асабий кишнайман. Дарёга ташланаман. Бўғзимгача сув.

Эзилиб уйғондим. Бўғзимгача сув – терга тушибман.

Яхшиямки, тушим экан.

Йўқса, Жалолиддинни қайдан топиб бераман?!

Яхшиямки, туш экан бари. Тўшагимнинг бир че-тида аёл юм-юм йиғлайди: «Кечаси ҳам ҳаловат йўқ. Зоопаркми бу уй?! Одам ҳам кишнайдими, Аллоҳ..»

Яхшиямки, туш экан.

Шукурки, инсон туши учун тегишли идораларда жавоб бермайди.

Шукурки, инсоннинг туши изчил эмас, яъни инсон ҳар куни бир хил туш кўрмайди. Агар ҳар куни бир тушни кўрганда, яна кечда ётиб кечаги тушининг давомидан кўра бошлаганида, тушлар ҳам кундузлар каби азобга айланарди. Агар мен ҳар оқшом тушимда ғадо бўлганимда ҳам, ҳар кеч кўз юмиб яна гадолик рутбасига миниш, дарбадарлик қилиш тунни азобга соларди. Агар мен ҳар кеча улкан мамлакатнинг шоҳи бўлганимда ҳам кундузги ишдан келиб уйқуга кетар эканман, бу оқшом яна салтанатни қабул қилиш, юртни



бошқариш кераклиги, муқаррарлiği түшни ҳам уқубатта тұлдириб юборарди. Чунки дүнөнинг азоби ҳам бир бошга етарликдир, ортарликдир.

Яхшиямки, одам ҳар куни бир хил түш күрмайды.

Эхтимол, тушларимиз ҳам ҳаётимизнинг давомидир.

Эхтимол, ҳаётимизнинг ўзи бир түшdir. Ҳар тонг үйғониб давомини құрадиган, тунги тушлардан бир оз узуроқ, ўттыз, қирқ ёки эллик ийлilik түшdir бизнинг ҳаётимиз...

1986

## **СОЧИМГА ОҚ ТУШДИ...**

Чийрон сочларимнинг илдизи куйди,  
Безовта шовуллар. Севгилим, боқ-чи:  
Уч тола оқ тушди – қоп-қора юртга  
Хуфиёна кирди уч оқ айғоқчи.

Қоракүз, силагин, тароқ қил қўлни,  
Уйғот, қулоғимга сўзла уйғонч сўз –  
Бўлмаса, ҳар куни қорасоч элни  
Бир-бир йўлдан урар бу учта жосус.

Сочлар қаролигин охир унutar  
Ва мангу юмилар сўздоннинг лаби –  
Ястаниб ётади оқ-оппоқ бошим  
Батамом енгилган мамлакат каби...

1983

## УШШОҚ

Яқинда тонг чоги түсатдан ноаён бир дард умримда илк бор түшакка ётқизди. Сочимдан-тиргимгача сирқираиди, құл-оғемда мадор йүк, факт тиіра күзларим жавдираб дунёга термилади... Дард-ку бир кечада ўтиб кетди. Қалбда бир оғриқ қолди: мени ҳам бу дунёга боғлаб құймаган экан...

Шамоллар уйғонди. Барг ҳаяжонда...  
Хатто ер тагида құзғалди илон.  
Дунё тирилаётган шу тоза тонгда  
Үлгім келмаяпты, онажон.

Үнгирларда кезар муздай ҳаволар,  
Ишқалаб қабогин күтарар осмон.  
Дунё қүзларини очаётганда,  
Мен құз юмайинми, онажон?!

Қайдадир силкинар томчиидил ўтлар,  
Баргида чумоли кезади ҳайрон.  
Хали мен күрмаган боғлар бор экан,  
Үлгім келмаяпты, онажон.

Қызларнинг овози жаранглар мунис,  
Ишқ десам – дафтарга сараб кетди қон.  
Севмаса севмабди мени битта қиз,  
Дунёда қиз камми, онажон?!

Қаекқа қочади бу иссик қоним,  
Құлларни соғиниб сочларим ғужгон.  
Кимга керак бўлди менинг ёш жоним?  
Үлгім келмаяпты, онажон.

Бегуноң биттадир – у ҳам осмонда,  
Күлгә чивин құнди, құвмокқа йүқ жон.  
Чивинлар, чумчуклар юрган жағонда  
Менга жой йүқмикан, онажон?!

Қүёшга термилдим – күзим қамашди,  
Киприқдан шабнамдай ёш оқди маржон.  
Нурларни соғиниб қақшар қовурғам,  
Үлгім келмаяпти, онажон!

Гарчанд мен қайғули шеърлар түқидим,  
Гарчанд азоб күрдим мудом белоён –  
Мен ҳали дунёга түйган йүқ әдим,  
Дунё түйдимикин мендан, онажон?..

1985

## **ЗАМОНАВИЙ ДАҲО**

Чарчадик башорат қилиб бесамар,  
Буюк боболарга ҳавасда гоҳо –  
Дейлик, бу дунёга келди шу саҳар  
Ўша бизлар кутган Машрабдай даҳо.

Осон бўлармиди ул буюк зотга,  
Шам ёқиб, ғазаллар битгайми ёниқ?..  
Йўқ, кўмиб ташлардик имзосиз хатга,  
Сўнг ўзин ёқарди шам каби аниқ.

У тунлар боқарми фалакка масрур,  
То саҳар битарми мустазод, тажнис,  
Кутиб турган бўлса уни кун бўйи  
Минг бир идорада минг битта мажлис?

Ёзаверармиди ўтлуғ байтларни,  
Дунёга келгайми уйғоқ ашъорлар,  
Унинг ҳар сатрига кўзини тикиб  
Турганда турфа хил зўр идоралар?

Агар шундан сўнг ҳам даҳо бор бўлса,  
Киндигига қадар осилган унвон –  
Унвонни кўтармай бўйни эгилган,  
Бўйни эгилганга берилган унвон.

Унинг ўлими ҳам қизиқ бағоят,  
Одамлар термилар мурдага ҳайрон –  
Бўғзиға тиқилар жимлиги учун  
Жумхурият солиб қўйган нон...

1984

## **МУВАШШАХ**

**(ёки «Гувоҳнома»)**

Бу саркашни танийсизми сиз?!  
Ахир, унинг ақли йўқ сира –  
Ҳар қадамда турганда «Газ сув»  
Риёзат-ла Оролни сўрар.  
Ия, миллат, тил керак эмиш,  
Етти мактаб таҳсили эсиз.  
Вужуд – қалқон, бармоғи – қилич,  
Кўзи чўғни танийсизми сиз?!  
Ай, мен уни озроқ биламан,  
Рост, йигирма йил бўлди, холос.  
Иштон, кўйлак, шимин кияман,  
Мингирилайман қўшиғин бир оз.  
Бу қайсарнинг ғайир исмидан  
Елдек қочмоқ истаб турибман.  
Кун-кеч олтмиш кило жисмини  
Ковушимга ортиб юрибман...  
Ай, тинимсиз талпиндинг! Қайга?!

Бор-ку сенга бир ютум ҳаво,  
Оё, шўр бўлса ҳам сув бор-ку,  
Қувонсанг бўлмасми, нотавон?..

1982

## ИНСОННИНГ БАХТИ

(ёки «Үлім ҳақида»)

Күзғолон руҳимнинг қаърида,  
Юрагим ёрилар ҳозир нақд.  
Сезяпман, бир қадам нарида  
Күзимга кўз тикиб турад Бахт.

Талпинаман. Қайга? Билмайман.  
Қўймайман васлига етмасдан.  
Югурсам – қувади ортимдан,  
Термилар – ҳансираф тўхтасам.

Бир куни дунёни англарман,  
Термилиб чарчайди кўзларим.  
Мен томон сафарга отланар  
Ҳазрати Бахтимининг ўzlари.

Бу қувонч юракка каттадир,  
Пиёда бормайман ўртада –  
Бахт томон кўтариб борадир  
Танамни тобутда тўрт одам...

1984

## 1962 ЙИЛ 2 ЯНВАРЬ

Мен туғилдим. Кимдир кувонди.  
Кулбасида ғаюр чекди ғам.  
Энди юрга тўй бераман деб,  
Қўкрагини кўтарди отам.

Замҳарир киштиш қайраган чоғ  
Бир кишига кўпайди дунё –  
Йўқ, ўрнидан қўзғолмади тоғ,  
Ўзанидан чиқмади дарё.

Отам хурсанд, уялар онам,  
Мен ийғлардим, ҳамма куларди –  
Тоғ ўрнидан қўзғолмаса ҳам,  
Бир силкиниб қўйса бўларди.

Кўзларимни ҳайрат-ла очдим:  
О, поёнсиз, нотаниш олам!  
Бахтни севиб ортидан чопдим,  
Мени эса севиб қолди... Ғам.

Йўқ, ҳаётга ҳали қонмадим,  
Англанмасдан ётибди олам.  
Бахтни излаб мэн тополмадим,  
Лекин мени излаб топди Ғам.

Мен кетганда, ийғлар куртаклар,  
Тунги боғлар, күшлар билгайлар.  
Шохи бешик бўлган теракнинг  
Бир шохидан тобут қилгайлар.

Мен ўлганда, кимлардир куяр.  
Тоғ қуламас. Тошмагай дарё.  
Бу тун бўлар... Ё жимжит саҳар...  
Бир кишига камаяр дунё.

1989



Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston MK

## УРГУТ ҲАҚИДА ҚҮШИҚ

Бир макон бу – Ургут аталмиш,  
бошида – тоғ, теграси – чинор.  
Қорлitoғда мангу музлар қиши,  
Қизтепада абадий баҳор.

Севмай бўлмас ёниб, ҳайқириб,  
қучоғини тарқ этган кунинг –  
соғинчлари қайтарар тирик,  
армонлари ўлдирав унинг.

Гули алвон, чўққилари чўнг,  
шамоллари топ-тозадир, оҳ.  
Бундай юртда яшагандан сўнг  
ўтли шеърлар битмаслик – гуноҳ...

1979

## **ТУГИЛГАН ЕРЛАРИМ, ТУҚҚАН ЭЛЛАРИМ...**

Мен шаҳарга шеърлар сўзладим,  
тўполонда толе изладим.  
Худди шу пайт тоғли ўлкада  
оёғимни кўмсаб ётибди  
тупроқ йўлда қолган изларим.

Бунда кўча титмасман ҳеч вақт,  
саёклиқдан ўзни тияман.  
Бехудага ёнмасман,  
факат  
дазмолланган шимлар кияман.

Унда базмларда дўстларга  
булоқдек тинч, довулдек кўчкин  
давра сўзи айтсан уртаниб,  
кулиб турмас ортимдан ҳеч ким.

Унда кезар дайди шамол, ел,  
қабристонда унар лолалар,  
тобут тутиб кифти қотган эл,  
йўл чангитиб чопган болалар...

1980

## БОҒДА

Ранги ўчган ўриндиққа чўкканча барглари тўкилган намчил новдани томоша қиляпман. Шу лаҳзада ундан ҳам ёлғиз, ундан ҳам сағир ҳеч нарса йўқдай. Аллақайдан қаноти ивиган қора қарға дилдираган новдага келиб қўнади. Новданинг етимлигига қайғуриб дилдираётган ўйларим қарға учиб келган ёққа учиб кетдилар.

Қарғанинг уч юз йил яшashi ростмикин? Чумдугининг дарз кетганига қараганда шу қарға ҳам икки юз элликларга киргандир...

Новдасига қарға қўнган заҳоти дарахтнинг мунғайиши барҳам топди, табиатнинг бу янги сурати аввалингисидан ўқтамроқ эди.

Агар шу қарғанинг икки юз элликка киргани рост бўлса, Бобур замонасини кўрмаган эса-да, Машрабнинг ўлимига гувоҳ бўлган бўлиши мумкин. Мен милодий 1978 йилнинг кузида Фавс ул-Аъзам зиёратгоҳининг боғида чинор новдасига қўнган қарғани томоша қилиб турган пайт билан Кундузда Балх ҳокими Махмуд Қатағон томонидан Машраб осиб ўлдирилган милодий 1711 (хижрий 1123) йил орасида 267 йил бор. Бильякс, шу қарға дорга тортилган Машраб тепасида қағиллаб чарх урган бўлса, эҳтимол. Эртага бир куни уни ҳайвонот боғига тикишар, ўлса – наботот музейига қўйишар.

1916 йилги Жиззах құзғолони пайти оқ пошшо түпларининг тутунидан күзи ачишиб шаҳар деворига туртениб кетгандир, балким...

Шунча таассуротни, тарихни митти жуссаси-  
га қандай сиғидирди экан?! Хотира юки әзғилаб  
күймадимикин уни?!

Балким, унинг хотираси йўқдир, у икки юз эллик  
йил ҳеч қаёққа бормай, шу тоғ орасидаги боғда,  
зиёратчилардан қолган нон увоқларига кўнишиб яша-  
гандир. Балким, бу ёқларга адашиб келиб қолгандир...

Эҳтимол, адашиб юрган менинг мана шу хаёлла-  
римдир...

1978

## **ХАЁЛПАРАСТ УЧУН ДАРС**

Рұхим,  
хатарлидир бу құрқиши,  
ётаверсін үйкуда титроқ.  
Орзу – қанотлари учқур қүш –  
парвоз қилар тобора тикроқ.

Осон ўтаверар фурсатинг,  
орзунинг беминнат қарами.  
Фақат сен ҳали ҳам  
ердаги  
икки оёғингга қарама...

1979

## **ДАНГАЛ ХУЛОСА**

Вақт нимадир –  
бир дамлик омад  
ё ажалнинг вақтинча раҳми;  
бу тилсимни тушуна олмай  
ўтиб кетди умрнинг ярми.

Вақт кетди деб чекмагин афсус,  
афсус чекиб ажрагайсан нақд.  
Вақт нимадир – мана шу шеърни  
ўқигунча ўтиб кетди вақт.

1981

## ЎЗБЕКИСТОН, АВАЙЛАГИН БОЛАЛАРИНГНИ...

Ўзбекистон,  
авайлагин болаларингни,  
бошин сила қошу кўзи қораларингни.  
Бугун омон қолса,  
эртага улар  
боғлаб қўяр етмиш йиллик яраларингни.

Ана,  
йиғлаб шу дунёга келди бир гўдак –  
бу дунёда яшашга жасорат керак.  
Энди ўчмаса бас журъати, ўти,  
Аёзларда совумасин қони, маслаги –  
Ўзбекистон,  
болаларингни асрагин.  
Ҳали улар –

юксакларни кўзлаган қушлар –  
ғўза тутган бармоқларин қотирса шамол,  
ярлари битган қўлга қаламлар ушлаб  
биздан яхши шеърлар ёзиб бергайлар ҳалол...

Тулпор миниб туёғидан ўт чақнатган боболарини  
унутмайди гул болалар, сафсар болалар,  
унутмайди  
элим деган ботирларнинг урҳоларини,  
қовурғаси ичра қасос асраб ўсар болалар,  
қайсар,  
қаҳри қаттиқ,  
ўжар болалар...  
Хозирча пайкалга элтгувчи йўлдан,  
хув, этагин судраб ўтар болалар.

## ҚАРОР

Энди Фұсда ҳар бутоқ, ёғоч,  
дилдираиди ёлғыз, яланғоч.  
Сувлар тиниб қолди Ургутда.  
Бугун уғқа боядым ноилож  
осмонидан айру бургутдай.

Катта юртсан, биламан, Тошкент,  
энди сенга сиғсадым, кошки.  
Эсіб қолди еллар жонсарап,  
уч фасл мен қалбға буюрдим,  
бу ёғи куз –  
буюрар юрак.

Үтиб кетди бепарво баҳор  
хүснідан маст, bemexр қиздай.  
Еаріб йүқтір дунёда күздай –  
томогимға тиқилди соғинч  
видо учун асралған сүздай.

Энди булар юракнинг гапи,  
аёл,  
бекіма бунча мутедай,  
жонға тегар лутфнинг ҳам күпи,  
кетдім –  
төғни бир күриб келай,  
новдаларни құяйин ўпіб.

Асрайверсін  
хонашин,  
бедард  
зағар күздан юракларини.  
Мен кетдім,  
бир күришим шарт  
Ғавс ул-Аъзам этакларининг  
қуриёттан чечакларини...

## **ХАЗОНРЕЗ**

Қип-яланғоч дарахтга қараб  
баданингга киради титроқ  
Атроф жимжит,  
«үф» тортсанг етар,  
йўталмаслик учун қаттиқроқ.

Эҳтиёт бўл,  
етар хазонлар  
қулаб ҳаёт тўп-талошида  
шахид кетган жўмард ботирнинг  
бандаргоҳда ётган лошидай.

Аллақайда қўзғалар исён,  
тирилади қасос шукухи,  
юз-кўзингга урилар мезон –  
жуvonмардинг ўлмаган руҳи.

Кўкрагингга тўлар интиқом,  
яшайверсанг, демак, бўлади.  
...Тушаётган қор учқунидан  
бўронларнинг ҳиди келади.

1986

## **ГАРСИА ЛОРКАГА БАФИШЛОВ**

Бор либосин ечиб, яланғоч  
дараҳтлар титрайди ҳавода  
ва күзнинг девона ели оч  
сүнгги баргни отар ҳавога.

Рашкчи булутлар фалакда  
чидолмай кўзини ёшлайди;  
уятни унутиб дараҳтлар  
ёмғирда чўмила бошлайди.

1987

## ҚҮРИҚХОНАДА

Сим деворнинг қошида туриб  
қалқиб кетди қўзларимдан ёш:  
мана шу боғ,  
мавжудот, гиёҳ  
ҳозир жуда мададга муҳтож.

Бугун йитди йиртқич бўрилар,  
Йўлбарсларнинг таҳди – хаёл...  
Бу ёнда мен,  
у ёнда,  
ана,  
жониворлар юрар бемалол.

Лол турибман –  
қаршимда тўсиқ,  
мумкин эмас ўтмоқ шу симдан –  
бу оламни асрашар кимдан?!  
...Қўлларимга боқдим уялиб,  
нафратланиб кетдим ўзимдан.

1988

## ТОШТАРОШ

Ҳар тонг Киото тарафдан чиқадиган қүёш Шинжон ва Қандаҳор устидан ўтиб Киев ва Лондонга – Мағрибга йўл олар экан, ўзининг иссиқ сим-сим нурларини Туркистоннинг баланд-баланд тоғлари, ясси-ясси кенгликлари, қақроқ саҳроларию шовуллаган боғлари қатори тиғдор чўққилар пойидағи мўъжазгина Fўс деган қишлоқдан, шу жумладан, қабристон ёнидаги тоштарошнинг ҳовлисисдан ҳам аямайди. Ҳа, чексиз оламнинг бир чеккасидаги шу қишлоқ тепасида ҳам ҳар саҳар офтоб чиқади, Аллоҳга шукур.

Тоштарошнинг қишлоқ мозорига туташ, деворлари нураб бораётган лойсувоқ ҳовлиси бу тоғ қишлоғини дунё билан боғлаб турадиган ягона йўлнинг четида бўлгани учун, қишлоқдан чиқаётган ёки унга кираётган ҳар бир йўловчининг назари, албатта, тупроқ устида шошиб юрганларнинг сўнгги манзили – мозоротга ва шу маконнинг ягона коровули, боғбони ва гўркови бўлмиш тоштарошнинг кунгай ҳовлисига тушади.

Унинг ўткинчилар билан иши йўқ, қишлоқда қазо бўлса, тонг-саҳардан гўр қазишга тушади, тушликдан сўнг эса тош тарошлайди. Бу жуда майда, заҳматтаб иш – кунига бир, нари борса, икки тошни тарошлайди, буюртма тушса, марҳумнинг исми-шарифини тиф билан ўйиб ёзади. Тўқмоқни чўқморгага соглан пайти учиб кетган тошчалар тиззасига сачрайди, гоҳо билагини тилиб ўтади, чилпиллаб чиққан терни қотма бармоқлари билан сидирар экан, кафтидаги кукун юқи пешонасида сомон йўлидай из қолдиради. Унинг на бу из, на қараб кетаётган йўловчилар ва на бу дунё билан иши бор, аллақайда халқ қўзғолиб мустақилликка эришгани, қайдадир жарроҳлар инсон юрагини бошқаси билан алмаштиргани, космик кема самога учгани ҳақида гапираётган радионинг

күхна жавраши ҳам қулоғига кирмайди, тошни ти-нимсиз тарошлайверади.

Қабртошларга талаб бор – аҳолиси зич қишлоқда деярли ҳар куни кимдир туғилади ва кимдир қазо қиласы. Айниңса, қишининг охирларида ўлим кўпаяди, тош тайёрлаб улгурмайди. Ёзда бир оз нафас ростлайди. Ясаган қабртошларга «эга» топилишига ишонганидан олдиндан тайёрлаб қўяверади. Энди исми-шарифи ёзиладиган марҳум бўлса кифоя.

Ўнгагидаги терни сидириб, ивиган бармоқларини шўрлаган этагига суртади-да, яна ишини давом эттираверади. Менинг термилиб турганимни ҳам сезмайди.

У ерни қазиб, мурдаларни кўмаверганидан мозорот ҳам улкан қишлоққа айланган. Қатор-қатор қабрлар ёнидаги навбатдаги гўрни кавлаб, чуқурдан чиқсан илиқ тупроқни сиқимлаб ҳидлаётганини кўрганимда у менга ўта нуроний, бу машғулотини кўп замонлар, минг йиллар аввал бошлагандай, бу кетишда қишлоқнинг ҳамма одамини кўмиб туттадигандай туюлади.

Ёнма-ён териб қўйилган бети силлиқ уч-тўрт қабртошга термиламан. Дўмпайган қабрига бу тошлар қўйиладиган одамлар ҳали тирик. Улар ҳали ҳеч нарсадан бехабар, ер босиб юргандир. Балким, гул ҳидлаб ўтиргандир, ухлаётган – бир ҳовуч сувни туш кўраётгандир. Ёки мозор ёнидан ўтиб бозорга бораётган, ҳозиргина йўлдан ўтаётуб ўзининг қабрига тош йўнаётган мана бу тоштарош устага қараб кулиб кетаётгандир... Эҳтимол, шу фикрларни ўйлаётган кимсанинг – менинг қабртошимдир бу эгасиз тош.

Бир-бирига оғаларча суюниб турган тошларга бокиб томоғимга нимадир тиқилади: биламан, одамлар шу тошлар тайёр экани учун ўлмайди. Лекин нима учун бу тошлар айбордордай бир-бирига мингашади...

Тоштарош навбатдаги тошни олиб текислай бошлади. Токио томондан чиқсан қуёш Кобулнинг тепасидан

аллақачон ўтган, қишлоқнинг кунботар томонидаги бешикчининг томи устидан Новгородга томон кетаётган эди. Дунёда на Токио, на Новгород борлигидан бехабар бир ўзбек тоштароши яна бир қишлоқдошининг қабри учун төш йўниб ётарди.

1982

## **ҚАБРТОШГА ЁЗУВЛАР**

1.

Яна баҳорлар келар,  
Жамбил исли ҳавони  
Симиради күк савсан.  
Қари толнинг товонин  
Қитиқлайди ёш майса,  
Гуллар босар дунёни...  
Сен ўрнингдан турмайсан –  
Минг афсуски, ўлгансан,  
Минг афсуски, кўрмайсан.

2.

Яна баҳорлар келар,  
Тушар оғир кўйлаклар.  
Дилга кутқу тўлади –  
Кимнингдир шод қулгуси  
Боғни нурга белади.  
Сен севган ойдай дилбар  
Бегонага кулади –  
Сен ўрнингдан турмайсан...  
Яхшиямки, ўлгансан,  
Яхшиямки, кўрмайсан.

1988

## ДАФН

Мана,  
кеча  
унга узатилмаган күллар  
тобутига чўзилди бугун.

У япроқдай титраб  
ҳар оқшом кутган қоғозга  
ажалининг хабарини битяпмиз тонгда  
бармоқлар титраб.

Қизғаниб бетига айтилмаган эзгу сўзлар  
энди айтилар  
тортинмай айтилган сўзлардан ўлганнинг  
қабри устида.

Сағана устида тебранар қизил гуллар,  
кечикиб келган,  
кечикканидан қизарган,  
уятчан гуллар.

1986

\* \* \*

Илк қор босған хазонни кечиб  
боғ кезардим,  
хаёлларим нек –  
бир қыз келар  
шу ёруғ кеча  
юпун шохга осилган ойдек.

Билмам, сайд ким ишқий шикорда,  
күзим, бу пок ҳуснни ичгин –  
тушларига кирмаган ҳеч ким,  
покизадир мана шу қордай.

Ой ҳам чўкди қароқларига,  
алланени шивирлар лаби.  
Севсам, сўнгги япроқлар каби  
тўкилсайдим оёқларига.

Севсам... Ўтди. Мағрур. Бегона.  
Телба қилма ишқни, ёруғ шаб.  
Кузги боғда турибман якка  
мунгайган чўнг чинорга ўхшаб...

1986

## АМИРҚУЛ ПҮЛКАН

Қалб құримни аямай  
куйлайвердим, ёш әдім.  
Эрмакка ёзғаним йүк,  
куйиб-ёниб яшадим.

Қолдирмадим,  
симирдим  
кувонч, ғамнинг жомини.  
Сотиб яшамадим ҳеч  
боболарим номини.

Балким, яшашар узоқ  
үртансасдан,  
куймасдан?!  
Кетиб боряпман,  
мана,  
бу дунёга түймасдан...

Бу дилбар тирикликни  
мендан күра қаттиқроқ  
севиб юрасиз дея  
сизга ташлаб борар чоғ,

хавотирим – шеърият –  
бир үй дилни яралар:  
кетсам, менга шеър битиб  
кун күрмәнглар, жүралар...

1988

## **ФАЛСАФАДАН КОНСПЕКТЛАР**

**(туркум)**

### **1. ВОЛТЕР**

Албатта, сиз ҳақсиз ҳаммадан:  
Илохнинг борлиги – ёлғон.  
Буни англаб етган лаҳзадан  
Бүшаб қолди тепада осмон.

Сиз биласиз ҳаммасини, ҳа,  
Мен бағри қон кўхна сўроқдан –  
Худо йўқдир, лекин бир зумда  
Дунё пайдо бўлган қаёқдан?!

Айтаяпсиз: молекула, атом,  
Хужайралар, қон, энергия...  
Ҳаммасини биласиз, айтинг,  
Бу ақлни сизга ким берган?!

### **2. АБУ АЛИ ИБН СИНО**

Яшип-яшил баргларга боқдим –  
Кўзларимга хазон кўринди.  
Метин девор шаҳарга боқдим –  
Ул ҳам бир кун вайрон кўринди.

Боқдим сумбул-сумбул толларга –  
Тобут бўлар бир он, кўринди.  
Боқдим шодмон юрган элларга –  
Ич-ичида армон кўринди.

Одам танин англаб улгурдим,  
Лекин қалби уммон кўринди.  
Тириклиқдан шартта юз бурдим –  
Шунда ўлим осон кўринди.

### 3. АХМАД ЯССАВИЙ

Озодлик нимадир – у қувонч эмас,  
Агар шодлик бўлса сен кўрган дамлар,  
Демак, ростлаяпти ғаниминг нафас,  
Бир зумга ториқмиш ғаюр одамлар.

Озодлик нимадир – қадим ер узра  
Таралиб турибди ҳали овозинг  
Ва лекин тепангда тинимсиз титраб  
Чайқалар минг йиллик кўхна тарози.

Озодлик нимадир – тирикман дея  
Бехуда севиндинг. Бор бўлса жонинг –  
Бу сени Яратган унутди, демак,  
Эсидан чиқибсан, демак, худонинг...

### 4. БЛЕЗ ПАСКАЛ

Осмон – ернинг дўпписи, тубсиз,  
Мангулиқда тун бир дақиқа.  
Сиз ёр ила баҳтли турибсиз,  
Мен ўйларман ўлим ҳақида.

Толтобутни эсламайсиз ҳам,  
Ўйламасанг, йўқ каби ажал.  
Мен биламан – филофида ҳам  
Хатарлидир, кескирдир ханжар.

Жаннатдасиз, сиз учун ўлим  
Айиради сафоли баҳтдан.  
Мен дунёдан кетарман қулиб  
Кетаётган каби дўзахдан.

Сўнгги йўлни ёдламай, хушбаҳт,  
Дилингизда на ғам, на титроқ.  
Мен ўлимни ўйлаган сари  
Ҳаётимни севдим қаттиқроқ...

## ТҮСАТДАН

тарсиллаб ёрилар куртак,  
қизарар уятдан шафтоли гули,  
қарсиллаб чақилар момогулдурак,  
жарликлар хүрсинар бехос қайгули,

гувиллаб саҳрода кезар эпкинлар,  
чакиллаб сув келар асрий қорлардан,  
сопол хумларидан чиқажак жинлар,  
девлар ёпирилиб чиқар форлардан,

эртаклардан чиқар қанотли отлар,  
кулларни титкилаб китоблар чиқар,  
беланчакка сиғмас гўдаклар туғар  
оидан-да, кундан-да ҳур паризодлар,

кўр кўзлар очилар – қамашар нурдан,  
гунгларнинг оғзидан тушар сақичлар,  
кулфин дарвозалар очилар бирдан,  
музей деворидан қулар қиличлар...

Воҳ, охир тугайди минг йилдан буён  
нафасини ютган ернинг жимлиги –  
куртаклар ёрилган шу тонг, ногаҳон  
халқимнинг ёдига тушар кимлиги...

1985

## ЗУЛФИ МОМО

Қарс-қурс синди шишадай музлар,  
Шитир-шитир чечаклар унди.  
Яна қушлар учар ер узра,  
Зулфи момо,  
Сиз йүксиз энди.

Қалдирғочлар қайтдилар бир-бир,  
Чорбөгимиз бўлди шуълакон.  
Мусичалар қайтди-ку, ахир,  
Қайтмайсизми энди, моможон?

Юлдуз тўла кечалар само,  
Яна офтоб куйдирар кундуз.  
Ўша фалак, ўшандай дунё –  
Кўролмайсиз уни сиз, афсус.

Онам йиглаб тортади қатим,  
Отам мен деб хўрсинар чуқур –  
Сиз айтгандай одам бўлмадим,  
Бу ҳолимни кўрмайсиз, шукур...

1979

## ГҮЗАЛЛИК ҲАҚИДА ШЕЪР

Киз ўйнар.  
Кеманинг елканларидек  
Унинг этагидан бўронлар қўпар.  
Ўйнар –  
Кўйлагининг шаббодасида  
Қулаб кетмасайди бу қадим шаҳар.

Оҳанги титрайди ўтлуғ қўшиқнинг,  
Шош-Қўқон йўлига арава тушди.  
Қовурғам остида бедор ошиқнинг  
Қафасга урилиб қонайди мушти.

Мана, оғриётган юракни тутдим,  
Сузяпман,  
Келяпти оқ-ойдин шеърлар.  
Елкам,  
Кўзларимга урилиб синар  
Бир менга аталган ғанимат нурлар.

Раққоса рақсга тушяпти.  
Гўё  
Қаҳқаҳа уради бир шода ўрик.  
Нега йиғламайман, нега кулмайман,  
Нега куйламайман шу қизни кўриб?!

Одамзод ўзини англаса, шояд,  
Севолса соғ, сулув аёлларини,  
Қувиб юборарми эди  
Бошидан  
Турфа қилвир, фосиқ хаёлларини...

Дунёдан нолима,  
Бағрим,  
Нафас ол,  
Эсяпти бир дамлик покиза шамол.  
Ана,  
Шоҳ Машрабнинг оҳангларида  
Силкиниб ўйнайди сен севган аёл.

У ўйнар,  
Минг йиллар наридан келган,  
Ўйнар  
Оҳу каби ҳуркак, омонат;  
Шу соғлом чехрага муносибмисан,  
Қандай яшаяпсан,  
Шоири бебаҳт?!

Қўрқаман,  
Тутмаса унинг уволи,  
Сўнг излаб юрмасак йиллар, замонлар...  
Ўйнар,  
Чўнг кеманинг елканларидек  
Қизнинг этагидан қўпар бўронлар.

1985

## РАҚҚОСА

1.

Үйнар Лондон, Париж саройларида,  
каптар қанотидек силкинар күллар,  
забаржад лиbosлар яшира олмас  
титроғи исёнкор күкракларини –  
бошни қүйи солар бир түп фаранглар,  
хаяжондан асраб юракларини.

Самарқанд, Фарғона саҳнасида завқ  
қарсақдан гувиллар саройнинг ичи,  
қийқирап оқшомги шаробнинг кучи.  
Қиз ўйлар – зал ичра бир йигит бордир,  
у үйнар силкиниб шу йигит учун..

Хонасидан чиқмас қолган вақтлари,  
күпdir күлин нуқиб йўл кўрсатгувчи.  
Хонада кечаги концерт гуллари,  
япон елпигичи, ҳинду сакичи.

Раққоса, оламда бор, бир йигит бор,  
излагани шеъру топгани озор,  
қувончи қўшиғу ҳасрати наво –  
у сени саҳнага кўрмайди раво.  
Биламан, унинг бу ўйлари хато,  
сени қизғанади ўзидан ҳатто.

Ўйнагин чарх уриб, тошқиндай шўх-шўх,  
шу қадар гўзалсан, тоза, яктосан –  
сенга лойик йигит бу дунёда йўқ..  
Шу учун дунёдан ёлғиз ўтарсан.

2.

Сен рақсга түшдинг –  
гүё тонг сахар  
силкина бошлади инжабел ўтлар,  
гүёки лопиллаб фалакка чикар  
күлга сув ичгани түшган буултар.

Оlam кулиб кетар, мен билдим, билдим...

Сен рақсга түшдинг –  
мен терга түшдим,  
намчил буултардан ёғди ёмғирлар.  
Сен гулдай күкардинг,  
елкалар учди,  
бармоқлар барг каби шитирлаб титрар.

Юрак түлиб кетар, мен билдим, билдим...

Сен рақсга түшсанг  
парқанот қушсан,  
бахт қуши, нурларинг күмди оламни.  
Мен эса шу кечә йиғладим эзғин,  
силкиб қуш құнмаган озғин елкамни...

Одам ўтиб кетар, мен билдим, билдим...

1986

## УЙГОНЧ

Ситамгар шом. Қора самонинг  
юзларини ювар пок сувлар.  
Шу поёнсиз, чексиз дунёning  
бир четида бўрилар увлар.

Шу поёнсиз, чексиз дунёning  
бир четида уйғокман, борман –  
бу кеча ҳам дилхунман, жоним,  
яширмайман, мен сизга зорман.

Бу кеча ҳам бўрилар увлар,  
чирилдоқлар чириллар бир-бир,  
курбақани сувилон қувлар,  
юавверар дунёни ёмғир.

Ғамангиз шом. Дарахт шохлари  
ой нурида сутга йўғрилар –  
бундай тунда уйғокdir фақат  
ё шоирлар ва ё ўғрилар.

Бораяпман яланг, лой кечиб,  
сизга зорман, қости қийғочим.  
Юлдузларга боқдим дилпарчин,  
ой нурида қуриди ёшим.

Қоп-қора шом. Биламан, гулим,  
бу йўлларда бевакт юрмайсиз.  
Келмагайсиз, майли, севиклим,  
тушларимга нега кирмайсиз?

1986

## АЁЛ

Ана, ўйнаб елади аёл,  
Мен томонга келади аёл.

Этаклари ҳилпиар – байроқ,  
Ерни нурга белади аёл.

Бу баҳтиёр тунлар сўнгига  
Тўлин ойдек тўлади аёл.

Дунёдан ҳам, мендан ҳам рози,  
Қиқир-киқир кулади аёл...

Ҳар не ўтса, ўзимдан ўтди –  
Ҳаммасини билади аёл.

Хали паноҳ бўла олмаган  
Қўлларимни силади аёл.

Эшиккача шивирлаб чиқди,  
Ёруғ кунлар тилади аёл.

Ўзим сендан кетаётирман,  
Энди нима бўлади, аёл?!

...Мана, ёниб тугаётирман,  
Бир балони билади аёл.

Кўзим куяр... Қулоқларимга  
Қиқир-қиқир кулади аёл.

## УЗР

Майлими, ой чиққан шу ойдин кеча  
нафас олаверсам ютиниб, курсанд,  
майлими, дунёнинг битта бурчида  
мен ҳам васлингизни қўмсаб ўтирасам?!

Кеча сиз ўтганда харир кўйлакда,  
эргашган шамолнинг боши айланиб,  
телбадек увиллар ҳануз йўлакда –  
мен ҳам шу йўлларда юрсам майлими?!

Майлими соғинсам ва тошса кўнглим,  
йиғласам майлими, майлими кулсам?!  
Ўкситмайманмикин сизни, севгилим,  
агар мен шу кеча бехосдан ўлсам?..

1986

## **ИШҚ МАРСИЯСИ**

Нега қулай десам, сизиб чиқар ёш,  
нега ох чекканда, сачраб кетар қон?  
Ахир, топганим йүқ сизни, қаламқош,  
йүқтотганим ҳам йүқ, демак, ҳеч қачон.

Сиз ўзга қулбага бўлганда меҳмон,  
фалак ёмғир қуйгач гувиллаб бирдан,  
қонсираб кўчани кезганим ёлғон,  
кўйлагим ивиди шунчаки тердан.

Йўқ, севган эмасман сизни, чилвирсоч,  
фақат бир нарсага бўларман ҳайрон –  
нега қулай десам, сизиб чиқар ёш,  
нега ох чекканда, сачраб кетар қон?..

1989

47

## **ТАВАККАЛ**

Учмоққа шай севги қүшининг  
Қаноти қайрилар тезгина –  
Мен сизни севаман, тушунинг,  
Мен сизни севаман, қизгина.

Баҳорлар келади, кетади –  
Мен қайтиб келмайман, сезгин-а.  
Фиғоним фалакни тутади:  
Мен сизни севаман, қизгина.

Бу кеча ҳам кечар, оқарар,  
Сүзласам, юз ишва, юз гина –  
Тушунмоқ мумкиндер ошиқни,  
Ошиқман, севаман, қизгина.

Ой нури шувиллаб чақилар,  
Дилимдан шубхани қуваман.  
Жуда күп сўзладим, на қилай?  
Мен сизни севаман, се-ва-ман...

1979

## **И.Р.га**

1.

Излардим, ҳансирағ чопиб келдим-ку,  
Лекин охир сени топиб келдим-ку.  
Муazzам ҳасратлар ортимда қолди,  
Ишким дафтарини ёпиб келдим-ку.  
Рост, шунча йил кезиб сени топибман,  
Аёғинг изини ўпиб келдим-ку...

2.

Илоҳим, интизордурман – гулим қани,  
Ломакондан сўрдим чўзиб қўлим, қани?!  
Мунглиғ шеърлар ёзиб шамнинг ёруғида,  
Ичим шамдай ёниб битди, кулим қани?!  
Ранжу алам тугамади, ёр келса ҳам,  
Аён, ўлсам қутулгайман – ўлим қани?!

3.

Ишқингдан озурда дил ҳазин садо асрагай,  
Лабзингдан ўлсам, шеърлар тутгай азо, асрагай.  
Мунис кечалар мени тонгга етқурди умид.  
Исмингни шивирладим мисли дуо – асрагай.  
Равзаи тош шаҳрингдан ўтиб кетиб бораман,  
Асролмадим сени мен, энди Ҳудо асрагай.

1990

## **ГҮЁКИ ҲАЗИЛ**

Ҳамма хотинларнинг исми одмидир,  
Ҳамма ўйнашларнинг исми мұхташам.  
Ҳамма хотинларнинг иши – ош, кир-чир,  
Ҳамма ўйнашларнинг иши – базм, ҳашам.

Хотинлар танингни аспар очликдан,  
Ўйнашлар қўнглингни шодмон этурлар.  
Хотинлардан қатор болалар қолар,  
Ўйнашлардан эса... шунақа шеърлар.

1988

## ТАҚҚОСЛАР

Сизнинг келишингизни эшитганда  
отиш ҳукми бекор қилинган  
маҳбусдай қувонаман,  
рост.

Бошқалар учрашганда  
тилло топган қашшоқдек  
баҳтиёрдир,  
биламан.

Биз учрашгач  
оғир аравага қўшилган отлар мисол  
ҳорғинмиз,  
нега?

Сиз кетдингиз,  
тўшакда ётибман  
сувга чўкиб кетган одамнинг  
қирғоқда қолдирган кийими каби  
эгасиз,  
оқлов қоғозини йўқотган  
маҳбусдай  
маҳкум.

1989

## МЕНИНГ ОТА-ОНАМ

Дунё – кенг.

Хув йўлнинг кунгай бетида  
кўшни болаларни қошига йиғиб  
достон айтар мўйсафид бир чол.  
«Турналар негадир қайтмаётир...» – деб,  
уфқа боқиб суради хаёл.

Ҳаводак кўлига ширкорга чиқиб  
парига йўлиққан Авазхон каби,  
олисларда юрган ўғлини эслаб  
кекса Гўрўғлидек қимтинар лаби.

Ой ҳам йитар Fўснинг тоғига ботиб,  
кампир палак тикар «ёруғлик кунга»,  
ориқ қўллар билан ип, қатим тортиб –  
бир орзу асрайди дилида ширин,  
кишлокнинг бўй етган гўзалларига  
гоҳо ошкор боқиб,  
гоҳо яширин...

Дунё – кенг,

жуда кенг,

ота,

онажон.

Сайёҳми, сайёдми, саёқми – кимман?!  
Орзунгизни кўмдим кўнгил қаърига –  
бунда икки дунё рози бир аёл  
ўғлингизни осди ўз соchlарига...

1989

## ИШҚИНГ СУРАТИГА ЧИЗГИЛАР

1.

Гулим,  
Сиғинаман,  
ишқим илоҳий.

Бағрингни жаннатдай очгин бандангга:  
лаблар олмасини тишлий ютоқиб,  
бошимни құяйин құксинг – каъбамга.

Агар гунохларим күп бўлса шунча,  
қисматим бўлса шу қиёмат-қойим,  
қўзлар гулханига ташлагин,  
кўркма,  
ёқиб юборавер,  
гулим,  
илоҳим...

2.

Энди тун чўкканда қадим дунёга,  
совук тўшакларга ҳарорат қалаб,  
чашминг оловига исиниб, хушбахт,  
хусну жамолингга камолот тилаб,  
ақиқ лабларингга бежаб бўсалар,  
чиљвир соchlарингни тонггача силаб  
тунни адо қиласр баҳтли...  
ўшалар.

3.

Кеча ҳам кечмоқда,  
қайғурма,  
гулим,  
қалқитма киприқда титраган ёшни,  
бас, мағрур күтариб кетайлик бошни.  
Мен ҳам сўкмайин шу тонгни, севгилим,  
сен ҳам қарғамагин қуёшни...

1989

## **ОҚШЕЪР**

Севгилим, мен қаёкларда адашиб юрдим?  
Чўмилгим келмоқда соchlарингнинг қаро

тўлқинларида,  
киприкларинг юрагимга қадалаётир.  
Бу пайт нега яна бошим эгилди?  
Инсоннинг ўзига жазоси – хотир.

Бугун сени топиб келгунча охир  
чорак аср қаёкларда юрдим адашиб –  
ўйлай десам, идроким оғрир.

Худонинг меҳри йўқ, бўлса осмонда –  
менинг насибамни Ургутга боғлаб,  
сени яратиби шу тош қўрғонда.

Севгилим,  
энди бу нигоҳга дош бериш оғир,  
бу кўзларга қийин чидамоқ.  
Билмадим,  
шунча йил қандоқ яшадим  
бу дилбар чиройнинг баҳридан йироқ?!  
Наҳот, яшадим?!

Ҳайрон бўлиб термиляпсан,  
Ўзни оқламоққа нима ҳам дердим?

Мен вақтга қалбимнинг қўрини,  
кўзларимнинг нурини бердим.

Воҳ,  
икрор учун энди кеч,  
ҳожат йўқ дейсанми икрорга, сўзга?  
Наҳот, шу малоҳат менга ёт энди,  
Бу соғлом чеҳранинг эгаси ўзга.

Кечирдингми,  
оҳ, раҳмдилсан,  
сен-ку кечирарсан,  
мен ўзимни қандоқ кечирай?!

Севгилим, мен қаёқларда адашиб юрдим?!

1989

## ГУЛШАНАНИНГ ТАВАЛЛУДИГА

Мен – қайсар бир одам,  
ишонмай қўйдим  
тақдир пешонамга ёзилган хатга.  
Лекин сифинмоққа тайёрман бугун  
сизни яратгани учун  
қисматга.

Заминда одам кўп,  
чалкаш йўллар кўп,  
инсон кириб кетмас қайси бир изга?  
Бизни бир манзилда учраштирган шу  
йўлнинг гардларини сурарман кўзга.

Дунёда турфа хил толе бор, аён,  
тақдирдош бўлмасин қуён бўрига.  
Гулим, сизни яратибдилар  
кимнингдир баҳтига,  
кимнинг шўрига...

1984

## **БОШҚАЛАРГА НАСИҲАТ**

Ёринг бевафо бўлса,  
сабоқ олгин бардошдан,  
ёзу қишга бепарво  
йўл узра ётган тошдан.

Айрилсанг айрилибсан –  
кувонавер бу... баҳтдан,  
ўрган баргин йўқотиб  
тикка турган дараҳтдан.

Ўзгага кетса кетар,  
сира қуйма, йиғлама.  
Ўзимми?  
Мени қўйгин,  
мен нодонга қарама...

1986

## **БИЗГА КИМ ЖАВОБ БЕРАДИ?..**

Она кучаниб пешонадаги терни артади: бир одам туғилди.

Момо кампирнинг қўлидаги гўдак чирқираб йиғлайди – олам нуридан кўзи қамашади, нотаниш дунёдан қўрқади, онанинг ботинига қайтиб кириб кетгиси кела-ди.

Одам дунёга ёлғиз келади.

Одам яшашга маҳкумдир.

Гўрков пешонасидаги терни сидиради: бир одам ўлди.

Одамнинг сира ўлгиси келмайди. Агар у ўзини ботир-ликка солса, ишонманг. Шарқнинг мутафаккирлари саройда шохни гийбат қилмаганларидай, ўлим ҳақида кўп сўзламайдилар, чунки олам ажалнинг саройидир, Мағрибнинг нуктадон донишлари ўлим ҳақида кўп фикрлаганлар, ўзларини ажалолди жасурликка тайёр-лаганлар – бу сўзамоллик ва тайёргарликлар ҳам ўлимнинг бу дунёда улкан ва муқаррар ҳодиса эканидан далолатдир.

Одам ўлимга маҳкумдир.

Одам дунёдан ёлғиз кетади. Ҳеч ким бирорнинг ўрнига ўлиб бермайди.

Шу мулоҳазаларни ўйлар эканман, аллақайда бошқа бир дунё бордай, кимдир бизни битта-битта бу дунёга юбориб, яна битта-битта қайтариб олаётгандай туюла-ди.

Қайда ўша рост дунё?!

Ким экан у сохибкудрат?!

Бу Буюк Тажрибачи машғұлотини қачон бошлаган?  
Қачон тугатади?

Чархи қажрағтор айланар экан, ул Тажрибачи нега  
мени айнан шу замонга, шу одамлар орасига раво күр-  
ди?

Үзимдан сўрамай айнан шу замонда бор қилған ул  
Зот, ҳеч бўлмаса, кетар чоғда сўрармикин, хабардор  
қиласмикин?..

1984

## ИҚРОР

Бас,  
бугун ўзимни алдаб не қилдим,  
йўқ, шеърлар сололмас шодликни бошга.  
Улар кўнгил учун бир юпанч, холос –  
дунёда бахт йўқдир васлингдан бошқа.

Висол – муқаддас кун,  
жонгинам,  
тинмай  
мусаллас қуймагин сархуш йўлдошга.  
Мени маст қилмоққа қодир,  
сероташ  
шароби талҳ йўқдир чашмингдан бошқа.

Бежиз қувонмасин бадният ғаним,  
у мамнун боқолмас қабримда тошга.  
Бағрингда ўлмасман –  
ошибинг учун  
қазои ҳақ йўқдир ҳажрингдан бошқа...

1978

## **ФИРОҚ ТУНИ**

Фироқ туни сен, йироқ юлдуз,  
Хотирамдан боқарсан бесүз.  
Шу қафасни бугун синдири, буз –  
Күчөгимни тұлдира қолгин.

Ешлик – хушбахт күн ёнди, етар.  
Ағёр шунча қувонди, етар,  
Бир бор баҳтга ишонтир, етар –  
Кулдир мени, кулдира қолгин.

Күя-күя ой бүлди адош,  
Қалбда умид күтартмоқда биш,  
Садоқатда топмасанғ илож –  
Майли, үлдир, үлдира қолгин...

1977



## **БАЛОФАТНИНГ ОСТОНАСИДАН РЕПОРТАЖ**

Деразангни чертади ёмғир,  
шивирлайди тинмай то сахар.  
Сенинг ёлғиз ҳамроҳинг – ёстиқ,  
суюқ жазманларинг – кўрпалар.

Ел ўйнайди пардани тортиб,  
ётоғингга кирмоқ – шоҳният.  
Сен эса оқ тўшакка ботиб  
оппоқ тушлар кўрасан фақат.

Тонг отади.  
Бир қучоқ ёғду  
тор хонага кирап югуриб.  
Кўкрагингни тўлдирган туйғу  
тўшаклардан олар суғуриб.

Ташқарига чиқарсан, дилбар,  
ошиқ дунё шод чиройингга.  
Орзусига етишган барглар  
хазон бўлиб қулар пойингга...

1979

## **ОШИҚОНА**

Энди навбаҳорнинг шамоли – дайди –  
чиливири соchlарингни ўйнаб қочар шод,  
ишқингда тун бўйи кўтариб фарёд  
остона ортида ёмғир тинмайди.

Энди хуснинг ортар яна минг бора,  
оппоқ кўкрагингда кўклам ҳавоси.  
Бундай малоҳатнинг топмай қиёсинг  
ёниб кетмасинми шоир бечора?!

Армон йўқ лойиқ сўз битмоқдин ўзга,  
бу қадар латофат оламда якто.  
Агар шу кўнгил ҳам қилмаса вафо,  
имкон йўқ кўз юмиб кетмоқдин ўзга...

1978

63

## ЎТИНЧ

Яна кўқда ғолиб баҳор қуёши,  
уйқусин тарқ этди пурвиқор тоғлар.  
Нозик майсалардан меҳр сўроклар  
булоқ – кетаётган қишининг кўз ёши.

Қадим боғлар аро инжа навбаҳор,  
ёмғир савалайди адир сабзасин.  
Чакмоқ ҳам айириб булут пардасин  
кўпчиган заминга боқади хуштор.

Бугун кўхна дунё ёшdir нақадар!  
Сен ҳам гиналарни унуггин, эй ёр.  
Ҳаётни етаклаб келганда баҳор,  
айро яшамоқлик гуноҳdir, дилдор...

1979



## СИЗНИНГ БАҲОРИНГИЗ

Ерга ёшлигини қайтарган кўклам  
сизнинг чаккангизга тақди фунчалар.  
Айтинг, шундоқ гўзал бўларми одам,  
ҳамроҳин ёққайми, айтинг, шунчалар?!

Лоладан ранг олган лабларингиздан  
гулшангга таралар қўшиқларингиз.  
Дунё аямаган борини сиздан,  
энди куйиб ўлар ошиқларингиз...

1979

## **МАЛОХАТ**

Япроқларга боқарсан маңыс,  
күзларингда ўт ёнар, дилбар,  
этагингга эргашади күз,  
оёғингга йиқилар барглар.

Барг ҳолига ўксинма, гулим,  
кузги япроқ нақадар майин.  
Йиғласанг ҳам, боқсанг ҳам кулиб,  
улар эрта түкилар тайин.

Каро сочинг тортқилашиб шўх  
рашким кўзғар дайди ел, кўчкин.  
Аввал менга боққин, раҳми йўқ,  
мендек сени севолмас ҳеч ким!

Аввал менга боққин, куз эзғин –  
сарик барглар түкилди, ғариб...  
Мана, сенга термилиб ичкин  
охир ўзим қолдим сарғайиб...

1978

## **БАҲОРНИНГ ШЕЪРИ**

Энди тунлар энг кичик терак  
қўл узатиб юлдузга етар  
ва севинчга чидолмай куртак  
новдаларда ёрилиб кетар.

Энди ўтлар дилбар чиройда  
безар юртнинг дала-қирини,  
ажабмаским, сув тошган сойда  
айтиб қўйса тош ҳам сирини.

Энди кунлар бошланар ўзга,  
ғамларини унутар олам.  
Балким, бўғзим тўлдириб сўзга  
шод қўшиқлар айтарман мен ҳам...

1980

УМРИМ –

тонг елидай омонат нафас,  
қиличнинг тифидан сачраган учқун,  
ўлимдан олинган қиёматли қарз,  
йигирма уч мингу икки юз уч кун...

Куним – кипригимдан томаётган ёш,  
юрагим – чирсиллаб синаётган тош.  
Шу тошга бошимни уриб бешикдан  
токим тобутгача қилурман бардош.

1980

КЕТАВЕРГИН,  
ортингдан ўксиб  
эргашади кунларим, дилбар.  
Кўзларингга юлдузлар чўксин,  
оёғингга йиқилсин барглар.

Кетавергин,  
кечадай қаро,  
кундек ёруғ қош-қароқларни  
ардоқласин садоқат, меҳри  
мэндан кўра яхшироқларнинг.

Кетавергин  
ўша шахрингга,  
йиғлама, арт кўз ёшларини.  
Мен ўзимга тилайман энди  
тоғларимнинг бардошларини.

1984

\* \* \*

Қүшиқ айтар дилбар шивирлаб,  
Қүшиқ айтар менга севгилим:  
«Мұхаббат – бу дунёдек күхна,  
Мұхаббат – бу қуёшдек қадим».

Қароғингда күрдим қуёшлар,  
Сен бор – ёруғ кечам, кундузим.  
Асло қадим әмассан, дилбар,  
Сени бугун қашф этдим үзим...

1979

## **ОРЗУ**

**(халқ йүлида)**

Хув тоғлардан сой келар,  
Сой бүйида қайрағоч.  
Сой бүйидаги дилбар,  
Шұх соіга ювдингми соч?!

Сойлар бүйингни тутса,  
Мавжидა чүмилайин.  
Агар сени унұтсам,  
Қаърига қүмилайин.

Қанийди, мен сув бўлсам,  
Оқиб кетсам йироққа.  
Сўнг оппоқ булут бўлсам,  
Қор бўлиб ёғсам тоққа.

Эриб қуёш тафтида  
Сой бўлсам шўх, беармон.  
Тошдан тошга урилиб  
Оқиб келсам сен томон.

Мен туганмас ёнингда  
Бир умр оқиб турсам.  
Юзингга сув сепганда  
Хуснингга боқиб турсам...

1978

\* \* \*

Кузакнинг шўх, дайди еллари,  
йўлакларда эзилган хазон,  
кўчаётган турналар – бари  
ёдга солар сени беомон.

Энди қалбда тошар бир тўфон,  
етим каби маҳзун сўзларим –  
ёт чеҳрага термилар ҳайрон,  
сени излаб топмас кўзларим.

Суратимни ташлаб қочар жон  
бегонанинг қучокларидан.  
Энди юрак қололмас омон  
хотиротнинг пичоқларидан...

1982

## САВОЛЛАР

Боғларга қор ёғди, музлар күмилди,  
 Йўлда биз қолдирган излар күмилди,  
 Қалбда айтилмаган сўзлар күмилди.  
 Қалб кечарми дала-тузлар күмилгунча  
 Ё ёнгайми токи кўзлар күмилгунча?!

Бир кун найсон етиб қорлар эригай,  
 Муз қотган булоқнинг кўзи ёригай,  
 Майсалар бошидан туман аригай.  
 Турналар келтирса юртга баҳорни,  
 Тақдир яна дучор қиласми ёрни?!

Майли, хуршид етсин тоғнинг қошига,  
 Баҳор етаверсин боғнинг қошига,  
 Ёр келмасин бағри доғнинг қошига.  
 Энди ёндириласми хуш дамларимни,  
 Шодмон кулдирласми душманларимни?!

1977

\* \* \*

Хотиралар – ёлғыз юпанчим –  
Сиз гоҳида нечоғ бешафқат.  
Тушларимга кирмагин, севгим,  
Йиғламагин, олис мұхаббат.

Күпирмагин томиримда, қон,  
Бечора қалб, талпинмагин, бас.  
Яңгиликмас дунёда севмоқ,  
Айрилмоқ ҳам кашфиёт эмас.

Сүқмоқларинг күп кездим, очун,  
Катта йүлинг топдим-ку, ҳаёт.  
Қолиб кеттан гуноҳлар учун  
Хотиралар жазодир, наҳот?!

Дилбар, сен ҳам соғ күзлар билан  
Бунча ҳайрон боқма шу оқшом.  
Бағрингга ол, қутқарғын мени,  
Хотиралар ўлдирмай тамом...

1985

## ТИЛЧИННИГ ҚАЙДЛАРИ

«Шабада» деган заҳоти роствдан ҳам тишининг орасидан бир ютум ҳаво шовуллаб чиқиб кетади. «Шамол» сўзидан совуқ изғириннинг гувиллаши эштилади. Ишонмасангиз талаффуз қилиб қўринг-а: «Ш-ш-ш-ам-о-л...»

Тил – табиатга тақлид, муқаллид.

«Тўқмоқ», «таёқ» сўзларидаги «қ»нинг қаттиклигидан бирор бехос бошга тушириб қоладигандай бўлади. «Қамчин», «хивич» сўзларидаги «ч» ҳавони чириллаб тилиб ўтади, чирсиллагани қулоқда садо беради.

Балким, шеър ёзиш шарт эмасdir. Аnavи қизчанинг ковуши остида қорнинг ғичирлаши – ана шу етим товуш қаҳратон қишининг аниқ тасвиридир. Баҳор келганда жилмайиш, куз келганда хўрсишиш кифоядир. Шунинг ўзи шеърдир, эҳтимол.

Эҳтимол, шундайдир...

«Эҳтимол» сўзи бунчалар юмшоқ, бунчалар илиқ киприқда сизиб турган, чуқурроқ уф тортсанг, тўкилиб кетадиган кўз ёшига ўхшайди тилнинг учидаги «эҳтимол» сўзи.

1984

## РАҲМИНГ КЕЛСИН БОҒЛАРГА, ГУЛИМ...

Келдинг  
субҳидамда барҳақ қүёшдай –  
толеимга чиқдинг талпиниб,  
кулиб.  
Гүё эриб кетди пойингда тошлар,  
чинордек йўлингда қўкардим, гулим.  
Жилмайиб куласан,  
сумантар,  
гулқад,  
йиғлайсан,  
куласан мени қучоқлаб.  
Ана, шовуллади дараҳт ҳам хушбахт,  
бизнинг севгимизни тушунар боғлар.  
«Севармиз...» – шу сокин қўшиғимизни  
илиб кетган еллар энтикар,  
кулар.  
Жонгинам, қайғурма,  
фосиқлар каби  
ётга сиримизни сотмаслар улар.  
Ана,  
кукулади бир жуфт мусича,  
севгимиздан шоддир ҳатто шу қушлар.  
Бир исён бағрингда етилса, дариг,  
фитналар уйғонса кўксингни муштлаб,  
кетма –  
мен чидарман бу ғамга, балким,  
лекин чидолмайди бечора қушлар..  
Кетма,  
раҳминг келсин боғларга,  
гулим.

1986

## ТИЛАК

«Мусаффо хаво», – деб сўзладинг,  
Оғзингни очгин.  
«Дорисиз тупроқ», деб ёзяпсан,  
Илоҳим.  
Кошки.

«Одамлар баҳтиёр» экан-ку!  
Айт, улар кулсин.  
Озод Ватаним деб куйлайсан,  
Айтганинг келсин...

1984

\* \* \*

Яшнаётган гулим, гулшаним,  
Соф күзингда дунёлар яшар.  
Лабларингда жилмаяр баҳтим,  
Сенга фақат кулмоқ ярашар.

Тангри баҳтга яратган сени,  
Юракларга согын деб титроқ.  
Майли, ғамлар қулатсин мени,  
Сенга зарра тегмасин бироқ.

Беҳишт эмас – бойлигим – умрим,  
Лекин тилар тилагим ҳақдир.  
Қароғингда муҳаббат күрдим,  
Күзларингда – муқаррап тақдир.

Каршингдаман қувониб, тўлиб,  
Толган қалбга илҳом согын, бас.  
Яшар бўлсанг ёнимда, гулим,  
Бошқа ғамлар қўрқинчли эмас...

1977

\* \* \*

Нуроний тарихни титганда гоҳ-гоҳ  
Идрокимга титроқ солади сирлар.  
Юртга ёв келганда, дастида яроғ  
Дуч келар  
Шоҳлармас,  
Мудом ботирлар.

Интиқом сўнгидага етганда зафар,  
Балким, қазо топар марди сарбаланд.  
Ғалаба майини сипқорар беклар  
Ботирнинг хушқомат беваси билан.

Адолатинг қани, эй қадим дунё?  
Хиёнатдан хунмиз, кўз ёшига фарқ.  
...Майли, ўтаверсин шоҳлар бебақо,  
Сен унутмасанг бас, омон қолган Ҳалқ!

1980

79

ЛИДДИЯ  
ТОМОНДА

## **БОБОРАХИМ МАШРАБ**

Мен ҳам шу дунёга келдим күз очиб,  
Күрдим – номард кетар мардидан кечиб.  
Тангрим, дейман, қалбим билан талошиб,  
Шу байтул-аҳzonда яратдинг нечун?!

Золим эгаллабди давра түрини,  
Күйларга шоҳ қилиб қўйдинг бўрини,  
Касу нокас ейди бири-бирини,  
Иккисин бир онда яратдинг нечун?!

Тулкига қулибди бу ажаб замон,  
Йўлбарснинг пинжида қуёнлар омон,  
Тангрим, ғазабланма, қилсан мэн исён,  
Йўқ эса, жаҳонда яратдинг нечун?!

1980

## **РАҲМДИЛ** **(бир мунаққидга)**

У жилмайиб шоир ўлдирап,  
сүйиб қүяр бирам беозор.  
Йўқ, бу ўлим эмас – садоқат,  
мўминликнинг иқрори, холос.

Оғу берар бошингни силаб,  
қазо вақти чекмасин, дер, дард.  
Сўнгги йўлга қузатар қулиб,  
қотилликмас, йўқ бу – саховат.

Оҳ, унинг юз, кўзлари маъсум,  
ажал эмас,  
бу – оташ майдир.  
Сен ўларсан –  
боз тирик қолиб  
унга озор бергинг келмайди.

У мард –  
сўнгигача қиласи ишини,  
қабринг узра зўр нутқ сўзлайди,  
гул ҳам экар ерни титкилаб,  
хотирангга битар китоб, битиклар.

...Фақат қабрингдаги гуллар унмайди.

1985

## ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ МАЖЛИСИДАН РЕПОРТАЖ

Қараманг ва қарғаманг, қарға,  
Йүкми ўзи сиздан ҳеч қарзим?!  
Уч юз ёшга кирганимисиз, ҳа,  
Гулханийни күрган чиқарсиз,  
Қодирийни күмган чиқарсиз...

Мусичахон, бунча оро, зеб,  
Майса ўтлар кимнинг қасдида?  
Бизга соя солаяпти деб  
Хатлар ёзсин дараҳт устидан.

Эҳ, ассалом, ҳурматли чумчук,  
Зерикмадингизми дунёда, дўстим?  
Нега бизнинг магазинда йўқ  
Сизникдай табиий пўстин?..

1986

\* \* \*

Серёғду күн кечар – ёнаман,  
Қоронғу түн кечар – ёнаман.

Ёнаман – күз етиб келганды,  
Ёнаман – дүст алдаб кетганды.

Ёр ёниб құчганды – ёнаман,  
Сүңг тониб кечганды – ёнаман.

Ёнаман – кечади дамларим,  
Ёнаман – ёқаман ғамларим.

Ачинмасман вақт, ҳавасларға,  
Ачинаман... ёнолмасларға.

1979

\* \* \*

Бўрилар, қон тўлган кўзингиз тикиб  
Шернинг боласига бақрайманг ҳайрон.  
Тилка-пора қилинг, ғажиб, энтикиб,  
Кора қалбингизга бу ҳам бир дармон.

Сиз, олчоқ тулкилар, тозилар, очкўз –  
Ёвузга хушомад қилинг яхшироқ.  
Шер боласин есин – у ҳали ожиз,  
Аждодлар шонини унутмас бироқ.

У ҳали кучсиздир, митти, чалажон,  
Гарчанд эгмас сизга мағрур сарини.  
Бугун емасангиз, эрта кўрасиз  
Шербаччанинг шердек қилиқларини...

1990

## ДИАЛЕКТИКА

Қоронғидан құрқадиган одам ухлашга ётганда ҳам чироқ ёқиб қүяди.

Чироқни шамол ўчирған заҳоти, қоронғулик чопиб келади. Яна гугурт чақиб чироқни ёқиб қўйсангиз, зулмат икки қадам қочади, чекинади.

Одамнинг ҳаёти ҳам ана шу чироққа мәнгзагулик-дир. Қоронғиликда ёниб турған чироқдай дунё водий-сида ё-н-и-и-и-б ётади инсон. Яна неча дақиқага, неча кунга, неча йилга етаркин чироқнинг пилиги, ёғи?!

Ўлим ҳақида гапирсанг, шу заҳоти ўлимнинг ўзи етиб келадигандай, шу яқин-атрофда изингта қараб тургандай туюлади.

Ажал талвасаси ўргимчак тўри кабидир. Курбон ўзини қанча кўп у ён-бу ёнга урса, ташласа, шунча қатиқ ўралаверади, боғланаверади, чиқиб кетолмайди. Тирикликни чўзиш нафас ютиб ўлимни кутмоқдир.

Балким, учиб бораётган ўқдир умр, тезликни тўхтатса шу заҳоти тугар...

Эҳтимол, учаётган қушдир инсон, бир дам қалб қанотини қоқмай қўйса қулар.

Ким билсин?..

1979

\* \* \*

*Майли, суратимга боққин-у қувон,  
Лекин сийратимга ташлама назар.*

Абдулла Ориф

Күзларингда илохий ўтлар,  
Сазовори дўзах этма, ёр.  
Боқишиларинг ханжари билан  
Дил қатини титмагин зинҳор.

Бугун сенга келгунча етиб  
Йигирма йил тентидим жаҳон.  
Тақдир озғин қўлимдан тутиб  
Минг кўчада айлади сарсон.

Қароғингга дучор бўлгунча  
Минг кўлмакнинг лойига ботдим.  
Сочинг ҳидлаб тўймадим, ғунчам,  
Минг тиконнинг заҳрини тотдим.

Бозор каби турфа бу олам,  
Аралашдир яхши-ёмони.  
Бир инсондек яшадим, эркам,  
Ўтолмадим четлаб хатони.

Умр йўли узун ва серчоҳ,  
Содик йўлдош бунда жуда кам.  
Омад кетса – кетар дўст, ҳамроҳ,  
Омад кулса – кулар қизлар ҳам.

Йўллар аро кетмадим қолиб,  
Ўтганлардан сўрама, жоно.  
Мана, кулиб турибман ғолиб,  
Суратимга боққину қувон.

1989

## ҮН ОЛТИ ЁШ

Сен ётибсан – түшагинг оппоқ,  
Түш күрасан – тушинг ҳам оқдир.  
Күзинг очгин, бу оламга боқ,  
Наҳот, сенинг шафқатинг йүқдир?

Сен ётибсан – соchlаринг учин  
Шамол ўйнар йўлдошин излаб.  
Ошиқларин ўлдирмоқ учун  
Бу дунёга келарми қизлар?!

Сен ётибсан – кўзларинг беркдир,  
Ёноқларинг энтикар, кулар.  
Лабларни оч, тилларга эрк бер –  
Эзгу сўзни айтсинлар улар...

Сен ётибсан – түшагинг оппоқ...

1978

## ҚАДИМИЙ ҚҰШИҚ

«Мұхаббат – бу яшил дарахт,  
биз барглармиз...  
Хүп... Майли...  
Тұқилади яроқлар-у,  
лекин шохлар синмайды...  
Хайр...» – дединг.  
Күмілди ишқ  
туғилмоққа улгурмай.  
Йироқ ҳовли.  
Узун-узун  
нола чекар құшсурнай.

Жаранг кулгу,  
хұшбағт құшиқ  
құни-құшни шодумон –  
улар кулмай нима қылсын,  
текин бўлса дастурхон?

Кириб келдим,  
мана, мен ҳам –  
құшиқларим сойдайин.  
Суйиб-суйиб... ётга бердим,  
куйиб-куйиб айтайин.

Мен куйлайман –  
құшиқларим  
чиқар қалбнинг тоқидан –

ўспириннинг ушалмаган  
орзулари ҳақида...

Кетдим,  
етар, ёниб бўлдим,  
кўпирма, бас, қалб қони.

Чироғи йўқ уйга кириб  
ахтараман арқонни.

Қўйқўтонга бошим суқиб –  
озод насим – пок насим –  
оқ қўчкорни бўшатаман –  
у ҳам озод яшасин...

Мана, ип ҳам топилди...  
Хўш...  
Мана, дарахт.  
Хўп... Майли...  
Яроқлари тўкилар-у,  
шохлар – кучли...

Синмайди.

1979

## ҚИЗ БОЛАНИНГ ҚҮШИГИ

Субҳидамда боғ оралаб ким ўтди,  
хуштак чалган елми –  
туннинг эртаги?  
Чап кўксимда нимадир дук-дук этди...  
Вой ўлмасам,  
шоир зоти тентаг-эй.

Тош кўзгуга боқдим –  
сийнам тўлишиб,  
кундан-кунга кўйлагим чок, қурама.  
Энди ҳар кеч  
тушларимда сут сўраб  
тамшанган соғ чақалоқни кўраман.

Ким не деса десин,  
чиқдим югуриб,  
қасам ичма, шеър ўқима шу фурсат.  
Ёлғон бўлса, бас, доғингда куймайин,  
Рост бўлса ишқ – дийдорингни бир кўрсат.

Хавотирда тўрт тарафга боқма зиқ,  
бундай баҳтни ағёр фақат туш кўрсин.  
Бевафолик қилсанг бир кун,  
водариг,  
қарғишим шу:  
урса  
сени ишқ урсин!

1977

## СҮРОВ

Кўмсаб тургандирсан ишқнинг гаштини,  
Кезиб чиқдингми ё жунун даштини?  
Мендек сахройининг бўкма шаштини –  
Субҳу шом сўрайман сендан, эй бебош.

Юкуниб турибман қаршингда – осий  
Ё излаб кетайми лутфинг қиёсин?  
Бир йигит умрими ҳуснинг баҳоси?  
Бир оқшом сўрайман сендан, қорақош...

Қисмат судраб келди қошингга токи,  
Кўксим ёқаётир кўркинг фироқи.  
Ошиқ атайсанми, мухлисми ёки?..  
Рост қалом сўрайман сендан, ўтқарош...

Бугун кулиб турган чоғи дунёнинг,  
Кел, ҳаётим бўлсин садқаи жонинг,  
Йўқса, қаҳри келар еру самонинг –  
Ишқий жом сўрайман сендан, бағритош...

1984

## 1. ОҚШОМ

Кеч. Дунёни тун босди совуқ,  
Ташқарида эси оқкан қор.  
Менинг эса хаёлим ёруғ –  
Уйда баҳор... Уйда аёл бор.

Дилим ойдин нурларга түлди.  
Шу баҳтиёр, шу телбавор тун,  
Аёл, менга яна не бўлди?!  
Титрајпман. Бўляяпман хун.

Қайда юрдим йигирма беш йил?!

Кўзи – ханжар, қошлари – камон,  
Сен айнинг нуридай тозасан,  
Мени ёқкан шубҳалар ёлғон.

Кечир мени булоқдай кўчкин  
Росту ёлғон сўзларим учун,  
Бу норасо дунёга боқиб  
Хира бўлган кўзларим учун.

Шу гуноҳкор қорачуқлар-ла  
Соф чехрангга термилдим ҳайрон.  
Воҳ, бўғзимга тикилди жоним,  
«Жоним!» – деб юбордим ногаён.

Мана, гулдай очилиб кетдинг,  
Гулхан тафти урилди юзга  
Шу биргина томоқни йиртиб  
Ташқарига отилган сўздан.

Мен тепангда чўккалаб тушдим,  
Бошим қўйган оқ кўксинг – қибла.  
Қуляяпман... Танамга кўчди  
Киндигингда қўпган зилзила.  
Терлар оқди. Ҳўл бўлди бадан,  
Сувга ботди титраб ич-этим.  
Чўкаётган кўҳна кемадай  
Чайқалади иссиқ вужудим.

Бу тунгача не кунни кўрдим?!  
Қуляяпман... Мени суюгин.  
Қучоқлайман. То сахаргача  
Қисир-қисир синар суюгим.

Тонг отди... Эҳ, ойдин тонг отди,  
Бу кечадан, нахот, соғ қолдим?!  
Бу кеча бир лаҳзадай ўтди,  
Нега ўсиб кетди соқолим?!

## 2. ОҚ ШОМ

Шамол турди.  
Барг учди хиёл.  
Яна ботди уфқига қуёш.  
Яна тушдинг ёдимга, аёл,  
Қўзларимни куйдирмоқда ёш.

Гарчанд йўқсан ёнимда, дилбар,  
Чиқаверар ҳар сахар қуёш.  
Ҳали кўпdir умримда кунлар  
Ҳали кўпdir кўзларимда ёш...

1989

## **СЕВГИ ЙҮЛЛАРИДА...**

Ҳамма унга күз тикар беор,  
у ҳеч кимга боқмайди, мағур.  
күзи – қора, юзи – шуълакор,  
ўзи тоза – бамисоли нур.

Қамиш каби шовуллаётган  
соchlарига құл теккан эмас.  
У гул каби бүй сочиб ётган  
түшагига хұл теккан эмас.

Дилидадир муқаддас сүзи,  
кокилини үйнар шаббода –  
шундай гүзал,  
шундай покиза...

Қиз бормиқин ўзи дунёда?

1979

## **ТОПИШМОҚ**

Мактуб битдим сахар ўртанган пайтим,  
Унда тунлар чеккан ноламни айтдим,  
Айтдим ҳажр деганинг бесаслигини,  
Зинхор бу умрнинг қайтмаслигини.  
Зинхор қолганини айтмасман, чунки,  
Ахир, муҳаббат – бу икки қалб мулки.  
Мана бу шеърни-чи, ўқишилари мумкин.

1985

## **ДОСТОНДАН СҮНГ...**

Гарчи офтоб чиқар ҳали ҳар саҳар,  
Гарчи безайверар баҳор дунёни –  
Бугун Боботоғдан қолмади асар,  
У ердан топилмиш тошкүмир кони.

Гарчанд муҳаббат – бу минг йиллик хониш,  
Гарчанд айрилиқдан ҳамма дилпарчин –  
Ҳарбий хизмат учун кетди Алпомиш,  
Пахтага эгилиб чўқди Ойбарчин.

Майли, кўнглимизнинг бир чети чўғли,  
Майли, дил мозийни эслар энтикиб –  
Офтобга исиниб турар Гўрӯғли  
Нафақа пулига кўзини тикиб...

1984

## ШЕЪР ИЗЛАЁТИБ...

Бу Ватаннинг эгаси кимдир,  
Кимникидир бу улуғвор тоғ,  
Қыйидаги зангори ўтлоқ,  
Баргida чумоли юрган отқулоқ?» –  
Осуда йўл бўйлаб бораркан,  
Томоққа тиқилар бир тўда сўроқ.

Мен – хотирни елкамга ёпинган одам,  
Орзуни дўппидай бошга кийгайман.  
Бугун лойшанг йўлдан кетаётганда  
Шарқдаги ярим тун тахтини ташлаб  
Элнинг ахволини билмоққа чиқкан  
Гадо ридосида шоҳга ўхшайман.

Агар шундай бўлса, саройда не гап?  
Балки, бундаймасдир... Мен бугун  
Бирор-бир баҳона топишим керак.  
Бўлмаса, лойшанг йўлдан кетаётганда  
Ёрилиб кетиши мумкиндири юрак.

1980

## УШБУ ШЕҮРНИ ЎҚИГАНЛАРГА

Сиз шу шеърни ўқиётган пайт  
(ё мен уни ёзаётган дам)  
аллақайда букилди бир қад,  
тобут тутиб эгилди одам.

Сиз шу шеърни ўқир маҳали  
(ё мен уни ёзган ёз куни)  
араванинг тагида қолиб  
бузилди бир чумоли ини.

Сиз шу шеърни ўқиётган он  
(ё мен уни ёзган шу фурсат)  
хиёбонда илк бор баргидан  
айрилгандир ям-яшил дараҳт.

Гүзал дунё ҳайратга арзир,  
гүзал эди у барг ҳам жуда.  
Демак, кулманг, демак, мен ҳозир  
йиғламаяпман, ахир, бехуда....

1987

## **НАЧОРА...**

**(мұстамлака құнларда)**

Энди күнчиқардан чиққан қүёш йүқ,  
Вале күнни күтган қоши қийғоч йүқ.

Офтоб соя каби, совуқдир нур ҳам,  
Дилда омонлиқдан қатра қувонч йүқ.

Сув шүрдир, ҳаво дуд, заҳардир тупроқ,  
Тош бор-у, ёрай деб ургувчи бөш йүқ.

Диллар озурдадир, тил ҳам бегона,  
Дард күпдир, енгмоққа сабру бардош йүқ.

Бу ғам сүңгсиз – минг йил йиғласанғ арзир,  
Йиғламоқ истармиз, күзларда ёш йүқ...

1983

## УЙГОНИШ

Дунё яна баҳорга етди,  
Фазоларда булут исёни.  
Чақмоклар ҳам аёвсиз йиртиб  
Парча-парча қилар самони.

Энди бўлмас хонада ётиб,  
Кўчаларга отаман ўзни.  
Орзу кўймас юракка ботиб,  
Ўтли сўзлар ёқар бўғизни.

Ваҳшат солиб ўқрап қалдироқ,  
Титроқ босиб сесканган боғдир.  
Қувончиға чидолмай ногоҳ  
Шаррос куйиб юборар ёмғир.

Шаршарада чўмилар дарахт,  
Яланғоч тан сув ичра қолар.  
Йўловчида саросима, шаҳд,  
Гавдасини панага олар.

Кетолмайди боғ, кўча, адир,  
Денгиз – боғнинг оқ танларида.  
Бу ёмғирда чўмилганларнинг  
Яра чиқмас баданларига...

1978

## СҮНГГИ АВТОПОРТРЕТ

Суқунатнинг қароргоҳига  
келтирурлар совуқ вужудни;  
бир вақт ёниб яшаган таним  
қучоқлайди асрий сукунти.

Мен дунёга келганда йиғлаб,  
кулиб қарши олган одамлар  
буғун ерга узатар чоғда  
ўкраб-ўкраб юборар ғамдан.

Қўзлар ётар – кўриб тўймаган,  
эзгу сўзлар айтмаган тилим...  
Оқшом келар рост сўзлаб илк бор  
тиригимда келмас севгилим.

Гарчанд ўқинч алами тахир,  
бир кун маъюс унутар санам.  
Кулиб юрсин тириклар, ахир,  
муроди шул мархумларнинг ҳам.

Бош устимда йиғлар аллаким,  
шивирлайди оғриниб, эзиб.  
Айтганимни шамолга бердим,  
ёзганларим юрар кезиб.

Оҳ, биламан, дафтарим ярим,  
юрагимда қолар бир кўчкин.  
Сиз – ёзилмаган шеърларим,  
энди сизни ёзмайди ҳеч ким.

Мен ҳам кетдим – юрагим зада,  
сизга исм излайман – кимсиз?!  
Сиз яшайсиз мангу азада,  
ёзилмаган шеърлар – етимсиз...

## **ЭРТАЧИ ХОТИРАЛАР**

### **«Йўқолган кундалик»дан**

Ўзи қишлоқда ўсан дўстимнинг шаҳарда туғилган ўғилчаси қишлоққа бобосини кўргани эргашиб борди. Товуқни кўриб: «Вой, буларнинг чумчуқларининг катталигини!» – деб юборди. Кейин дукур-дукурни эшишиб кўчага чопиб чиқди. Дарвоза томондан унинг қувониб қичқиргани эшитиларди: «Ана от! Тирик от! Юриб кетяпти!»

\*\*\*  
«Ўлди. Кечагина кулиб, юриб турган одам ўлиб кетаверса-я... Кечқурун қоронғи кўчага чиқиша қўрқарди раҳматли. Қоронғи гўрга, зах ерга қўйдик. Қўрқмаётганмикин?!..»

\*\*\*  
«Нега метродаги одамларнинг мотам тутаётгандай боши қуий? Нега автобусга чиқаётган, автобусдан тушаётган одамлар бир-бирига салом бермайди? Нега?..» Биринчى марта қишлоқдан шаҳарга келган одам ҳайрон бўларди.

\*\*\*  
Мен ҳеч қачон енгимни шимариб юролмайман. Гўё ким биландир жангга, ёқалашувга тайёргарлик кўраётгандай бўлавераман...

Агар милтиқ сотиб олиб шунчаки деворга осиб қўйсанг ҳам, отилиб кетадигандай туюлади.

**1974 – 1989**

## ЯНА ИЛТИЖО

Рұхим, энди шу тонгда қүзғал,  
күзим, тоза гулларға қара –  
шафақ ҳозир қонимдай қизил,  
юрагимдай ағфони яра.

Күзим, тоза гулларға қара  
шу ғанимат, омонат соғда –  
хилпирайди қип-қизил гуллар  
муассаса узра байроқдай.

Ухлаёттан дунёдай караҳт,  
вайрон бўлиб, нолиб ўтирма.  
Шу покиза гулларға қара,  
уйғонғанлар юлиб улгурмай.

Очилинглар, эй гуллар, сара,  
термиламан сизга ботинмай.  
Булбул, сен ҳам бошимда сайра,  
юрагимнинг товуши тинмай...

1989

103

## ТУНГИ МУНОЖОТ

Хавотирга тұла ер устидан ой  
Сутдай нурларини қуяр ҳовучлаб,  
Сочин шамол тортган боғлар солар вой,  
Жарлардан чиқади эзғин товушлар.


Ерданми, күқданми келар бу наво,  
Менинг ичимданми – билолмай қолдим –  
Ё йиғлар күп яшаб чарчаган Дунё,  
Ё оз яшайман деб йиглайди Қалбим.

Танимда қон қаби оқади оҳанг,  
Күз юмиб тинглайман,  
Юрагим – қумри...  
Гүё күй тугайди, күзимни очсам,  
Гүё күй тугаса, тугайди умрим...

1989

ТИЛОВА





## ТИЛОВАТ I

### **Бисмиллахир роҳманир роҳийм.**

1.

Тун бўйи руҳимни чақирди қушлар,  
Вужудимга инди илоҳий мажол.  
Қулоғимга оқди тоза товушлар,  
Этимни силади абадий шамол.

Кирди димоғимга тупроқнинг ҳиди...  
Қўзларимни очдим. Айладим дуо.  
Танимда айланган хуш нафас чиқди,  
Тилимда «оҳ» бўлиб тирилди Аллоҳ!

Илоҳим, субҳидам шавқидан қондим,  
Тилим сўзга кириб бўлдим сасли ҳам –  
Ташаккур, бу тонг ҳам яна уйғондим!  
Ахир, мумкин эди уйғонмаслик ҳам...

2.

Аллоҳим, ташаккур дардларинг учун,  
Бошимга тизгинсиз ғамлар ташладинг –  
Бошим кўкка етди, азобларингга  
Бандалар ичидан мени танладинг.

Ташаккур, тишимни тишимга босдим,  
Жонимда товушсиз, нурли қулласан...  
Ғамлар юборибсан, демак, дунёда  
Менинг борлигимни биласан...

3.

Бу озор сендандир, менини мозор,  
Бўғзимда турибди инжа жон, титроқ.  
Бугун мен ўлимдан қўрқмайман зинҳор,  
Гар ўлим келтирса сенга яқинроқ.

Жоним сеникидир, олмоғинг мүмкін,  
Күзгі япроқ каби омонат нафас.  
Муқаррар бир ажал – бу менинг мулким,  
Хаётим оларсан, ўлимни эмас.

Ва каттакон гуноҳ меники, Аллоҳ,  
Дарә дил сеники, сабру тоқатсен.  
Шу қадар улкандир мен қылган гуноҳ –  
Кечира олгайсан уни фақат сен...

4.

Тонгдан дилга тушди бир маъюс ҳасрат...  
Дўст сари отландим, йўлдан қайтмадим.  
Лекин дўстим эди жуда ҳам хурсанд,  
Мен ҳам кулиб турдим.  
Дардим айтмадим.

Бориб сўзлай дедим отам, онамга –  
Йўқ-йўқ, кўп озорлар етказдим ростдан.  
Озроқ ақлим кирди.  
«Бахтиёрман», – деб  
Ота уйдан қайтдим дардим айтмасдан.

Кимга борсам, айтар ўз қувонч-ғамин,  
Мен фақат тингладим,  
Сўзлай олмадим.  
Бахтиярнинг базмин келмади бузгим,  
Бахтиярнинг баттар қайғу солмадим.  
Айтсам бўлар эди ёрим, боламга,  
Кўнглимни ҳасратим ялар бетиним.  
Болам жилмаярди ёруғ оламга,  
Тинмай кулар эди баҳтили хотиним...

Билдим,  
Ғамгин одам ёқмас ҳеч кимга,  
Ҳеч қайси маконда ёқмас кўз ёши.  
Аллоҳим,  
Дардимни айтдим ўзингга,  
Йўқдир сендан бошқа менинг дардошим...

5.

Кечир, Қодир Аллоҳ, бандаларингни,  
Офтоб тафтиң эрур, қаҳрингдур музлар.  
Сен яратган гуллар – бизга мўъжиза,  
Мўъжиза – ойдинлар, тунлар, юлдузлар...

Кечир, Қодир Аллоҳ, мендай бандангни,  
Шамол нағасингдир, пойингни ўпдим.  
Сен яратган ерда узоқ кездим-у,  
Кечир, мен ўзингни жуда кеч топдим.

Ишва қилиб келди ойдай парилар,  
Соядай эргашиб ўтди ойларим.  
Кечир, Каъба эмас, қизнинг этаги  
Бўлди топинажак қадамжойларим.

Товонимга тинмай осилди майса,  
Гулларга термилдим: «Ана баҳтим!» – деб.  
Кечир, бу оламдан ҳайратга тушдим,  
Лекин сўрамабман: «Ким яратди?!» – деб.

Жилва қилиб келди маккор салтанат,  
Ўзни санамликка чоғлаюр кимлар...  
Кечир, гоҳи сени унутиб кўкда,  
Ерда юрганларга сажда қилдилар.

Бугун сени топдим, Аллоҳ, севинчим,  
Сиғмайн борадур бағрим, ичимга...  
Энди фақат сенга топинурман жим,  
Энди сиғинмасман ерда ҳеч кимга.

6.

Олис манзилларга термиламан зор,  
Гоҳо ёруғ олам фикримга тордир.  
Ўйлайман: «Юлдузлар ортида не бор,  
Күёшдан нарида нималар бордир?!»

Сенинг инояting – менинг ёдим ҳам,  
Шуурим қаърида нурдай ёридинг.  
Шамол ҳам йўқ эди, йўқ эди олам,  
Офтоб ҳам йўқ эди... Ўзинг бор эдинг.

Нечун сени излаб кўкка боққайлар,  
Ахир, ерда ҳам сен, сувларда ҳам сен.  
Оловда ҳам борсен – ўзни ёққайлар,  
Одамнинг ичинда ҳам мужассамсен.

Кўрдим – тўрт томонда ўзинг муҳайё,  
Ёмғирда шафқатинг, покликда қорсан.  
Биз ўтиб кетармиз дунёдан, илло,  
Дунё тургунича сен ўзинг борсан.

Мунис бандаларинг йиғлаб ўтурлар,  
Юракдан сизган ул нури жоласан...  
Дунё ҳам тугайди, балким, бир куни,  
Дунёдан кейин ҳам ўзинг қоларсан.

7.

Ё Аллоҳ, бандангман, дилафгор қилма,  
Номард эшигига талабгор қилма.  
Олам жамолига айлама ошиқ,  
Шоҳларнинг нонига харидор қилма.  
Хор қилма, хор қилма, хор қилма, Аллоҳ,

Дунё жуда гўзал, гулдай санамлар,  
Райхоннинг баргига сузар шабнамлар.  
Нозикбел майсалар эшилиб ўйнар,  
Ўтар ширин кунлар, ойдин оқшомлар –  
Ўткинчи дунёга ёр қилма, Аллоҳ.

Зим-зиё коинот ичинда мен ҳам  
Ёниб тугаётган милтироқ бир шам.  
Ўзинг мадад бергил! Сен қутқармасант –  
Қутқара олмайди одамни одам,  
Инсонни инсонга зор қилма, Аллоҳ.

Заифга сабр бергин ва парча нон бер,  
Кимгаки куч бердинг, энди иймон бер.  
Ҳамма ишимизни кўриб турибсан –  
Қўнгилларни кенг қил, дарёзабон бер,  
Йўллар тор, дилларни тор қилма, Аллоҳ.

Борарман исмингни дилимда қутлаб,  
Бошимда айланар нотинч буулутлар,  
Оёғимга тинмай осилар ўтлар,  
Безовта силкинар тераклар, тутлар.  
Дарахтни бешик қил, дор қилма, Аллоҳ.

Ўткинчи дунёга ёр қилма, Аллоҳ.  
Инсонни инсонга зор қилма, Аллоҳ.  
Йўллар – тор, дилларни тор қилма, Аллоҳ.  
Дарахтни бешик қил, дор қилма, Аллоҳ.  
Хор қилма, хор қилма, хор қилма, Аллоҳ...

8.

Ноаён,  
Бепоён,  
Улкан дунёда  
Инсон бир тўзиган гард каби, э воҳ.  
Миллиард одамларга тўлган дунёда  
Хеч битта одамни унумта, Аллоҳ.  
Кишини ғам билан қолдирма якка,  
Хеч кимни йўқликнинг қаърига отма.  
Номардга дил бергин, қўл бергин мардга,  
Мени ҳам унумта.

Токим қуёш чиқар ҳар тонг-саҳарда,  
Коинотда ҳорғин ер кезар токим –  
Бу кенг самоларда,  
Қаро ерларда  
Ўзингсан ҳоким,  
Аллоҳим.  
Беморга шифо бер, соғларга умр.  
Ёлғизга йўлдошу юлунга тұгма.  
Очларга нон бергин, тўқларга шукур.  
Мени ҳам унумта.

Уйсизга уй қурғин, йўлсизга йўл бер,  
Саҳрода ёмғири туғларга – шамол.  
Маддоҳ фаҳм топсин, гунгларга тил бер –  
Муаттар сўзларни айтсин бемалол.  
Борларга инсоф бер, фарибга сабр,

Ботирга тулпору олимга рутба.  
Ким ўлса, бер майин тупроқли қабр,  
Мени ҳам унутма.

Езда нурлар сочгин, қишида қор ёғсин,  
Күкда бургут, сувда балиқлар оқсин.  
Кар қулоқлар ногоҳ очилсин, Аллоҳ,  
Күр күзлар ярқ этиб оламга боқсин.  
Сендан бошқа ҳеч ким бермас беминнат,  
Кимдан ҳам тилайлик, воҳ, сендан бошқа?  
Шафқатни ҳеч кимдан сен дариф тутма,  
Адашган барчани ҳақ йўлга бошла,  
Мени ҳам унутма.

Нафсимни жиловла ва ҳирсни совут,  
Рұхимни чархлагин, кўнглимни кенг қил.  
Бешикдан тушганинг тулпори – тобут,  
Бизни ҳам азизлар қошида тенг қил.  
Беҳишт ариғидан асал сут и chir,  
Тириклиқ гулини асло сўлитма.  
Фофилни кечиргин, ҳаммани кечир,  
Мени ҳам унутма...  
Кечир.

1984 – 1995

## ТИЛОВАТ II

### Хожай жаҳонга эргашиб

*Илоҳо, мен гуноҳдан тиийилишга қодир бўлмасам, сен  
гуноҳларни афв этишга қодирсан-ку!*

Яхё ибн Муоз

Илоҳо, улуғвор сенинг жалолинг,  
жасур шаҳидларинг қони хурмати,  
пайғамбарларингнинг азаматию  
пирларнинг нафаси-жони хурмати

Сендан тилайдирман илму камолот,  
ризқда барокот, ўлмасдан тавба,  
ўлар чоғ кечирим, дўзахдан нажот  
ва ул охиратда оғият, илло.

Асра алданишдан, нашъаланишдан,  
нафсоний туйғулар ҳирсин жиловла,  
шайтоний васваса эшигин беркит,  
орифлар йўлига эргаштири, бошла.

Энди ҳар нафасим тавбадир сўнгсиз,  
энди сабр бергил, адоқсиз сабр,  
аччиқ ҳаёт сўнги – ширин бир ўлим,  
котган вужудимга юмшоқ бир қабр.

Энди тавба қилиб яшай тоқатда,  
поклайнин кўнглимни – гуноҳкоримни.  
Ҳаммани кечиргин, эл қаторида  
кечир Ҳаким ўғли Абдулкаримни.

||

*Аллоҳдан қўрқиб ўиглашим ва кўз ёшларимнинг юзимга  
оқиши танам оғирлигича тиллони садақа қилишимдан  
афзалроқдир. Қайси банда Аллоҳ таолодан қўрқиб*

*йигласа-ю, күз ёшидан бир томчи ерга тушса, токи томчи осмонга чиқиб кетмагунча, унга дұзах ўти тегмайди. Ҳолбуки, ердаги томчи осмонга абадий кетмайди, қайта-қайта ёғаверади.*

Каъбул Аҳрор

Аллоҳ, мен ўзингга келдим охири,  
тавbamни қабул эт, гуноҳим кечгин.  
Сабру тоқат бергин, нафсни совут  
ва ҳирсни жиловла, кўзимни очгин.

Тавbamни қабул эт, гуноҳим кечгин,  
кўнглимда имонни абад макон қил,  
ҳаёт оғир бўлди, осон бўлмади,  
энди охиратни ўзинг осон қил...

III

*Бу дунёдаги адамлар уйқудалар, ўлгач уйгонадилар,  
надомат чекадилар, аммо надоматлари уларга фойда  
бермайди. Ўлимни шу дунёда ўйланг. Надоматни шу  
дунёда чекинг. Тавбани шу дунёда қилинг. Дунё Аллоҳни  
таниш учундир.*

Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий

Балким, ҳали ёшман,  
гоҳо бебошман,  
балким, юксакларни  
кўзлар тилагим  
ва лекин қариди,  
 билдимки, тошмас,  
чирпанди, чарчади  
букун юрагим...

Биламан, бошланган  
ҳар не тугайди –  
япроқ хазон бўлар,  
емрилар тоғ ҳам.  
Сувлар оқиб кетар,

дарё қурийдир,  
охир ўтин бўлар  
яшнаган боғ ҳам.

Аллоҳ, мен ўзингга  
келдим оқибат –  
равон эт тилимни,  
очгил дилимни:  
аччиқ ҳаёт учун  
айтурман раҳмат  
ва қақшаб кутарман  
ширин ўлимни...

#### IV

**Оlam бир дарёдир, унинг қиргоги охиратдир. Бу дарёдан омон олиб ўтувчи кемаси тақводир. Одамзоднинг ҳаммаси мусофирдир.**

Абу Исҳоқ Зухурхурий

Кечир, Аллоҳ, кечиргин, кечир...  
Шу ерларда юрганим учун,  
ўтирганим, турганим учун –  
кечир, Аллоҳ, кечиргин, кечир.

Гар Каъбага томон бўлмаса,  
гуноҳ босган ҳар қадамимиз.  
Юракларда иймон бўлмаса,  
гуноҳ олган ҳар нафасимиз.

Кечир, сени зикр айламаган  
сўзлар, чучмал лаҳжалар учун.  
Кечир, Аллоҳ, ёдингсиз кечган  
ҳар сония, лаҳзалар учун.

Кечир, Аллоҳ, раҳмат айтмасдан  
ичилган сув, дарёлар увол.  
Кечир, шукур қилмасдан ютган  
ютум-ютум ҳаволар увол.

Етар, энди ёдинг-ла яшай,  
дунё ишқин қалбдан ўчиргин.  
Кечир ҳамма бандаларингни,  
шу қаторда мени кечиргин.

Ҳар қадамим бўлибди гуноҳ,  
энди ҳар сўз – арзу кечирим.  
Сен буюксан меҳрибонликда,  
кечир, Аллоҳ, кечир, кечиргин...

V

**Қабрда ётганлар аллақачон пушаймон қилаётган  
ишлиар устида тириклар бир-бирлари билан қирпи-  
чоқ бўлмоқдалар.**

Абу Ҳомид ал-Фаззалий

Ёзиб турған эдим, Аллоҳ баҳикмат,  
ногаҳон гувиллаб эсди бир шамол –  
дараҳтлар чайқалиб силкинди бехос,  
кетма-кет узилди япроқлар беҳол.

Тинмай айланарди барги хазонлар,  
ул хазон рақсида боғ турар ларzon.  
Очиқ деразадан дафтарга тушди  
бир сарғайган япроқ, барги заъфарон.  
Аллоҳнинг бир барги бежиз узилмас,  
бежиз тушмагандир хонамга хазон –  
умр ўткинчидир,  
тугаб бормоқда –  
қани, ҳаракат қил, шоири замон...

VI

**Дунё биздан айрилмоқчи эканини ҳабар бермоқда ва  
биздан юзини буриб тезлик билан узоқлашмоқда.  
Бизга бу дунёмиздан бир коса сув ичилгач идишининг  
тагида қоладиган бор-йўғи бир томчи каби қолган,  
холос.**

Утба ибн Ризвон

Келар яна моҳи Рамазон,  
саҳар уйғон,  
аҳли мусулмон.  
Барг – бандидан чирт үзилган жон –  
кезар ларzon  
ерларда хазон.

Чирт үзилган баргдай омонат  
бүғизимда килкиллаб ҳалиққан бу жон.  
Саҳар уйғон,  
аҳли мусулмон –  
келар яна моҳи Рамазон...

## VII

*Күрдим, умр ва дунёдан кўра тез ўтиб  
кетадиган, ўлим ва охиратдан кўра яқинроқ,  
арзу-ҳавасдан кўра бепоёнроқ, хотиржамлик-  
дан кўра гўзалроқ нарса йўқ, биродарлар.*

Нажмиддин Кубро

Шукур, Аллоҳ, оламни яратдинг,  
унда отам, онамни яратдинг,  
ва улардан мани яратдинг –  
шукур, Аллоҳ, абадий шукур.

Шукур олган нафасим учун,  
муҳаббатим, ҳавасим учун,  
изтиробим ва охиратни ўйлаб  
ёшдай қалқиб турган юрагим учун –  
шукур...

Борига шукур  
ва йўғида берган  
сабринг учун шукур,  
шукур, Аллоҳ,

2005 – 2007

## ФАҚАТ ИШҚ...

I

Севгилим,  
севгилим,  
севгилим, ахир,  
үфқа чўкмоқда қадимий қуёш.  
Севиш оғир,  
ҳижрон ундан-да оғир,  
ахир, нега керак беҳуда кўз ёш?..

Гул ҳазон бўлади, емрилар тош ҳам,  
сўнгига етади бошланган ҳар иш –  
түғилган ўлади, бошланган тугар...

Фақат ишқ,  
фақат ишқ,  
фақат ишқ,  
ахир...

Бир куни қурийди жўш урган дарё,  
балким, милён йилда емрилар тоғ ҳам –  
бунёд бўлган ҳар не охири барбод –  
фақат ишқ,  
фақат ишқ,  
фақат ишқ,  
эркам...

II

Эй Худо! Ҳаммаси бунчалар оддий,  
Бунчалар шунчаки, жўн ва сафосиз.  
Тонг отади шундоқ, шундоқ кун ботар,  
Бундоқ ториқарли бу ҳаёт, эсиз...

Бўлиши керак-ку нимадир мангу,  
Яшаш, ёниш учун муқим бир асос!

Эркинлик қайдадир? Қайдадир хурлик?  
Қайдадир муҳаббат? Қайдадир қасос?

Юрак тарс ёрилиб кетар охири,  
Томирлар шитирлаб түкілса, не тонг...  
Илохий ишқ келса – ёнсанг қувониб,  
Бир ишқки, жон дея жон берсанғ осон.

III

Билдим, ҳамма йўлнинг сўнги – қабристон,  
Қайдадир йўлимни пойлар ажалим.  
Тоғ охир емрилар, барг охир ҳазон...  
Барибир,  
Мангулик – менинг мўлжалим.

Биламан, энг қаттиқ, тошдай нарсалар  
Охири йўқ бўлар, емрилар тамом...  
Барибир,  
Барибир, боравераман  
Талпиниб,  
Туртаниб мангулик томон.

2007

119

## ТҮНГИ ҲУЖУМЛАР

### Алпарслон Туркеш хотирасига әхтиром ила

Сокина кечалар... Күчалар тингач,  
Эшикка тизилгач ҳорғин кавушлар,  
Сүзамол эл кириб уйга беркингач,  
Эшитила бошлар эзғин товушлар.

У овоз кучаяр.  
Тинимсиз.  
Учкур.  
Қошида ожиза овозим, сўзим.  
Бутун халқ уйқуга ботганда чукур,  
Қайдадир бўрилар увиллар узун.

Ерданми,  
Кўқданми,  
Менинг ичимдан –  
Гурсиллаб ташланар оғир қадамлар.  
Гўё шаҳарларга шаҳд қилиб зимдан  
Келар саҳролардан отлик одамлар.

Уйқу босган элни яна не босар?!

Келарсиз даштлардан, олис тоғлардан –  
Урхолар тинглайман тунлар жонсираб  
Энасой томондан, Даشت Қипчоқдан.

Олис аждодларим, баҳодир хұнлар!  
Бўзқуртлар! Юраги ўтлуғ, бутунлар!  
Оромини топиб уйга беркинган  
Соғлар ўлқасига келинг, мажнунлар!

Димоғим ачитар туёқлар чанги,  
Мудрок танга түшсин қайноқ қонингиз.  
Эркнинг қулларисиз, ваҳмнинг шоҳи,  
Шаробдай аччиқдир сизнинг жонингиз.

Шириң жонларимиз – садақа, билинг,  
Шаҳарларни йиқинг, бузинг томларни.  
Иссиқ түшакларни найзага илинг,  
Синдиринг хапдори ичган жомларни.

Саройлар қошида ўтовлар тикинг,  
Титрасин ороми ҳароми юртлар.  
Роҳат кўшкларини безовта йиқинг,  
Келинг, аждодларим – ботир бўзқуртлар!

Авлодни уйғотинг, турсин тирик жон,  
Саваланг кўзгуга мафтуналарни.  
Ёлғон китоблардан ёндириб гулхан,  
Тарқатинг алдамчи мафқураларни.

Тозаланг йўлларни, маҳзун дилларни,  
Югурар молини ташлаб савдогар.  
Шоирлар ҳансирар осиб типларни,  
Бол томган тилидан чакиллар заҳар.

Ёкинг, йиқинг, саншиб қиличлар,  
Текислаб, омочлаб, ҳайдангиз шудгор.  
Қолса уч-тўрт ошиқ тўрт-беш дарвишлар,  
Уларга уй бўлар бирор дашту фор...

Сокина кечалар... Истайман ҳужра,  
Тўқилар сабриму ҳам нолаларим.  
Секин чўка бошлар хотин ҳам мудраб,  
Негадир ухламас шўх болаларим.

2010

## УЯТ

Бу юртда чинорлар күкка чўзилган,  
Ҳаттоқи юлингган ғўзалар тикка.  
Узилган,  
Ичимда недир узилган –  
Барибир, кўз тикдим мен юксаклика.

Бу заҳил тупрокқа бир чўп қадасанг,  
Осмонга талпинар, тик ўсар яккаш.  
Дараҳтлар аскардай тик турган юртда  
Инсонга уятдир эгилиб яшаш.

Далалар бепоён, саҳролар сўнгсиз,  
Адоқсиз, ҳадсиздир бу ер, бу борлик.  
Бу чексиз оламда, бу кенг дунёда  
Уят дили танглик, юраги торлик.

Чўққилар азалий, турар жойида,  
Турар салобатли тоғлар минг йиллик.  
Вазмин, оғир чўккан тоғлар пойида  
Уят ҳовлиқмалик, уят енгиллик.

2010

## ТОМЧИДИЛ

### Шавкат РАҲМОН хотирасига

Гоҳ ердан, гоҳ кўқдан нимадир кутдим,  
Ниҳоят, кутулдим қайғу, қўрқишдан.  
Эмраниб, соғиниб шу кунга етдим,  
Ўлмай ўтиб олдим яна бир қишдан.

Менга ҳам аталган бир қатим нур бор,  
Ҳаво бор – тўлдирдим кўкракларимни.  
Яна етиб келдим ўзингга, баҳор,  
Офтобинг иситди суюкларимни.

Бўлди, адо бўлди тизгинсиз қувват,  
Энди сифинарман мен ўз ғоямга.  
Энди ўз ёғимда қоврилгум фақат,  
Салом бергум фақат мен ўз соямга.

Мени кечирингиз, ўқимас, майли,  
Бирорга ёқмаса ғамангиз сўзим.  
Билдим, кутқаролмас одамни одам,  
Агар кўл чўзмаса Аллоҳнинг ўзи.

Тупроқнинг хуш иси, кушлар чуфури,  
Майсалар шивири дилимга яқин.  
Түғилган ҳар киши дам ўтган сари  
Секин бораверар ўлимга яқин.

Түғилмаган ўлмас, ўлар түғилган,  
Түғилган онингдан ёй тортди тақдир.  
Кўз очган заҳотинг бир ўқ отилган,  
Умринг шу ўқ келиб топгунча вақтдир.

Замин кетиб борар самода ўқдай,  
Мен ҳам бораяпман омонат, гирён.  
Нимадир кутарман ерданми, кўқдан...  
Етиб олсан эди ёзгача омон.

## ЧАРОС, РАЬНО ВА ШАХЛО

Бу дунё шу экан – розим қоладир,  
Кўпим кетиб борар, озим қоладир.

Бобом шароб ичиб, пиёла қўйган  
Токчада мунғайиб созим қоладир.

Вақт отлиғ бешафқат юлиб кетажак –  
На кибр, на қадди ғозим қоладир!

Ҳар тулки қошида турланганим йўқ,  
Этим қолмаса ҳам, юзим қоладир.

Бу бўз қўйлагимни эгнимдан ечдим,  
Эрта мени ечиб бўзим қоладир.

Қалбимга етмади васлимга етган,  
Дилимда тахланиб сўзим қоладир.

Юрагим ёнадир. Кетар нурларим.  
Ёшлар оқиб тугар... Кўзим қоладир.

Тизимда чўкмадим ҳеч бандага тиз,  
Товонимда босган изим қоладир.

Изимда ўт унар... Балким, мен оқкан  
Ариқлар сувида тузим қоладир.

Агар мендан ҳеч не қолмагандага ҳам,  
Шу учта хаёлчан қизим қоладир...

## **ЧАРОСНИНГ ҚҰЛИДА ҮЙИНЧОҚ КҮРИБ...**

Қизим, чарос күзларинг ҳайрон,  
Термиласан үйинчоқларга –  
Гарчанд чиқди забонинг бийрон,  
Лол боқасан құғирчоқларга.

Мана «бешик», буниси «қарға»,  
Улари «от», «машина», «жайрон».  
Болаларга үйинчоқлар ҳам –  
Жаҳон ичра бир мұъжаз жаҳон.

Болам, бугун томошагоҳда  
Яшамоқни машқ айлагин, бас,  
Тепмас ҳали бу «ёғоч от»лар,  
Құғирчоқлар қувликни билмас.

Ҳали ҳаёт синовлари бор,  
Үрган чидаб, туриб, йиқилиб...  
Үрган, токим улғайсанг, дунё  
Үйнатмасин үйинчоқ қилиб.

125

1995

## КУЗ СЕЗИМЛАРИ

Дунё, дунё – күхна тегирмон,  
ун каби элайди ҳар биримизни.  
Нафасимиз – аzon, танимиз – ларзон,  
ёвшангуллар эзар изларимизни.

Рақсга тушади инжа япроқлар,  
ададсиз самога құзимни тиқдим.  
Нафармон майсалар титраган өсіллар,  
осмонга талпиндим. Күйдим... Күникдим.

Соҳир нигоҳларнинг милтироқ чүғин  
еллардан авайлаб күмиб ташладим.  
Валийлар фикратин күнгилга туғиб  
дарвишлардай сокин яшай бошладим.

Сокинлик истадим. Ҳаёлим – ҳамроҳ,  
Ерларга эгилдим. Кўклардан қўрқдим  
ва лекин ҳовуздан термиларди моҳ  
арикларда осмон аксини кўрдим.

Яшил олам оқди нигоҳга ногоҳ,  
ширин ифорлардан тирилдим, өғи.  
Ақиқ товушлардан қулоғим уйғоқ,  
йилт этиб қошимга тушди бир сочим.

Лабимни ютоқиб босдим шохларга,  
илдизларни силаб ўси бармоғим.  
Кўнглим, кўнглим энди тенгдир тоғларга,  
керак яшамоғим, севмоқ, кўрмоғим...

2002

## **РАЬНО**

1.

Раъно, сендан бошқа менинг кимим бор?..  
Қоғозларни тешган мунглиғ уним бор,  
Йўлларда тўкилган синиқ қунларим,  
Ялмоғиз ғорида ўтар туним бор,  
Раъно, сендан бошқа менинг кимим бор?!

Онам кетган эди... Сенга суюндим.  
Ўлиб ётган эдим. Севиб уйғондим.  
Юрагимдан бошқа ҳаммадан тондим –  
Дилимда сен дея ёнган хуним бор,  
Раъно, сендан бошқа менинг кимим бор?!

Гарчанд тўкилса ҳам ҳазон – шалдироқ,  
Оний чечакларда азалий титроқ.  
Борми жаҳон аро мендан ғамгинроқ?  
На кечам, на эртам, на бугуним бор...  
Раъно, сендан бошқа менинг кимим бор?!

Гуллари очилиб ҳам сўлиб ётган,  
Одамлар туғилиб ҳам ўлиб ётган,  
Ҳаттоки тоғлари емрилаётган  
Дунёда илиниб турган жоним бор,  
Раъно, сендан бошқа менинг кимим бор?!

2.

Қизим, сен ҳадемай учга тўласан,  
Йиглайсан – ёшингда кипригинг сузган.  
Куласан, дунёни очиб куласан...  
Бир четда ненидир чизганинг-чизган.

Қачон қўлларингга тушди ранг, қофоз?  
Ёзувинг гоҳ ҳарфга кетади ўхшаб.

Бир қүшча сингари қилади парвоз,  
Бир илон сингари буралар қақшаб.

Хали күзларингда барқ урар ишонч,  
Хали нигоҳингда олам фақат боғ.  
Кун келар қайғуга қоришар қувонч,  
Хазонга айланар яшнаган япроқ.

Минг турда товланар фикр ва хаёл,  
Дилдан жой талашар армон ва ҳасрат.  
Болам, ёзуvingни тўхтат, қўяқол...  
Ўзингни аспа.

Отанг ёзар эди... Жон талошида,  
Ўттизга кирмасдан соchlари оппоқ.  
Қизим, ёзуvingни қўяқол энди,  
Ўйна, қизалоқ.

Кун келар... Англарсан элни ва дилни,  
Қалбингда қадимий учга тўласан.  
Ҳозирча ёзмагин – ўйнагин, кулгин...  
Қизим, сен ҳадемай учга тўласан.

### 3.

Раъно, Раъно, жуда гўзалсан,  
жуда ёшсан, қўрқаман, Раъно.  
Секин келдинг-у, сокин ҳаётим  
бўлди пурмаъно.

Бу дунёning тарихи қадим,  
дунё кўхна, сен гулсавсан.  
Дунё дағал, сен жуда инжа,  
кўз ёшимдай тиниқсан, софсан.

Кўзинг сехр, кипригинг ўқдир,  
овозингдан эриб оққанлар –

гул олиб, пул олиб чопганлар  
ниятидан хабаринг йўқдир.

Оlam гулзор ҳам оlam сахро,  
осон эмас яшамоқ, Раъно.  
Боғда қайчи ушлаб кезарлар  
ва энг гўзал гулни узарлар.

Одамзодда кўпдир жумбоклар,  
охуларни излар ва отар.  
Тўрт томонда изғийди зоғлар,  
сайроқилар қафасда ётар.

Гўзалликка қийиндир аслан,  
мен қошингда ёшдай қалқаман.  
Раъно, Раъно, жуда гўзалсан,  
жуда ёшсан, Раъно, кўрқаман...

1994 – 2003

## **ШАККОКЛИК**

Чилвир соchlарингни қўлим топади,  
Лабингни қонталаш тилим топади.

Севгилим, оёғим толди ахтариб,  
Энди изларингни йўлим топади.

Сен бировга зорсан, мен ҳам сенга зор,  
Қўзларим топмаса, дилим топади.

Ҳамма бир-бирини ахтарар – топмас,  
Ҳаммамизни бир-бир... Ўлим топади.

1992

## ЧҮЛПОН ДАРДИ

Сен «Ватан» деб туриб овқат ютарсан,  
Мен ютарман қон.  
Тамаки чекарсан «Элим» деб сўзлаб,  
Мен чекдим афғон.  
Сен «Халқим» деб тошиб, осмонга учдинг,  
Мен ерга тушдим.  
Сен «Юртим» деганда рақсга тушдинг,  
Мен терга тушдим.  
«Комил Ватаним» деб мақтайсан тинмай,  
Безайсан либос.  
Туркистонни комил кўрайин дея  
Сўзлайвердим рост.  
Сен «Ватаним» дея яшардинг шодмон,  
Кўзимда ёшим.  
Сенинг кўкрагингга қадашди нишон,  
Менинг кўкрагимда эса...  
Кўрошин.

1987

## ҮЛИМ

### Хавфли мавзу

Очилади гуллар... Сүлади.  
Сувлар тиниб адо бўлади.  
Бир кун инграб туғилган одам  
Бирор кеча сассиз ўлади.

Ҳамма билар – аниқ келадир!  
Ҳеч ким билмас – келадир қачон?  
Одамзодга олам тўладир –  
Эртагача ким қолар омон?!

Ҳамма унинг қошида тенгдир,  
Ҳамма ожиз келганда очқин.  
Бемор узра минг киши йиглар –  
Үлолмайди ўрнига ҳеч ким.

Қарамайди пулинг, молингга,  
Даргоҳида тенгдир ҳар бир жон.  
Бу дунёда шудир адолат,  
Ҳақиқат шу, қолгани ёлғон!

Гапирмайди бирор бу ҳақда,  
Гарчанд ҳеч ким қутулиб қолмас.  
Тирик айтмас – ўлиб кўрмаган,  
Ўлган билар, аммо айтолмас...

2002

## **ОДАМ**

Бүгиламан, дунёда борми  
Бүгилмаган одам,  
Дарду ғамдан сувдай тўкилиб  
Ёғилмаган одам?!

Бойи улкан уйда ториқар,  
Гадо сахро кезиб зўриқар,  
Шоир кенг дунёда зерикар.  
Борми бир юраги ситилиб  
Соғилмаган одам?!

Дилим, оғриқ хаёлдан чекин,  
Аллоҳ раҳмин тилагин ичкин,  
Кетарсан, ҳамма кетар бир кун,  
Фақат ўлмаслиги мумкин  
Түғилмаган одам...

1996

133

## ИНТИЗОР...

Ё Аллоҳ, ҳар нега ўзингсан қодир,  
Менинг қисматим шу – кутмоқдир мудом.  
Кутаман – нимадир бўлгуси содир,  
Кутаман – келгуси илоҳий пайғом.

Тоғларнинг пойидан ўтдим ҳалиқиб,  
Дарёлар бўйидан шошиб ўтаман.  
Кутаман – келиши керак аллаким,  
Изиллаб ненидир мудом кутаман.

Ё Аллоҳ, шу ернинг, шу бир кўччанинг  
Шу овлоқ ерида турибман ғарип:  
Ненидир кутаман, сўздан ҳам азиз,  
Ненидир кутаман, жондан ҳам ширин.

Ненидир кутаман изиллаб, изчили,  
Кутаман хокисор, ниғорон, ағбор...  
Саҳро сув кутгандай ташна, қонбағир,  
Ошиқ ёр кутгандай қақшаб, интизор.

Бу кутмоқ ёндирап, жондан тўйдирап,  
Қибла томонларга юзни тутаман:  
Агар айтиб қўйсанг – тилни куйдирап,  
Айтмасанг – дил куяр Сўзни кутаман.

Кутаман – келмагай, излайман топмай,  
Осмонга чўзилган шу озғин қўлим.  
Аллоҳ, жамолингни жонда топсайдим,  
Токим мени бунда топмасдан йўлим...

1998

## ДУНЁ

Дунё, ноаён дунё, ростми ё ёлғон дунё,  
Биздан ҳам қолғай охир ҳаммадан қолғон дунё.

Самовот қоп-қорадир, замин кетиб борадир,  
Одам шамдай ёнадир, ёнмаган шамдон – дунё.

Айланар чарх-давронлар, келар-кетар инсонлар,  
Ҳаммамизни кузатиб қолажак құрғон – дунё.

Үйғонди дашт-ёбонлар, ер устида хазонлар,  
Ер остида илонлар уйғонди, уйғон, дунё.

Тушимда замон үзга, күз очсам, жаҳон үзга,  
Айт, қай бири сароб-у, қай бири аён, дунё?

Майса товоним тилди, сочимга ел осилди,  
Жуда яшагим келди, эй бағри үпқон дунё.

Кетмоқ бизни құрқитмас, у дунёга құл етмас,  
Боламизни асралып, бизларни олғон дунё.

Карим, сенга йўл бўлсин, борар еринг гул бўлсин,  
Биз кетсақ ҳам, юрт қолсин, кўзи ҳаросон дунё.

1992

## **МЕН СИЗНИ СОГИНДИМ**

Оқшом тушиб борар. Кимдир билдирмай  
бир-бир териб кетар нурни дунёдан.  
Йүллар адашади. Беркинар қирлар.  
Деворга суянар дили хун одам.

Чироқ шуъласини ютар деразам,  
даштларда бўрилар увиллар узун.  
Кўзларимни юмиб ичга қарасам –  
оқ-ойдин чеҳрангиз чиқади сузиб.

О, исёнчи кўзлар,  
покиза юзлар,  
ғуборсиз кулгулар...  
Сўзлайнин қандай?  
Тилимдан дув тушар ожиза сўзлар,  
тутнинг мевасини шамол тўкандай.

Ай малак, келдингиз қайси замондан?  
Жаннат ҳурлари дай тиник куласиз.  
Не учун тушдингиз тоза осмондан,  
бу қаро ерларда нима қиласиз?!

Майда ташвишларга тўладир олам.  
Инсонлар югурап  
тинимсиз,  
абгор.  
Кўра олармикин бирорта одам?  
Сиз, балким, келдингиз минг йилда бир бор.

Сизга муносибдир гўзал саройлар,  
хазонлар эзилар изингизга зор...

Саройни талади бугун гадойлар,  
гулзорларни босиб олди паҳтазор.

Малагим,  
күзимни очиб қарасам –  
үша маҳзун рўзғор.  
Юрак ёрилар –  
чироқ шуъласини ютар деразам,  
қайдадир даштларда увлар бўрилар.

На қиласай?!

Мен сизни жуда соғиндим.  
Шу узун кечалар...  
Кўргим келади.  
Шу узун кечалар чексиз дунёning  
қайси четидасиз?!

Ким ҳам билади?..

О исёнчи кўзлар,  
покиза чирой,  
яширдим эл кўриб қотган кўзимдан.  
Мен Сизни бировга кўрмадим раво,  
мен Сизни асрадим...  
ҳатто Ўзимдан.

Мен Сизни севаман. Олисдан. Сўзсиз.  
Соғиндим. Айттолмам яқин дўстга ҳам.  
Севаман. Қарайман жимгина. Сассиз.  
Севаман...  
айтмасдан ўзингизга ҳам.

1994

## **ОНАМ ХОТИРАСИГА**

Йўлларга мунғайиб боқдингиз нотинч,  
Эшик ғичирласа: «Болам келдими?!»  
Болангиз очмаган эшикдан бир кеч  
Ногаҳон мунғайиб Ўлим келдими?!

Хоксорга ёпишар бор барча дардки,  
Куйдингиз, бизларга қўнмай бир гардки –  
Мана, сиз совумай мен едим туртки,  
Юрак – қон, кўзимга жолам келдими?!

Дердингиз гоҳида қувониб дилдан:  
«Биз кетмондан нонли, сен эса тилдан!»  
Сайраб юрган эдим ҳар бир манзилда,  
Сиз кетиб бир сўзга тилим келдими?!

Бир куни айтибди Ҳақ Пайғамбари:  
«Аёлнинг паноҳи – эри ё қабри!»  
Кетганга – раҳмати, қолганга – сабри,  
Паноҳингиз ердир, нолам келдими?!

Сизни Аллоҳ олди бир қиши оқшоми,  
Шу кунда қиз берди менга иболи,  
«Она қизим!» – дейман энди Раъонони,  
Онам кетган жойдан болам келдими?!

Дамлар ўтиб борар бир дам кетидан,  
Одам кетаверар одам кетидан,  
Аввал момом кетди, онам кетидан,  
Секин-секин менинг галим келдими?..

## ТАЖРИБА

Дунё – сирли бир жумбоқ,  
Дилим тилган яроқчи.  
Олам – қаро,  
Шам ёқар  
Аллоҳ отлиғ чироқчи.

Тафтим кетди юзимдан,  
Нурлар кетди күзимдан,  
Излаб юрар изимдан  
Иймон отлиғ сүрокчи.

Тизларимдан жон олди,  
Сүзларимдан чанг олди,  
Сочларимдан ранг олди  
Умр атамыш қароқчи.

Дунё шу: ўтар-кетар,  
Одам бир күрар, кетар.  
Мени ҳам ўрап кетар  
Ўлим деган ўроқчи.

2007

## **ВАСИЯТ**

Сиз бахт ҳақда ёздингиз тинмай.  
Мен йиғладим. Секин. Билдирмай.

Жонингизга тегдим. Биламан.  
Озроқ чиданг. Мен ҳам ўламан.

Чиқаверар шунда ҳам қуёш.  
Күшлар учар. От кезар ювош.

Чумолилар ўрмалар ҳайрон.  
Шамол дайдир. Эзилар хазон.

Чўккалайди зил-замбил тоғлар.  
Қорлар увлар. Шовуллар боғлар.

Мен ўламан... Отаверар тонг.  
Гул очилар. Сўлар ногаҳон.

Дунё кенгдир. Гулга иши йўқ.  
Гул сўлди деб йиғлар киши йўқ...

1992

## ТУШ

Шомда күз юммоқни ёмон күраман,  
Тушимда бошқа бир замон күраман.  
Балиқлари учған бепоён само,  
Қушлар түкілётган осмон күраман.

Дил қони ёмғирдай ёғар саҳарда,  
Томирим чүзилған – рубобға парда.  
Бүрилар увиллар шүр кенгликларда,  
Кемалар шүрлаган уммөн күраман.

Бемор узра Сино термилиб ётған,  
Құлда тиғ, дамида қора қон қотған:  
«Инсон вужудини англадим, аммо  
Күнглин тополмадим...» – ҳайрон күраман.

Ансорий қабрини супурар Ҳазрат:  
«Хажга боролмадим...» – чекар хижолат.  
Сүңг мангулик сари кетар бетоқат,  
Хиротдаги қабри вайрон, күраман.

Далага эгилиб бутун эл тинган,  
Машрабнинг назари уфққа инган,  
ТАХОРАТ КҮЗАСИ ЧИЛПАРЧИН СИНГАН  
Дор ёғочи гуллар – алвон, күраман...

Жарнинг ёқасидан кетиб бораман,  
Йиқиламан... үзни омон күраман.

Тонгда күз очмоқни ёмон күраман,  
Күз очиб бошқа бир замон күраман.

## ҚАДИМИЙ ҲИКМАТЛАР

\*\*\*

Ортимга қарадим – миннатдор бўлдим,  
Олдинга қарадим – талабгор бўлдим.  
Атрофга қарадим – босиб келди ғам,  
Тепадан – жаннатдан умидвор бўлдим...

\*\*\*

Ишламасак агар – келмас ошу нон,  
Ишласак тинимсиз тўқмиз бегумон.  
Агар ишламасак нени ошаймиз,  
Тинимсиз ишласак қачон яшаймиз?!

\*\*\*

Қўй, куйган қалбимга қўл солма, ахир,  
Ўзимга аёндири, асли, кимлигим.  
Билсанг, хотиржамлик кучлиликдандири,  
Жуда жарангдордир, асли, жимлигим...

\*\*\*

Фурсат топиб керак дам олиш,  
Кўнгил уйин этайлик обод.  
Тугамайди бу дунёда Иш,  
Аммо тугар бир куни Ҳаёт.

\*\*\*

Поёнсиздир чархи фалак, коинот,  
Сайёralар, буржлар, зулмат поёнсиз.  
Биламан, заминда қийиндир ҳаёт,  
Лекин бошқа жойда бу ҳам имконсиз...

\*\*\*

Устоз айтар эди: «Сиқилма, бўтам,  
Дунёда мардлар кўп, аҳмоклар кам-да...»  
Лекин кам бўлса ҳам пухта жойлашган,  
Нега йўлдан чиқар ҳар бир қадамда?

\*\*\*

Эй биродар, чехрангга боқсам,  
Юрагимни күйдиради чүр.  
Ахир, нега бунча қашшоқсан?  
Пулдан бошқа бирор нарсанг йүк...

\* \* \*

Үртанаиди күнгил ўртада,  
Улгурмаймиз, иш чала ҳамон.  
Қолдирамиз барин эртага...  
Эртагача бормизми омон?!

\*\*\*

Гоҳ олиб, гоҳ сотиб кетамиз,  
Дийда қотар, қотиб кетамиз.  
«Вақт ўтяпти», – деймиз ўксиниб,  
Вақт ўтмас, биз ўтиб кетамиз...

\*\*\*

Күп қайғурдим, озроқ бўлдим шод,  
Ерга қараб қўзим ёшладим.  
Ёки эрта тугади ҳаёт  
Ё мен кечроқ яшай бошладим...

\*\*\*

Бу ҳаётда қўп ҳикмат – тилсим,  
Юрак унсиз бўзлаб ётиби –  
Тушунганлар ўтириби жим,  
Тушунмаслар сўзлаб ётиби...

\*\*\*

Ҳамма йўллар гўрга оборар,  
Одил бўлмоқ керак ҳар ишда.  
Қандай йўлда юришда гапмас,  
Бор гап йўлда қандай юришда...

\*\*\*

Билмаганга ўргат билганинг,  
Билганлардан ўрган, дил очгин.  
Билишини билмас – уйғот,  
Билмаслигин билмаса... қочгин.

\*\*\*

Инсон бўлиш асло кеч эмас,  
Аямасанг бас ширин жонинг.  
Ҳар кун эрта сен уйғонган тонг –  
Янги ҳаёт бошлаш имконинг...

\*\*\*

Ололмайсан гар сўрамасанг,  
Ҳаракат қил – кўраверасан.  
Агар олға қадам қўймасанг  
Ўз жойингда тураверасан...

\*\*\*

Ишлар қилдинг элдан панада,  
Шодсан, ишинг юриб турибди.  
Қилмишингни билмас ҳеч банда,  
Лекин Аллоҳ кўриб турибди...

\*\*\*

Қуёш чиқди – бир тонгим отди,  
Дунё ётар қаршимда дуркун...  
Юрдим, турдим, ёндим – кун ботди,  
Үтиб кетди умримдан бир кун.

\*\*\*

Ёқтиrsa ким – бўлмагин хурсанд,  
Ёқмай қолсанг берилма охга...  
Элга бирдай ёқмоқлик қийин,  
Етар ишинг ёқса Аллоҳга.

\*\*\*

Инсон зоти шундоқ азалдан,  
 Күрмагунча асло ишонмас.  
 Аллоҳ эса иймондир буткул,  
 Ишонмагуnungча күринмас...

\*\*\*

Мен кетар кун юртнинг сўнгги кунимас,  
 Аён бўлса эди элга мардумлик –  
 Фалакнинг шовқини кўрқинчли эмас,  
 Кўрқинчлидир жуда... ердаги жимлик.

\*\*\*

Учоқда қуш каби учмоқда инсон,  
 Балиқдай сузмоқни билди уммонда.  
 Фаннинг ривожи бу, ўрганса энди  
 Заминда яшамоқ илмин инсондай...

\*\*\*

Дунёни тушундим, энди шошмайман,  
 Тошмайман, урмайман бошимни дорга...  
 Секин эшитаман гўдак кулгусин,  
 Қарайман куш каби қўнётган қорга.

\*\*\*

Пайпоми йўқ деманг, оёғи йўқ бор.  
 Боладан нолиманг – бор боласизлар.  
 Ҳаётдан ўксинманг – ўлганлар қанча?  
 Тириксиз, шукр этиб эл бўласизлар...

\*\*\*

«Келажак» келмайди, дўстим, ҳеч қачон,  
 Ухлайсан, уйғонсанг – бўлади «буғун».  
 «Кеча» йўқ, «эрта» йўқ, ишинг қолдирма –  
 Ҳаёт буғун ўтар – умр ўтар, тушун...

\*\*\*

Дунё бир құрғондир, инсон бир мәхмөн,  
Абадий қолмоққа рухсатинг йүқдір.  
«Кечә» ўтди, «эрта»ңг борми – ноаён,  
«Бугун» айт, бошқа бир фурсатинг йүқдір...

\*\*\*

Аллоқ беріб тұрса – күпайтир шукринг,  
Бермай құйса бир вақт – оширгин сабринг.  
Шу тахлит яшасанғ мүмін, хокисор –  
Кенгайиб, гулларга тұлгайдыр қабринг.

\*\*\*

Күчли сабр этадыр, заиф сабр этмас,  
Бизға күп синовлар берган ҳаётдір.  
Сабр этиш ҳеч замон енгилмоқ әмас,  
Сабр этмоқ, аслида, буюк жиҳоддиди...

\*\*\*

Дарвешга дедилар: «Устингга қара,  
Йиритика-ямоқ кийим, жанда хирқатинг!»  
Дарвеш деди: «Дилни поклаш-ла бандман,  
Устимни безашға йүқдір фурсатим!»

\*\*\*

Заиф ғазаб этар, жұмард қиласр сабр,  
Үзин енгіган киши енгар оламни.  
Оламда ҳеч кимса құрқита олмас  
Аллохдан құрқувчи собир одамни...

\*\*\*

«Кечә» «эрта» бўлган юз берди «бугун»,  
«Кечә»га айланар бугунги иш ҳам.  
Ҳаёт шу тахлитда этади давом,  
Бу қадар ҳаяжон не керак, ошнам?..

\*\*\*  
 Ҳадикда бокамиз иш бошлай туриб:  
 «Одамлар бу ишга, э воҳ, не деркин?!»  
 Асли, ўйлашимиз керак қайғуриб:  
 «барини кўрмоқда, Аллоҳ не деркин?!»

\*\*\*  
 Бугун ўз юкини тортади ҳар ким,  
 Инсон дайр чўлида юрган тевадир.  
 Бандадан тиласонг – кўп кўтар ёмон,  
 Аллоҳдан тиласонг – кўпроқ севади...

\*\*\*  
 Инсон зоти ҳамиша жумбоқ,  
 Билолмайсан ҳеч афзалини –  
 Бой оёғин эҳтиёт қилар,  
 Қашшоқ асрар пойабзалини...

\*\*\*  
 Бандалик умрини яшасак мўмин,  
 Керилмай кимсага ўз кучимиздан.  
 Ўйлаймизки, Аллоҳ тепадан кўтар,  
 Аллоҳ кўриб турар ич-ичимиздан...

\*\*\*  
 Ҳаётнинг ҳикмати Тангрига аён,  
 Ўйлаб ҳеч тагига ета олмайсан.  
 Эмин-эркин яша, билки, Дунёдан..  
 Тирик ҳолда чиқиб кета олмайсан.

\*\*\*  
 Раббим, дилдан йироқ кетсин ғам,  
 Иймон сари ҳидоят айла.  
 Мана шу сатрни ўқиётганнинг ҳам  
 Тилагини ижобат айла...

\*\*\*

Хақгүй фанода хор, бақода азиз,  
Хақ йўли, аслида, осонми-қийин?!  
Ёлғон таскин бериб охир ўлдирап,  
Рост сўз оғритару тузатар кейин...

\*\*\*

Бу ҳаёт қонуни азалдан комил,  
Адолат оқибат енгар беармон.  
Аллоҳ дер: «Заифга жабр айлама,  
У мендан тиласа, ёрдам берарман...»

\*\*\*

Ҳаммамизни Аллоҳ яратди,  
«Йўқотмайин сизни», – дема, бас.  
Йўқотмайди ҳеч ким ҳеч кимни,  
Чунки ҳеч ким ҳеч кимникимас.

\*\*\*

Севгилим, мен сени кўрган лаҳзада  
Унутилди ўтган умрим маҳзани.  
Энди қолган умрим ўтар ғамзада  
Унута олмасдан ўшал лаҳзани...

\*\*\*

Бирори бошлиқдан тилайди шафқат,  
Бирори замондан турибди сўраб,  
Бирори фалакдан қутади омад...  
Мен фақат Ўзингдан тилайман, ё Раб!

\*\*\*

И мом Шофеъий дедилар бир он:  
«Ҳаётнинг тарзига назар сол ичкин –  
Жим туриб ҳаммани қўрқитар арслон,  
Ит тинмай вовуллар – қўрқмайди ҳеч ким!»

\*\*\*  
 Румийдан бир хикмат англадим бу кеч:  
 «Болам, ғамда ёнсанг эзилмагин ҳеч.  
 Ўтинг ёнган сари ўчоқда кулдир,  
 Банда ёнган сари Аллоҳга қулдир...»

\*\*\*  
 Илм дер: инсонда тўқсон фоиз сув,  
 У гоҳида оқил, гоҳида ёвуз...  
 Гар ақли бўлмаса, бўлмаса қалби,  
 Инсон – рўпарангда тик турган ҳовуз.

\*\*\*  
 Дунёда ҳар нарса ўткинчи, билгил,  
 Қувонч етган бўлса, шодлан, етади.  
 Ташвиш келган бўлса, ташвишланмагин,  
 У ҳам мангу эмас, у ҳам ўтади...

\*\*\*  
 Яшамоқ санъати чидамдир мудом,  
 Тўрт ёнда изғийди турли хил шарпа.  
 Оғриган жойингни кўрсатма, айтсанг,  
 Айнан шу жойингга берарлар зарба...

\*\*\*  
 Бозорга айланди бугун ҳамма ёқ,  
 Бирор олиб, бирор сотаётгандир.  
 Шовқинда эшитмай қолдим, эҳтимол,  
 Омад эшигимни чертаётгандир...

1984 – 2013

\*\*\*

Қор каби беғубор,  
Құш каби енгил,  
Сув каби сокина  
Бўлолмадинг, дил.

Юрагим – қайроқтош,  
Ёнди ишқ – қуёш.  
Сув сепди қаламқош,  
Синдириди чип-чили.

Тоғ қулар, боғ чўқар,  
Одам ҳам ўлар.  
Кирғозлар емрилар,  
Сув оқар минг йил.

Юмшоқ бўл, қаламим,  
Яшашни ҳам бил –  
Қаттиқ тиш синди-ю,  
Туарар юмшоқ тил...

06.01.1995

## ЭКОЛОГИЯ

Карвон ўтмас қақрок саҳролар,  
Нафаслари қисган ҳаволар.  
Сувсираган сувларнинг ўзи –  
Шўрлаб кетган шўрлик дарёлар...

Ай, дунёлар юввош, омонат,  
Киприкдаги кўз ёш омонат.  
Гарчанд ҳали ялтираб турар,  
Осмондаги қуёш омонат.

Оlam маъсум, само бепоён,  
Қоронғининг сўнги, туби йўқ.  
Ваҳимага тушади юрак,  
Қовурғадан тер сизар совуқ.

Тентирайди маҳзун шаббода,  
Бошин эгар майсалар ҳолсиз.  
Минг йил, милён йиллик дунёга  
Термиламан кечалар ёлғиз.

Кўзин очсин қадим булоқлар,  
Йўллар кезиб оёқлар толсин.  
Коинотда қолсин момо ер,  
Ер юзида одамлар қолсин.

Ер қолмаса, одам қолмаса –  
Гарчанд само бепоён, кўчкин –  
Минг йил, милён йиллар фалакка  
Қўрқув билан қарамас ҳеч ким.

1992

## ИШҚ ЖИЛВАЛАРИ

I  
Қора рўмол каби ҳилпирайди соч,  
Лабда қимтинади хавотир, кўрқиши.  
Турибсиз Сиз гўё учиш олдидан  
Нафас ростлаётган муштипар бир күш.

Оҳиста хўрсиниш, ўғринча нигоҳ  
Нурсиз шу коронғу дунёи дунда.  
Кўзлар қамашади, кўнгил ёришар –  
Мен Сизни кечалар ўйладим шундай.

Гўзалсиз, тозасиз, ҳурилиқосиз,  
Санамсиз, сўз йўқдир чечан оқинда...  
Олисдан шунақа кўринмоқдасиз,  
Кўришга кўрқаман Сизни яқиндан.

II  
Оқаяпман деб ўйламас сув,  
Очилдим деб қичқирмагай гул –  
Зимдан-зимдан қўзғалар ғулув,  
Рухсат олмай севаверар дил.

Исмсиз ғам, номсиз қувончdir,  
Улканлашар у йилдан-йилга.  
Вахимали, кўркинчли бир сир,  
Айтиб бўлмас ҳаттоки тилга...

III  
Дунё. Дунё. Бепоён дунё.  
Яшаб кўрдим. Мен сендан тўйдим.  
Қувончлари ноаён дунё,  
Аён ғамдан адоқсиз куйдим.

Сувларингда оқдим – етади,  
Шамолингни яладим – етар.

Уфқларингга бокдим – етади,  
Үтар. Үтар. Барчаси үтар.

Изларимни күмди оқ қорлар,  
Товушимни булутлар ютди.  
Олов күзлар, гули нигорлар  
Үтди. Үтди. Барчаси үтди.

Яшаб күрдик. Англадик. Билдик.  
Бешик, тобут – бақо дарчаси...  
Айтинг, нега дунёга келдик?  
Үтиб кетар, ахир, барчаси...

#### IV

Чарос күзингизда чақнар хавотир,  
Асрамоқ истайсиз мени кимлардан?!  
Мұхабbat – дунёда күхна асотир,  
Тирилар юракда ёнган шамлардан.

Маккор шаббодалар, жодугар чақмоқ,  
Бүронлар яшайди күзи ҳаросон.  
Жуда ҳам қийиндер Сиз деб яшамоқ,  
Сиз учун ўлмоқлык жуда ҳам осон...

#### V

Ярқираб чақнагай нigoхлар бирдан,  
Лаблар пицирлайди шириң, беозор.  
Жуда вахимали, покиза сирдан  
Юрагим ёрилиб кетишға тайёр.  
Мен Сизни севаман... Бу шеър эмасдир.  
Ташбеҳлар ожиздир, сүзлар нотавон.  
Бу бирам ёқимли, сеҳрли тушдир,  
Үйғотманглар мени энди ҳеч қачон...

1992

\*\*\*

Булбулни англадим, боғни тушундим,  
Ерга ёнбошлаган тоғни тушундим,  
Хаттоқи, ойдаги доғни тушундим –  
Сени тушунмадим, ёнимдаги одам,  
Юрагиму қоним, жонимдаги одам...

Сенинг макринг мингта, менинг жоним – бир,  
Отар ўқинг сонсиз, дил қалқоним – бир.  
Сен ҳам одам бўлгин, одамжоним, бир –  
Бир марта келганман дунёга мен ҳам,  
Сени тушунмадим, ёнимдаги одам...

Сенга етмас ҳатто ҳалқقا етган сўзим,  
На юзим ёқади, на босган изим,  
Тушунади ҳали тили чиқмаган қизим –  
Сенинг тилинг бурро, сўзларинг бекам,  
Тушунмадим сени, ёнимдаги одам...

06.01.1994.

\*\*\*

Тоғларга баш уриб борай, майлига,  
Боғларга сүзлайин қувончдан, ғамдан.  
Қорларга, музларга дучор айлагил,  
Асрагин... одамдан.

Баш уриб борайин бужур дарахтга,  
Садо чиқар ҳатто, чертсанг, бетондан.  
Мени тушунади тилсиз қүшчалар,  
Бўрондан асрама,  
Асра... инсондан.

Дайр дашти узра кезарман хомуш,  
На осмондан садо, на ердан товуш...  
Кўзимдан оқади эриб қалб тошим –  
Бир ўғлим йўқ, йўқ тобуткашим.

Изимда бир аждар келади авраб,  
Заҳар сочиб борар дамодам оғиз.  
Тушимга киради ойдай париваш,  
Ўнгимда... ялмоғиз...

20.01.1995.

## **ВАЛФАЖР**

Тахайюл – осмоним,  
Үйдир тоқатим.  
Булутдан чакмоним,  
Шамол – овқатим.

Қувонч үйнашимдир,  
Ёрим – ҳасратим.  
Ер тобуткашимдир,  
Ох – ибодатим.

Сұзлар суратимдир,  
Товуш – сийратим.  
Онам ҳижратимдир,  
Отам – фикратим.

Үзим бир шамдирман,  
Шуълам – шавқатим.  
Ёниб тамомдирман,  
Мангу тоатим.

Қолди на фарёдим,  
На-да рағбатим.  
Онам, момом кетди,  
Етди навбатим...

Тушлар ҳаётимдир,  
Күш – ҳамсұхбатим.  
Бўри аждодимдир,  
Иймон – рухсатим.

Қолар сойга томган  
Күз ёш – раҳматим.  
Қорларга битилган  
Излар – дастхатим.  
Овозим форларда,  
Сиёҳ – давлатим.  
Ерлардан изламанг,  
Кўнгил – лаҳадим...

21.01.1995.

\*\*\*

Бу қыз шафқат билмас,  
Шакарлаб бол бор.  
Банда ёрдам бермас,  
Аллохга ёлвор.

Қошлари бурама,  
Ёнокда хол бор.  
Бу қиздан сұрама,  
Тангрига ёлвор.

Юраги тош қыз бу,  
Тили – қотила.  
Хар нега ул қодир –  
Худодан сұра.

Сени зор яратмиш,  
Ёрни ўт күэли.  
Сенга сабр берсін  
Эгамнинг Ўзи...

21.01.1995.

## ЧАРОС МАРСИЯСИ

1.

Мен Аллоҳ ҳукмига бўларман таслим,  
Борар жойинг бўлсин жаннати наим.  
Чарос, Чаросгинам, менинг Чаросим,  
Танинг ерга, ўзинг осмонга тушдинг,  
Ўн саккизда ҳукми Раҳмонга тушдинг.

Дунёча орзуладар қолди бир дафтар,  
Учдинг у дунёга – оппоқ қабутар.  
Ёзиб битмоқчийдинг боқий бир хатлар –  
Ўзинг бугун хатми Қуръонга тушдинг,  
Бобонг, бувинг кетган маконга тушдинг.

Бу олам боғида гул эдинг анбар,  
Энг зўр гулни узар боққа кирганлар –  
Кўп эди ҳуснингта ошиқ бўлганлар –  
На Шер, на Диёр, на Давронга тушдинг,  
Хурдай тоза ҳолда кафанга тушдинг.

Дейдилар, бу дунё – ожиза дунё,  
У дунё – абадий мўъжиза дунё,  
Ғамдану фийбатдан покиза дунё.  
Аллоҳ севганини чорлар бирпасда,  
Хорлик, зорлик тўла ерда қўймасдан.

Ҳали биз кимларга бўлармиз ошна?  
Турмуш деб борармиз эгилган бош-ла,  
Совуқда изиллаб, иссиқда ташна,  
Қизим, сен абадий ризвонга тушдинг –  
Иссиқ-совуқ ўтмас маконга тушдинг.

Чаросим, авжида узилган ғунчам,  
Қалбимда хотиранг мангу тугунча.

Видо, охиратда юз күришгунча –  
Онангни юпатдим шундай деб, қизим,  
Юпана олмасман, нетай, мен ўзим.

Аллоҳ ҳузырига кетдинг олдиндан,  
Биз ҳам боражакмиз бешак ортингдан,  
Умидимиз бордир Раҳми одилдан –  
Бандаман чорасиз, обу гил аслим,  
Қодир тақдирига турибман таслим.

Раббимнинг ҳукмига бўларман таслим,  
Борар жойинг бўлсин жаннати наим.  
Чарос, Чаросгинам, менинг Чаросим,  
Танинг ерга, ўзинг осмонга тушдинг,  
Ўн саккизда ҳукми Раҳмонга тушдинг.

2.

Гоҳида қайғуга тушсам бехосдан  
Ё эркалик килиб дердим: «Болам-а,  
Отангни авайла, юрагим хаста,  
Эҳтиёт қил, бирдан ўлиб қоламан...»

Қизим, сен эркалик қилмадинг сира  
Ва ё узун-узоқ ётмадинг хаста.  
Жимгина яшадинг ва жим, оҳиста  
Кетдинг бу дунёни ташлаб бехосдан...

3.

Ой ер теграсида айланар титраб,  
Қуёш атрофида айланади ер.  
Жаҳон айланади коинот ичра,  
Барини англолмай бosh айланадир.

Замон айланади, ўтар кун-кеча,  
Мана, аста-секин тонг ҳам отибди.  
Оlam ёришди-ку, Чаросдай қизча  
Қоронғида,  
ер тагида ётибди.

Ҳаёт ҳикмати шу: барглар ҳам ҳазон,  
Ҳазонлар чирийдир – яна унадир.  
Бинолар охири бир кун вайрондир,  
Тупроғи ғишт бўлар, яна бинодир.

Секин-секин келар, ана, баҳор ҳам,  
Кўкча қабристони гулга ботибди.  
Ер юзин гул босди,  
ернинг тагида  
Чарос деган қизча абад ётибди.

Ҳамманинг манзили охири шу ер,  
Ҳозирча ҳаётнинг оҳангি оқар.  
Жаҳон айвонида ҳаёт ҳокимдир,  
Майсалар қабрга қўк сирға тақар.

Булбул сайран тинмай гулнинг шохидা,  
Ишқнинг мажлисида шамол котибдир.  
Ернинг усти шовқин,  
пастда жимгина  
Чарос деган қизча мангу ётибдир...

2010

\* \* \*

О, она Ватаним!  
Ватаним!!!  
Юрагим сиғмайды сиқиқ танамга –  
Эҳтимол, Ватанга оз хизмат қилдим,  
Хизмат қилолмадим аммо... онамга.

Ватан аскарлари,  
Ерни тәпмангиз.  
Сафингиз – мустаҳкам,  
Қаддингиз – тикроқ.  
Гарчанд оёғингиз остида ётар  
Биздан улуғроқдир эзилган тупроқ.

Тоғларда кезади ҳуркак кийиклар,  
Құмларга түқилар ёмғирлар сокин.  
Болалар, Ватанни севингиз, лекин  
Онангизни күпроқ севинглар...

16.03.1995

\*\*\*

Воҳ бунчалар шавққа, шаҳдга тўлганмиз?  
Орзулар кўп, кибр ундан-да кўпроқ.  
Асли, бир томчидан пайдо бўлганмиз,  
Охир бўлажакмиз бир сиқим тупроқ.



ромиз равшан

урда хаан

аббос

түфарғанли


исмикхон мухаммад

мухаммад орас

назриккунин

www.mansvali.ru

хайрат



## ОЗАРБАЙЖОН

### **ОЗАР БАЁТЛАРИ**

О, қүшлар, оға қүшлар,  
Күнибди бокқа қүшлар.  
Дараҳтларни кесдилар,  
Учишди тоққа қүшлар.

\*\*\*

Дараҳтда хазон йиғлар,  
Тагида гүзал йиғлар.  
Ёрдан айрилган ошиқ  
Саргардон кезар. Йиғлар...

\*\*\*

Йиғларман йиғлар каби,  
Дардим бор тоғлар каби.  
Хазон бўлдим. Тўкилдим  
Шовуллаб боғлар каби.

\*\*\*

Ой эмасман, юлдузман.  
Келинмас, ҳали қизман.  
Эшикда турган ўғлон,  
Ёнимга кел. Ёлғизман...

\*\*\*

Олчалар, ай олчалар.  
Яшил чалар, ол чалар...  
Қабримни чуқур қазинг –  
Душман кўрас, қўл солар.

\*\*\*

Омон фалак, дод фалак,  
Хеч бўлмадим шод, фалак.  
Менга тутган бодангдан  
Ўзинг ҳам бир tot, фалак.

\*\*\*

Обордилар гулимни,  
Айладилар зулмни.  
На сўзлашга қўйдилар,  
На кесдилар тилимни.

\*\*\*

Ошиқ, ночор йиғлама,  
Кунлар кечар, йиғлама.  
Фалак ёпик эшикни  
Бир кун очар, йиғлама.

\*\*\*

Булоқ боши туз бўлар,  
Ён-атрофи қиз бўлар.  
Мен сени гул демайман,  
Гулнинг умри оз бўлар.

\*\*\*

Бу йўлдан ўтган яхши,  
Йўлингта кетган яхши.  
Кезмоққа ғурбат ўлка,  
Ўлмоққа Ватан яхши.

\*\*\*

Бу йўлдан кетиб келмас,  
Билмадим – нетиб келмас.  
Бу дунёдан кетганлар  
Қабридан чиқиб келмас.

\*\*\*

Бу нодон шартта урди,  
Не ёмон вақтда урди.  
Номард душманлар мени  
Дўстдан йироқда урди.

\*\*\*

Бундан бир отлиқ кетди,  
Отин ўйнатди, кетди.  
Қүёшдай шафақ сочди,  
Ой каби ботди, кетди...

\*\*\*

Бундан узоқ Ганжадир,  
Зулфинг панжа-панжадир.  
Ўлим осон – бир марта,  
Айрилиқ ўлгунчадир.

\*\*\*

Ғунча эдим, гул бўлдим,  
Бўй сочдим, сунбул бўлдим.  
Бир тил билмас қуш эдим,  
Севдим-у булбул бўлдим.

\*\*\*

Тоғ ёнида дамим бор,  
Богимнинг бодоми бор.  
Кел, эшиқдан кир, ёрим,  
Десинлар: «Одами бор...»

\*\*\*

Тоғлар боши туз боғлар,  
Қирлари ялпиз боғлар.  
Мени хотин тиғласа,  
Яраларим қиз боғлар...

\*\*\*

Тоғлар туман бўлди, кел,  
Холим ёмон бўлди, кел.  
Бир ой кетаман девдинг,  
Йиллар тамом бўлди, кел.

\*\*\*

Тоғлардан қуш келарми,  
Келса ҳам бўш келарми?  
Мен севсам, ўзга олса,  
Аллоҳга хуш келарми?

\*\*\*

Кўлингда созга дўнсам,  
Фамзада, нозда ёнсам.  
Бош қўйиб тиззангга, воҳ,  
Қиши ётсам, ёз уйғонсам.

\*\*\*

Кўқдан туман босадир,  
Қабрим йўлинг устидир.  
Бир оқшом кел ё сахар,  
Кўрган десин: «Дўстидир...»

\*\*\*

У ҳам мени ёндирап,  
Бу ҳам мени ёндирап.  
Куйдим-у сувга тушдим,  
Сув ҳам мени ёндирап.

\*\*\*

Кел, қўйма дардга мени,  
Ёр, кўр бир марта мени.  
Номардга муҳтож этма,  
Сўйдиргин мардга мени.

\*\*\*  
Сочларингни ўрмаслар,  
Сени менга бермаслар.  
Кел, ўпай оқ юзингдан,  
Кеча қаро – кўрмаслар.

\*\*\*  
Сув келар, оқиб кетар,  
Тоғ-тошни йиқиб кетар.  
Дунё бир деразадир,  
Ҳар келган боқиб кетар.

\*\*\*  
Хўроз бонг урганда кел,  
Қўксим қон берганда кел.  
Бемор бўлдим – келмадинг,  
Энди жон берганда кел.

\*\*\*  
Узугинг тоши мэнман,  
Устунинг қоши мэнман.  
Ёр дея ким йигласа,  
Кўзининг ёши мэнман.

## БАЁТ АББОС

\*\*\*

Күрсат қоматингни, эй сарви равон,  
Дунё күрсин ани, ратьноланмасин.  
Кир боққа, рухсоринг арз айла гулга,  
Булбул ҳайрон бўлсин, шайдоланмасин.

Ориф бўлиб бу имога юрмаса,  
Жононнинг йўлинда жонин бермаса,  
Чор тараф боққанда сани кўрмаса,  
Кўзлари кўр бўлсин, зиёланмасин.

Саҳардан гулшанг азми руҳ айла,  
Зулфингни сунбулу рўйсиёҳ айла,  
Бу чашми маст ила бир нигоҳ айла,  
Наргиз хуморланиб шаҳдоланмасин.

Хати сабзу руҳи саман таб ила  
Баробар айламиш кунни шаб ила,  
Ширин гуфтор ила, шаккар лаб ила  
Қил такаллум, тўти гўёланмасин.

Боқ, Баёт Аббосинг ёнсин ўтингда,  
Зора, бир келтирсанг мани ёдингга,  
Асло ёмон сўзни айтма отимга,  
Таъна гоҳо-гоҳо садоланмасин.

## ИСМИХОН МУҲАММАД

О, титраган дудоқларинг  
Ҳасратига қурбон ўлам.  
Ҳаёт берган нафасингнинг  
Шафқатига қурбон ўлам.

Кўзимга чизгин суратинг,  
Кўз юммоқ бўлсин заҳматим.  
Тили боғлиқ муҳаббатнинг  
Ҳимматига қурбон ўлам.

Юлдуз каби оқишиングнинг,  
Чақмоқ каби чақишиングнинг,  
Боқишим-ла боқишиングнинг  
Суҳбатига қурбон ўлам.

Жавҳарисан тилагимнинг,  
Қувватисан билагимнинг,  
Юрагим-ла юрагингнинг  
Ваҳдатига қурбон ўлам.

Сайроғисан бизнинг қўлнинг,  
Ғунчасисан бизнинг гулнинг,  
Бу кўнгил-ла у кўнгилнинг  
Улфатига қурбон ўлам.

У баҳтимнинг азалининг,  
У суҳбати мазалининг,  
Ўзбекистон гўзалининг  
Исматига қурбон ўлам.

||

Бу бичимда бўлмас малак,  
Ривоятдир, Аллоҳ-Аллоҳ!  
Ундан жонни авайламоқ  
Жиноятдир, Аллоҳ-Аллоҳ!

Дириллаган бир симдир у,  
Сехрландим, тилсимдир у,  
Бу жамол-ла ҳар кимдир у –  
Қиёматдир, Аллоҳ-Аллоҳ!

Ул қўзларда сингиб қолмиш,  
Бир достонга дўниб қолмиш,  
Мұхабbatдан тониб қолмиш  
Ҳикоятдир, Аллоҳ-Аллоҳ!

У ҳам суюқ, мен ҳам суюқ,  
Бағрим бўлди ўйик-ўйик,  
Боқишидан қолдим куйиб –  
Шикоятдир, Аллоҳ-Аллоҳ!

## НАРИМОН ҲАСАНЗОДА

\*\*\*

Кел ёнимга, гўзал ёрим,  
Изла мани, ахтар мани.  
Юрагингда олиб боргин,  
Кўзларингда қайтар мани.

Ман маст эмас, дили ўтман,  
Муҳаббатга ман лойиқман.  
Сен долғасан, мен қайиқман,  
Эшгин, итар-кўттар мани.

Ичимдадир додим, кўзим,  
Кўз бўлиди сирим, созим.  
Хеч билмайман айтар сўзим,  
Бу зорлиқдан қутқар мани.

Сен саҳарда бир саҳарсан,  
Чечак каби тоза-тарсан,  
Охир бир кун кечикарсан,  
Кейин тупроқ ютар мани.

## НИГОР РАФИБЕЙЛИ

\*\*\*

Гоҳ асабий, гоҳ юрғундир,  
Гоҳ түфөнли, гоҳ түрғундир,  
Гоҳ ошиқдир, гоҳ вурғундир  
Менинг шоир қардошларим.

Хар сұхбатда сўзи бордир,  
Гўзалларда кўзи бордир,  
Ер юзида бир баҳордир  
Менинг шоир қардошларим.

Еурурнинг жонли ҳайкали,  
Озодликнинг ҳур машъали,  
Кечирмас ёвуз амални  
Менинг шоир қардошларим.

Узоклардан келар уни,  
Саломлашар нурли кунни,  
Халққа берар ўз умрини  
Менинг шоир қардошларим.

Асрлардан берди сўроқ,  
Зулматда ёндириди чироқ,  
Тушди ватанидан узок  
Менинг шоир қардошларим.

Қоронгуда нур айлади,  
Халққа озодлик тилади,  
Тарихларда шунакадир  
Менинг шоир қардошларим.

Товонидан сўйилдилар,  
Кўзларидан ўйилдилар.

Зулм дастида эзилдилар  
Менинг шоир қардошларим.

Золимларга бош эгмади,  
Гулнинг баргига тегмади,  
Зулм юкини чекмади  
Менинг шоир қардошларим.

Ўз юртининг нафасидир,  
Замонанинг ҳақ сасидир,  
Сўз мулкининг устасидир  
Менинг шоир қардошларим.

РОМИЗ РАВШАН

**БИР ОЗ УЗУН БҮЛДИ  
УМРИМ, ШЕКИЛЛИ...**

Бир оз узун бўлди умрим, шекилли,  
Эҳтимол, дўстлар ҳам ториқди бир оз...

Мени едирмоқдан чарчади дунё,  
сувлари чарчади, нони чарчади.  
Мени кездирмоқдан бэзди йўллари,  
кўзимга бокмоқдан осмони чарчади.  
Излаганлар истаб чарчади,  
Бадгумон ёмонлаб чарчади –  
бир оз узун бўлди умрим, шекилли.

Йўллар товонимнинг остидан қочар.  
Дейдилар туш бошқа,  
бунақа бўлмас,  
Шоирда иштаҳа бунақа бўлмас –  
дўстлар ҳам ўзгача боқар юзимга.  
Қанчалар дўстим бор,  
шаҳар тўладир,  
Кўпининг кўнглида қадар тўладир.  
Жўрадан,  
қардошдан,  
ўзгадан ўксиб,  
Бахтидан, ўзидан, кўзгудан ўксиб,  
кўпи йиғламоққа баҳона излар.  
Оз қолди, оз қолди, чиданг дегайман,  
Дўстлар, чиданг, мен кетажак кун етар.

Хеч нарсага күчим етмаса-да,  
қора кийим кийдирмоққа,  
дүстларни йиғлатмоққа  
күчим етар...  
Лекин күчим етмас, на қилай, ахир,  
на қилай, ахир, мен шүрлик?  
Күчим етмаяпти бу дунёдан кетмоққа.  
Бу дунё Дарбанд қалъаси,  
На йўли бор, на йўлкаси,  
Кардошим, одам боласи,  
күчим етмас бу дунёдан кетмоққа.

Яшил-яшил майсалари  
чиrmашар қўл-оёғимга,  
Рангпар булутлари босар бошимдан,  
Сойлари сув олар кўзим ёшидан,  
игна-ла гўр қаза-қаза,  
тиzzам-ла ер кеза-кеза  
Ўтдим бу умримнинг ўттиз ёшидан –  
күчим етмас бу дунёдан кетмоққа.

Кетимдан оғир бурганлар,  
Шоирларнинг эҳсонини еганлар,  
Шоир одам ёш ўлади деганлар,  
Менинг шоир бўлмоққа күчим етмас,  
Ўлдиринглар мени, ўлмоққа күчим етмас –  
күчим етмас бу дунёдан кетмоққа...

## **ҚАДРИМНИ БИЛМАДИ БУ ОДАМ МЕНИНГ...**

### **Кўзгудаги аксим қархисида**

Билмадим, бу қайдан топди умримни,  
Бир асов от каби чопди умримни,  
Тоғларга, тошларга отди умримни.  
Бу одам қадримни билмади менинг –  
Аллоҳим, ол мени бунинг дастидан!

Кошкийди, умримни бу ер юзида  
Бир ўзга одамга дуч айласайдинг,  
Мени одам эмас, қуш айласайдинг  
Ёки бир қоп-қора тош айласайдинг.  
Мени бу одамга сен нега қўйдинг?  
Аллоҳим, ол мени бунинг дастидан!

Ол мени, бер мени, ўзгаларга бер,  
Синик ойналарга, кўзгуларга бер,  
Бўлинай, юз бурда, минг бурда бўлай.  
Бу одам юзимга боқа олмасин,  
Мени ойналарнинг синикларидан  
тўплай олмасин ҳеч, ийға олмасин –  
Аллоҳим, ол мени бунинг дастидан!

Бўлинсан, дардим ҳам бўлинар, балким,  
ҳар дардим юз бурда, минг бурда бўлди.  
Бир дардим қолмади ўзимдан улкан,  
барча дардларимдан мен улкан бўлдим.

Бу ернинг устида, осмон остида  
бўлинсан, ҳар бурдам ҳар ёнга тушса...

Қачондир, дилингнинг шод соатида,  
Аллоҳим, қайтадан ёдингга тушсан,  
Янгидан тўпласанг синикларимни,  
Синик қўлларимни, оёқларимни,  
Оғзимни, бурним ва қулоқларимни,  
Аллоҳим, янгидан яратсанг мени,  
Дунёда энг гўзал кўзгу бўламан.

Янгидан дунёга йўллассанг мени,  
Бу одам бўлмайман, ўзга бўламан –  
Аллоҳим, ол мени бунинг дастидан!..

## ЗЕРИКИШ

Бу қандайин чарчоқдир,  
Ахир, бундоқ ким зерикар?!  
Чүнтакда құлым зерикар,  
Оғзимда тилим зерикар.

Зерикар қошим-қовоғим,  
Зерикар күрпам-түшагим,  
Үйга кирсам, уй-әшигим,  
Йүл юрсам, йүлім зерикар.

Йүлімга қизлар чиқсалар,  
Кулиб юзимга боқсалар,  
Ёқамга бир гул тақсалар,  
Ёқамда гулем зерикар.

Қайга отай бу қайғуни?!  
На боши бор, на якуни...  
Биламан, жим пойлаб мени  
Қайдадир ўлім зерикар.

## ШАМ

Фузулий ёдига  
Юз йиллардир бир шам ёнар,  
Шамоллар сўндира билмас  
Минг-минглаб қўллар чўзилар,  
Шуъласини тера билмас.

Қоронғидир сўлу соғи,  
Ёнган шамнинг не гуноҳи?!  
Эриди, тўкилар ёғи,  
Ўлар,  
ўлар,  
ўла билмас.

Томчи-томчи, зарра-зарра,  
Кундан-кун узилган жон-ла,  
Йиглайди ҳар йиглаган-ла,  
Ҳар кулган-ла қула билмас.

Исинтирап шўрликларни,  
Қўрқитади бўриларни,  
Ёритади нариларни,  
Ўз тубини кўра билмас.

## **ҚОРНИДА ТҮҚҚИЗ ОЙ КҮТАРГАН АЁЛ**

Кеча-кечагача ёш боланг эдим,  
бир үйнок телбароқ үғил эдим, она.  
Кундуздан, кечадан,  
чүлдан, күчадан,  
душман таънасидан,  
дүст гинасидан,  
неча қиз кўзидан, қиз юрагидан  
узилдим, ситилдим, суррилдим, она.  
Қайтадан қайтдим мен ўз аввалимга,  
бир аёл ичига йиғилдим, она –  
түққиз ой қорнида кўтарган аёл.

Бу хира кўзларим тиниқди бирдан,  
бирдан юрагимнинг туби кўринди.  
Дунёнинг йўллари узилди бирдан,  
бўйнимда толенинг или кўринди.  
Умрим коса каби тушди қўлимдан,  
синмаган нарсалар синувчи бўлди.  
Бутун йўлларимни олдинг қўлимдан,  
бутун йўлларимнинг сўнги сен бўлдинг –  
түққиз ой қорнида кўтарган аёл.

Қорнида түққиз ой кўтарган аёл,  
бошимни тиззангга қўйиб йиғларман.  
Бу ўтган умримнинг гуноҳларини  
кўзимнинг ёши-ла ювиб йиғларман.  
Юрагим минг ердан минг бир дард чекар,  
дардиму ғамимни бўға билсайдинг.

Бу ўтган умримнинг устидан чизиб,  
кошкийди, қайтадан туға билсайдинг –  
тўққиз ой қорнида кўтарган аёл.

Балким, бошқа одам бўлардим шунда,  
бу ғамни ўзимдан қува олардим.  
Балким, севинардим, кулардим шунда,  
балким, сени ҳам хуш сева олардим.

...Бир йўл бор  
чўзилар то ўлимгача:  
Бу йўл сабримдир менинг.  
Қорнида тўққиз ой кўтарган аёл,  
Қорнинг қабримдир менинг....

## **ФАҚАТ СЕНИНГ ЮЗИНГ КУЛСИН**

Менинг юзим кулган эмас,  
Фақат сенинг юзинг кулсин.  
Мени күрса: «Амаки!» – деб  
ўғлинг кулсин,  
қизинг кулсин.

Мен-ку сенга ярашмадим,  
Сүз демадим, талашмадим,  
Юлдузимиз ёнишмади,  
Кел,  
сенинг юлдузинг кулсин.

Юз йил ғам кўрма, қарима,  
Бир саҳар чиқиб йўлимга,  
Туз сепсанг эски ярамга,  
Ярам кулсин,  
тузинг кулсин...

## **ҚУРБОНЛИҚҚА ОЛИНГАН ҚҰЗИ**

Бу ҳовлида ётған құзи,  
Үйқуда күрганинг недур?  
Нафасларинг totли, узун,  
Үт каби терганинг недур?

Тотланиб, вақтинг чоғланиб,  
Қызил бүйинбөг боғланиб,  
Туморланиб, безакланиб  
Бу уйға келганинг недур?

Севинарсан, ҳозир түксан.  
Яшил үтдир қайға боқсанг...  
Мен биламан – қурбонлиқсан,  
Бас, сенинг билганинг недур?!

## **НОЗИК КАПАЛАК МУРДАСИНИ ТАЛАШАЁТГАН ҚОРА-ҚОРА ЧУМОЛИЛАР**

Қора-қора чумолилар,  
капалакни найладингиз?!

Түпландингиз, түп бўлдингиз,  
қанот-қанот қўпордингиз,  
ташидингиз, обордингиз,  
капалакни найладингиз?

Айрилди кун ёруғидан,  
қўкнинг камалак туғидан,  
кулогим битди, том битди  
гулларнинг қичқириғидан,  
капалакни найладингиз?

Дарди тушар оғизларга,  
дод айлар, чақирар сизни.  
На ёдирар, на тўйдирав,  
на қишдан чиқарав сизни,  
капалакни найладингиз?!

## ОДАМ

*Дүстүм Нотиқ САФАРОВга*

Энди мени ким овутар,  
Эй мени овутган одам,  
Үзгә дардин күрган вақти  
Үз дардин унуган одам,

Хүш сүзини, қилиғини,  
Гүдакдай соф йүриғини,  
Дастурхонин бор-йүғини  
Еру күкка тутган одам?!

Дунёда на сув, на ўт бор,  
Дунёда на дүст, на ёт бор,  
Аллоҳдан кейин бир от бор:  
Одам,  
Одам,  
Одам,  
Одам!..

## **АЙРИЛИҚ**

Яна бир шаҳарда юзма-юз келдик,  
Начора, бошқа бир шаҳаримиз йўқ.  
Эҳтимол, биз баҳтли бўла олардик,  
Эҳтимол, баҳтлимиз,  
хабаримиз йўқ.

Орадан шунча йил ўтиб кўрганда  
Таний олмадим мен,  
мени кечиргин.  
Ўйлардимки, сенсиз ўлиб қоларман,  
мен ўлмадим сенсиз,  
мени кечиргин!

«Ўлмадим...» – деяпман, нё билай, ахир?  
Эҳтимол, мен сенсиз ўлиб қолганман,  
қабрсиз, кафансиз ўлиб қолганман.  
Эҳтимол, биз унда айрилмасайдик,  
на мен эндиғийдим,  
на сен эндиғи –  
Айрилдик, шайтонни кулдирдик унда:  
бу йилнинг  
бу ойнинг  
бу кунидаги  
мана шу кўчанинг шу бурчидаги  
мени ҳам, сени ҳам ўлдирдик унда.

Сўлимиз, соғимиз одамга тўла,  
кўл ушлашиб эрлар, хотинлар ўтар.  
Ўзидан хабарсиз,  
умрида минг бор  
ўзини ўлдирган одамлар ўтар,  
ўтар ўз қонига ботган одамлар.  
Дарвоқе, қон қани?  
Қон, ахир, йўқдир...  
Ҳамма гуноҳкордир дунёда,  
аммо  
Дунёда ҳеч кимнинг гуноҳи йўқдир.

Бизсиз битилмишdir бу толе, бу баҳт,  
палаҳмондан учган бир жуфт тошмиз биз.  
Балким, бу дунёда  
ўн-ўн беш ийлmas,  
бундан минг йил аввал айрилмишмиз биз.

Ҳалол йўлимишни қўйиб  
не учун  
Адашдик, бир ўзга йўлдан кетдик биз?  
Балким, минг йил аввал саҳв тушиб недир,  
минг йиллик хатога қурбон кетдик биз.

Алмашди ўрнини, балким, қиши-баҳор,  
кориши дунёнинг шаҳари, кенти.  
Балким, ўз ичида ўгай оналар  
ўгай болаларни кўтараар энди.

Умрим бошдан-оёқ ёлғондир, балким,  
толеим ўзгадир ростдан ҳам менинг.  
Хув йўлдан ўтган қиз  
онамдир, балким,  
эҳтимол, ўғлимдир бу ўғлон менинг.

Бу ёлғон умримда  
сен ўзинг несан?  
Балким, ҳеч севгилим эмассан менинг.

Онамсан,  
синглимсан,  
момомсан,  
кимсан?!  
Фақат Аллоҳ билар кимимсан менинг.

Бизни ким айирар бу айрилиқдан?  
Етмас додимизга на йўл, на кўприк.  
Ўликсан, тириксан, ҳар несан, тўхта!  
Тўхта, ҳеч бўлмаса, қўлингдан ўпай...

Дегайсан: «Ўлганман мен, ўликни ўпма...»  
Қўлимнинг кафтида  
қўлинг увшар.  
Дегайсан: «Хайрингни берсин, қўлимни ўпма,  
қарагин, қўлимдан қон иси келар...»

## **БҮФИЛАР**

Дунёнинг суви булғанар,  
Балиқ деб қармоқ бўғилар.  
Булғанар, кўки булғанар,  
Кўкида Аллоҳ бўғилар.

Кўп чўккан ерида чўкар,  
Додига келган ҳам чўкар,  
Ақлли чуқурроқ чўкар,  
Саёзда аҳмоқ бўғилар.

Бирори нағмали-созли,  
Бирори боши қафасли,  
Бирори кўйлак-либосли,  
Бирор яланғоч бўғилар...

## **БОШИ КЕСИК ГҮЗАЛ ТУТ**

### **Пилла қуртига едириш учун чавақланган тутларга**

Боши кесик гүзал тут,  
бу доғни сенга ким сүқди?  
Болтани сенга ким урди,  
пичноқни сенга ким сүқди?

Ипак-ипак япроқларинг  
қуртлар аро таландими?  
Билақдай оқ бутоқларинг  
үчоқларга қаландими?

Куйдингми қисматнинг аччиқлигидан?  
Золимлар қайтмади золимлигидан,  
йиқилдинг күл етмас баландлигингдан,  
боши кесик гүзал тут...

Гүзал тутим, изиллама, бўзлама,  
на болталар, на пичноқлар қолажак.  
Самовотдан йиқилсанг-да ғам ема,  
сен йиқилган самовотлар қолажак.

Дунёning қуртлари ўтар,  
қори, ёфиши ўтар,  
қатор-қатор қуши ўтар,  
Тош отарлар – тоши ўтар  
сен йиқилган баландликдан.

Умидли кўзлар тикилар,  
ёш ниҳолчалар экилар  
сен тўкилган баландликда...

Мендан сенга салом бўлсин,  
боши кесик гүзал тут!

Болам бўлса, боланг бўлсин,  
боши кесик гўзал тут.

Эгилиб қўксингга бошим қўярман,  
сугим най қилиб чаласан менинг.  
Пойингга бир уй бўлар ошни уярман,  
уйимнинг тиргаги бўларсан менинг.

Гўзал тут,  
яраларинг битсин, соғайсин.  
Бу дунёда на болталар,  
на пичоқлар қолажак.  
Самовотдан йиқилсанг-да,  
яна жонинг соғ бўлсин,  
бу дунёда  
сен йиқилган самовотлар қолажак...

## ҚАРИЛИК

Елғизлик бошланар бундан буёғи,  
қочиб қутулмассан, отам боласи.  
Ойларни, ийлларни тутсанг бүйингга,  
Сойларни, чүлларни тутсанг бүйингга,  
үлчаб етолмассан, отам боласи.

Энди күплар билан орам совуган,  
күплар омадимга севинмас энди.  
23 ёшимда мени севгандар  
33 ёшимда севолмас энди.

Мен, ахир, на Чүлман,  
на Йүл,  
на Күча,  
Ахир, ҳамманики бўла олмайман.  
Мени севгандар деб ўла-ўлгунча  
23 ёшимда қола олмайман.

Қанчалик сўзлар бор сўзимдан жасур,  
энди чақирмоққа нафасим йўқдир.  
Энди бу дунёда ўзимдан жасур  
сўзларни ёзмоққа ҳавасим йўқдир.

Йиғини бас қилди, тинди шеърим ҳам,  
қариди мисралар, сўзлар мен билан.  
Дўстлар ёшлигича қолар шеъримда,  
қаримоқ истамас дўстлар мен билан.

Илоҳим, қарилик шундай экан-да,  
дўстлардан жимгина узилар одам.

Умр лойқаланган сувдай экан-да,  
озайгани сари тозарар одам.

Ичиму ташимнинг занги ювилар,  
сатрлар кўкарап бу оқ варакда.  
Узоқдир юрак-ла қўлнинг ораси,  
хайрият, ўлмадим шу оралиқда.

Сўзлар юрагимдан қўлимга етди,  
бир оз сарғайди ва сўлди, на илож.  
Бир оз жасурлиги, шўхлиги йитди,  
гина қилмасинлар, йўл-да, на илож.

Энди болта кесмас ақлим кесганни,  
тириклик тотини биламан энди.  
Бу кўхна дунёда ҳар нафасимни  
дараҳтдан мевадай тераман энди.

Сўнг нафас дунёда ҳар недан ширин,  
шоир ҳам қарииди, ўлар – биламан.  
Сўзидан қон ҳиди келган шоирнинг  
оғиздан сут ҳиди келар – биламан.

Бу дунё бир қайнар қозондир, илло,  
сўндирамас ўтини на қор, на ёмғир.  
Бу дунёдан кетиш осондир, аммо  
дунё-ла чиқишиб яшамоқ оғир...

## **КИМ АЙТАР, УЙҚУДА ЫЛМОҚ ОСОНДИР?..**

Дейдилар, уйқуда ўлмоқ осондир...

Үзинг ҳам билмайсан нечук ўлурсан.

Саҳар сокин эшитарсан аzonни,

Уйқудаги сокинликда ўлурсан.

Күзу кипригингдан айрилар жонинг,

Рұхинг баданингдан учар қуш каби.

Күлингда қолмайды дардинг, дармонинг,

Ташвишга қўймайсан уйда ҳеч кимни.

Ким айтар, уйқуда ўлмоқ осондир?..

Ким билар, қандоқ бу уйқуда ўлмоқ?

Балким, бу энг буюк дарддир, азобдир,

Энг тор исканжадир уйқуда ўлмоқ?

Бир кўз кипригинг ҳам уйқуда, балким,

Иилларча белингда тош ташийдирсан.

Нафасинг кесилар охирда, балким,

Умрингни тошларга бағишлайдирсан.

Бир кўз кипригинг ҳам уйқуда, балким,

Жаллод болтасидан узилган бошинг.

Унда қизил қонинг оққандир, балким,

Ёстиққа оққандир унда кўз ёшинг.

Уйқуда ўлмоқдир энг роҳат ажал...

Бу ҳам бир ёлғончи тасаллимиди?

Кўрарсан, уйкуда сени бўғган қўл  
Душман қўлимиди, дўст қўлимиди.

Недир бирдан унда умринг боғлаган?  
Дилга оқиб тушган бир томчи қондир.  
Кимдир қабринг узра додлаб йиғлаган,  
Балким, у уйкуда сени бўғгандир.

Кеча қўрқув солар уйқумизга-да,  
Тебранар кимнингдир қора кўлкаси.  
Балким, чизиқ тортсак уйқумизга ҳам,  
Ҳеч ким тушимизга кира олмасин.

Балким, ҳеч ётмасмиз – ҳар ётганнинг-да,  
Агар уйғонмаслик қўрқувси бўлса.  
Балким, ҳеч ётмасмиз – умр сўнгида  
Сокин бир ажалнинг уйқуси бўлса.

Аммо уйқунг келар – кўрарман, э воҳ;  
Ана, секин-секин юмилар кўзинг.  
Ёт... тонгда уйғонмоқ умиди ила...  
уйқунг ширин бўлсин,  
ухла, азизим...

## **НЕ БОР АЛЛОҲДАН ЮҚСАКДА?**

Не бор Аллоҳдан юқсакда,  
Не бор қабрдан қуида,  
Чекканим оҳдан юқсакда,  
Билганим сирдан қуида?

Нега куннинг кундузида  
Кушлар учар кўк юзида?  
Кўз ёшлари куш кўзидан  
Томчилар дондай қуига.

Демаки, биз қуш эмасмиз,  
Аллоҳга таниш эмасмиз...  
Рұхим, тур, тамом, кетайлик,  
Сен юқсакка, мен қуига...

## КЕТСАК БИЗ БҮЛМАГАН ЕРГА

Кел, қўл-қўлни тутиб кетсак,  
Кетсак биз бўлмаган ерга.  
Бор дардни унутиб кетсак  
Дардимиз бўлмаган ерга.

Бунда қўйсак ўзимизни,  
Бу тиришган юзимизни,  
Бу эскирган сўзимизни,  
Кетсак биз бўлмаган ерга.

Бир кимса олмасин хабар,  
Кел, чиқиб кетсак бир саҳар  
Бу уй, бу кўча, бу шаҳар,  
Бу денгиз бўлмаган ерга.

Одам ўғли оз топилар.  
Сен деган дўстинг сотилар,  
Бу Рамизни ким оборар  
бу Рамиз бўлмаган ерга?!

## **ВАТАН**

Сени севмоқ оғирдир, Ватан.  
Сен не кундасан,  
тепадан қуйигача  
гұноҳ ичиндасан.

Биласанми, сени севмоқ  
бу онда нега ўхшар?!  
Зўрланган бир қизни севганга ўхшар.

Бу севгидан ичкін-ичкін  
ицида ёнар одам.  
Аммо очиқ айтмоққа  
күрқар, уялар одам.

Бу не ҳолга тушмишсан,  
бу қандок кундир, Ватан?

Одам сени севмоққа энди уялар, Ватан.

Устингда нефть кўлкаси,  
ким ювади бу кўлкани,  
Милёнчилар ватани, тиланчилар ўлкаси?

Нефт-ла кетди баракотинг,  
баракот қочди сендан.  
Нефт-ла кетди бокиралигинг,  
бурғулар кечди ичингдан.

Қарич-қарич қазилсанғ-да,  
севин то ҳануз соғсан.  
Бир кун нефть тугаганда,  
ойдин кунга чиқажаксан.

## ҮЛИМ

### «Эшик» достонидан

На урушдан боланг келди,  
На уйингга келин келди.  
Кўзинг равшан, Зебо момо,  
Эшикни оч, Ўлим келди.

Юзи йўқ, сени чақирса  
нафасини ютиб Ўлим.  
Ўлимларнинг энг фақири,  
шўрлик Ўлим, юпун Ўлим.

Не ҳам олсин, ниманг бордир  
биргина дардингдан бошқа,  
Ажин тушган афт-ангоринг,  
букилган қаддингдан бошқа?

Бу Ўлим сенга не десин?  
«Момо» десин? «Она» десин?  
Она бўлсанг, боланг қани?  
Момосан – набиранг қани?

Набирасиз, боласиз кампир.  
О, қиз кампир, ёлғиз кампир.  
Ёстиклар ҳўл бўлди  
кўзинг ёшидан,  
Бошингни кўтаргин, ахир!

Эҳтимол, сескандинг Ўлимдан, ахир,  
Уйқунг қочди, балким.  
Ҳеч ким оч кетганмас уйингдан, ахир,  
Тур, қозон ос, Ўлим очдир, балким.  
Эшикка чиқ, Ўлим хафа бўлиб кетмасин,  
юзингни сурт оёғига-қўлига.

Яхшиямки, бу дунёда ҳар кимнинг  
ҳаққи бордир ҳақдан келган ўлимга.

Дунё ботди ўғилларнинг қонига,  
Балиқ каби талпинади, ёлворар.  
Яхшиямки, Ўлим келиб оборар  
Оналарни ўлган ўғил ёнига.

Оналарни кўриб шошар ўғиллар,  
бир ўғил ҳам онасини танимас.  
Онасининг дардга тўла юзини,  
юзи тўла дардини-да танимас.

Пешонадаги бирор ажинни,  
социдаги оқ толани танимас.  
– Бу кампир кимdir? – дер.  
Ўлим айтар: – Онандир!  
– Йўқ, бу менинг онам эмас,  
менинг онам жувондир...  
Кўзлари мўлтираб  
Ўлим қолар ўртада,  
Энди, ахир, ўз бошига  
не тош солсин бу Ўлим?  
Қари-қари кампирларни қайтариб,  
Ёш-ёшгина оналарни  
қайдан олсин бу Ўлим!?  
Ўлим, нега лўқиллатдинг кўзингни,  
Нечук бунча йўқотгансан ўзингни?  
Ўлим, сенки ойу кундан айириб  
умримизни бизга парча-парча  
бўлишистирган Ўлимсан.  
Бу дунёда  
сен ҳаммани бир-биридан айириб,  
У дунёда кўришистирган Ўлимсан.  
Милён-милён жон олсанг-да  
жонсизсан.  
Темирмисан, пўлатмисан, сен кимсан?!  
Ўлим, сенинг боланг йўқдир – пуштисизсан.  
Ўлим, сенинг онанг йўқдир – етимсан.

Нега қарайсан  
оналарнинг, ўғилларнинг юзига?  
Пуштсиз Ўлим, етим Ўлим, буюр, топ:  
Оналарнинг орасидан  
она ахтар ўзингга,  
Ўғилларнинг орасидан ўғил топ.

Отамиз бўл, бошимизни силагин,  
Онанг сенга алла айтсин, ётасан.  
«Ўғил» бўлсанг – қандай нонкўр ўғилсан,  
«Ота» бўлсанг – қандай золим отасан?

Чиқ, кет, Ўлим, йўлимида айланма,  
Ўнгимида, сўлимида айланма,  
бунда сенга эга бўлган топилмас,  
бала бўлган, она бўлган топилмас.

Тирик-тирик ўғилларни  
олиб кетдинг оналарнинг қўлидан,  
Аммо энди  
девор янглиғ ёпишиб бир-бирига,  
Қаттиқ ушлаб  
аввал ўлган болаларнинг қўлидан,  
Бир она ҳам ўғил бермас Ўлимга.

Ва ҳар ўғил шундай  
қўлидан танийди ўз онасини...  
Ҳар ўғил ўз онасининг қўлини  
силар, сийпар, уқалайди бармоғин.  
Нега қарайсан, эй Аллоҳнинг Ўлими?!  
Яхшиликча кетгин, Ўлим, йўлинг оқ бўлсин!..

## ДЕВОР

Қоғоз эмас – девордир бу,  
Бошимни ургувчи девор.  
Хаёл суриб, йиғлаб-кулиб,  
Үртаниб тургувчи девор.

Бир тоқ-танҳо дарахт каби  
Остида битгувчи девор.  
Йиғлаганда болиш каби  
Юзимни суртгувчи девор.

Варақ эмас, девордир бу,  
Ғамдан оқарар ҳар кеча.  
У томондан кимдир мени  
Саслар, чақирап ҳар кеча.

Мен ўлсам, демангиз ёлғиз,  
Йиғлангиз бизга, йиғлангиз.  
Мени дея азоб чеккан  
ул етим сасга йиғлангиз.

Бу деворнинг бул юзинда  
ўлган Ромизни кўминг ва  
Бу деворнинг ул юзинда  
қолган Ромизга йиғлангиз...

## МУҲАММАД ОРАЗ

\*\*\*

На бўлди, сенга дон тушди,  
Нега тушди, недан тушди?  
Бўйним ҳам қувватдан тушди,  
Оқарма, сочим, оқарма!  
Орзум сўнгсиз, умрим ярим...  
Ортди юзнинг тиришлари.  
Сенда инсоф бўлсин, ёрим,  
Оқарма, сочим, оқарма!  
Мени ғамгин кўрса агар  
Душман кулар, дўст ғам еяр,  
Қизлар боқиб «тоға» деяр,  
Оқарма, сочим, оқарма!  
Тошдир қалбинг, тошдир жонинг,  
Йўқдир туйғунг, йўқдир қонинг,  
Ҳали ёшман, бор виждоним,  
Оқарма, сочим, оқарма!  
Умр ўтар, ёмон ўтар,  
Юракдан қора қон ўтар,  
Ёнимдан бир жонон ўтар,  
Оқарма, сочим, оқарма!  
Ҳали сасим эримаган,  
Билакдан куч аримаган,  
Ҳали кўнглим қаримаган,  
Оқарма, сочим, оқарма!  
Илҳом отли шаҳварим бор,  
Йўлдадирман, сафарим бор,  
Ёзилмаган асарим бор,  
Оқарма, сочим, оқарма!

## ОЛМОНИЯ

### **Немис мұмтоз балладалари**

#### **СУВ ВА ШАРОБ ҲАҚИДА БАЛЛАДА**

Яқында әшитдим, ниҳоят,  
Шароб ва сув ҳақда ҳикоят.  
Баҳс этибди әрта-кеч тинмай  
Оқар сув ва бу лоларанг май.

Гердайибди сувга ул шароб:  
«Хамма юртда мемман эңг сероб!  
Хар таомхонада май тұла хұм бор,  
Хар кеча ичарлар мени ул дүст-ёр».

Сув айтибди: «Жим бўл, эй шароб!  
Мен билан сен тенгмас ҳеч қачон!  
Мен зўр қайиқларни ташийман,  
Мен туфайли ишлар тегирмон».

Аммо шароб айтди сувга ўша дам:  
«Пиёла тагига етган масрур он  
Менга мадҳ айтади ҳар одам,  
Хоҳ бойвачча ва хоҳ у чўпон».

Сув айтибди: «Гердайма, шароб!  
Менда рўзғорларда жуда иш сероб –

Менда кир юварлар ва мудом  
Пазандалар пиширар таом».

Аммо май ҳам бўш келмас минбаъд:  
«Мен жангларда ботирга мадад!  
Лаблар шароб тотган у фурсат,  
Баҳодирда жўшар жасорат».

Сув сўзлабди: «Тинглагин фақат,  
Ҳаммомларда сувдан-ку роҳат!  
Оташюрак жононлар мудом  
Сувга тушиб оларлар ором».

Сувга яна гап отди шароб:  
«Мени ичар бургомистр жаноб!  
Мен-ла яшар умрин ҳар оқшом,  
Бременда, қўлда майли жом».

Сўзлабди сув: «Шошилма, шароб!  
Хонадонлар ёнганда шу тоб,  
Ким ёприлар оловга, айт, ким?!  
Ёнгинларни ўчирган ўзим!»

Сувга жавоб берибди шароб:  
«Табибларда мен мудом сероб!  
Дориларнинг барин, эй ҳабиб,  
Спирт билан қорииди табиби!»

Сув сўзлабди: «Майли-ю, бироқ  
Кунсткамерада сенмас, мен тотли,  
Сув париларининг чашмидан оқиб  
Эртаксевар элга улашгум шодлик».

Шароб сувга мақтанаар тинмай:  
«Шоҳона байрамда ҳумлар тўла май,  
Одамлар қувончга юрсин деб тўлиб  
Отилиб тураман фаввора бўлиб».

Сув айтибди: «Шароб, бир бок  
Дарә, дengiz – сув тұла ҳар чоқ  
Улкан кемаларни судрайман ҳар он,  
Менинг ила түладир уммон!»

Шароб сувга айтибди шу он:  
«Мен узум ғужмида намоён.  
Нозик құллар боғда кезишар  
Ва шохлардан мени узишар».

Сув сүзлабди: «Шароб, жавоб бер,  
Ким узумни суғорған, ахир?  
Боғлар сувсиз бўларди хароб,  
Сен ҳам асло бўлмасдинг, шароб».

Тан олибди шу онда шароб:  
«Начора, мен сеники шу тоб,  
Фақат менга тегма, ўтавер,  
Ўз йўлингда секин кетавер».

Сув айтибди: «Омон бўл, ошна!..»  
Аммо шу он – майчи ҳам ташна –  
Фойдани оширмоқ шавқида жўшиб  
Сувни бу он майга юборди қўшиб...

## **ХАЁТ ВА ЎЛИМ БАҲСИ ҲАҚИДА БАЛЛАДА**

Ҳаёт айтди тавалло:  
«Меникидир бу Дунё,  
Кувончи, қўшиғи, ғала-ғовури – мен.  
Мен кўкда офтобмен, ернинг нури мен».  
Ҳаёт шундай айтди тавалло:  
«Меникидир, асли, бу Дунё!»

Ўлим ҳам айтди шу дам:  
«Йўқ, меники бу Олам.  
Дунёни зулматга кўмаман абад.  
Қўшиқлар ҳам тунда тинади, албат».  
Ўлим шундай сўзлади у дам:  
«Меникидир, асли, бу Олам!»

Ҳаёт унга сўз айтар шу дам:  
«Йўқ, меники, асли, бу Олам!  
Майли, сен мармардан қабр эт барпо,  
Мұҳаббатни кўмомайсан тупроққа асло»,  
Шундай Ҳаёт айтди тавалло:  
«Меники, меники бу Дунё!»

Яна Ўлим айтарди чакки:  
«Йўқ, бу Дунё меники!  
Жанг бошларман, йўлларман ўлат,  
Қабрга тушади бор инсоният».  
Ўлим шундоқ деди-да, илло:  
«Ҳа, меники, асли, бу Дунё!»

Аммо Ҳаёт айтди тавалло:  
«Йўқ, оқибат меники Дунё!  
Қабристон ҳам шудгор қилинар, шундай;  
Уруғ унар, далаларда шовуллар буғдой».  
Ҳаёт шундоқ қилди тавалло:  
«Меники, меники бу Дунё!»

## АКА-УКА ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Шундоқ ҳам бўларкан, мангу тарози –  
Ака-ука ногоҳ ўлди бир вақтда,  
Камбағал бўлгани жаннатда ҳозир,  
Бой яшагани куяр дўзахда.

Бой акани бўғар оташ олови,  
У чанқоқ назарин фалакка қадар.  
Ана, юқорида жаннат боғида  
Қардоши – укаси оромда ётар.

«Оҳ, севимли, кўнгилчан укам,  
Мен томонга қара, садо бер, садо.  
Озгина ҳаловат юборгин менга,  
Сув юбор, ташнаман, бўляпман адо».

«Оҳ, акам, бечора, баҳтсиз, жон акам,  
Сенинг оҳингни кўк тингларми бу он?  
Сен ўз кучугингни гўшт-ла боқардинг,  
Аммо гадога ҳам бермас эдинг нон».

«Севимли, ягона, қалби пок укам,  
Акангни ҳимоя айлагин, ёлвор:  
Бу гуноҳларда менинг айбим йўқ –  
Барча кўргиликда бойлигим айбдор!

Дўзах оловида абад қуйгунча,  
Шармандалик ичра ёнгунча бу он  
Мен учун дунёнинг бор тоғларини  
Елкада кўтариб турмоқлик осон.

Агар бу тоғлардан битта тошчани  
Бир қүшча об кетса йилда бир бора,  
Мен билардим – ҳукм бир күн ўзгарар  
Ва мени ҳам Худо авф этар, зора».

«Омин, омин! Унда ҳам, бунда ҳам  
Бошқарар барини Яратған әгам.  
Тавба қил, айлагин тинмай тиловат –  
Сени ҳам оловда қолдирмас абад...»



## МАРТИН ОПИЦ

1597 – 1639

\*\*\*

Хар ёнда хиенат, аза, укубат,  
Қабоқат остида қуриган илик.  
Ёлғон авжидадир, гүрда ҳақиқат,  
Зулм ардоқдадир, қувғин яхшилик.

Содом ва Гоморра дунёсидир бу,  
Мен нотавон қандок, зулм ўтган сайин,  
Кулларни, қонларни, зулматни күрмай,  
Мұхаббат ҳақида қүшиқ куйлайин?!

Нозик, гулбаданлар, қимтинган лаблар!  
Бу шеърлар ўлиkdir, бўм-бўшdir, ахир,  
Озурда қалбларга кераксиз, тамом!

Эл дардини ёзгин! Пайт келди! Йўқса,  
Сен шоир эмассан. Сен – қофиябоз.  
Сени энди мангу тарқ этсин илҳом!

ФРИДРИХ ЛОГАУ  
1604 – 1655

### ЖАСОРАТ

Бу даврда ким у – жасоратли инсон –  
Қорани қора деб, деса оқни оқ,  
Қотилларга мадҳ айтмаса ялтироқ,  
Ростин айттолмаса, айтмаса ёлғон?!

### ОРЗУЛАР РҮЁБИ

Үйни орзу қилсам, макон истасам,  
Барига етказди Ылим – оқил сүз:  
Мен урушда ўлдим, қабрга кирдим,  
Бу уйда ўлим ҳам, ғам ҳам дахлсиз.

### ПУЛЛАР

Мудом пул истайди кекса ҳам, ёш ҳам:  
Бири жамласам дер, бири – сарфласам.

### ҮЗИНГНИ ЕҢГМОҚ

Ҳа, үзинг-ла кураш – эңг мураккаб жанг.  
Асли, ғолибдурсан нафсингни енгсанг.



АНДРЕАС ГРИФИУС

1616 – 1664

### БАРИ ЎТКИНЧИ...

Қаёққа қарама – бари ўткинчи.  
Сен уй қураяпсан! Бекор бу жонлар.  
Шаҳарлар бир куни шудгор бўлади,  
У ерда қўй боқиб юрас чўпонлар.

Воҳ, энг алвон гул ҳам сўлар бегумон,  
Шовқин ҳаёт сўнги – сокин қабристон.  
Мармар ҳам, темир ҳам охири тупроқ,  
Бахтнинг кети фоже... Ҳамиша шундоқ!

Ўтади туш каби ғалаба, зафар:  
Замоннинг кўзюмук ўйинларига  
Карши туролмайди нотавон инсон.

Дунё – чанг ва тупроқ шамол сепган кул.  
Ҳаммаси ўтади. Мен ҳам ўламан.  
Қоришиб кетаман абадиятга!

ХРИСТИАН ГОФМАНСВАЛЬДАУ  
1617 – 1679

### ЗАМИНДАГИ ҲАЁТ

Нимадир дунёning сохта чеҳраси?  
Нима бу ялтироқ либосли ҳаёт?  
Ердаги борликнинг бору йўқ йўли  
Қисқа бир фурсатдир, ғамдир беадоқ.

Ҳаёт – зулмат ичра бир дамлик чақмок,  
Ҳаёт – ўлат кезган жарда яшамоқ,  
Уқубат қамалган қоронғу қамоқ,  
Барчасин ўраган ҳашам ялтироқ,  
Буюклик бўшлиғи ичра бўғилмоқ.  
Қабрлар устида кўкарған майса –  
Шу оний ҳаётни бокувчи тупроқ.  
Аммо, руҳим, сен вужудга менгзама!  
Тақдирингдан нолима бекор.  
Ялтироқ умиддан, сохта баҳтданмас,  
Нажотни ҳақ йўлдан излагин ағор!  
Алдовчи саробдан қочгин, юргургин,  
Нафснинг домидан қутул, албатта,  
Шунда етадирсан орзуга аён,  
Гўзаллик, боқийлик ери – жаннатга!



АНГЕЛУС СИЛЕЗИУС

1624 – 1677

## ФИКР ПАРЧАЛАРИ

\*\*\*

Дунёда энг ажиб мүъжиза – инсон:  
Унда жамлашгандир раҳмон ва шайтон.

\*\*\*

Нима қилай, ахир, бари-бари менда мужассам:  
Лаҳза ва мангалик, кундуз ва кеча,  
Эзгулик – ёвузлиқ, ҳаёт, ўлим ҳам!

\*\*\*

Фалакка қарайсан. Ёнма ўчингдан,  
Худо тепангдамас, қўрар ичингдан!

\*\*\*

Бой киши молим кам деб ёзғирап, боқ –  
Ишонгин: қўзи оч – гадойдан қашшоқ.

УЛЛА ХААН

## ОКТЯБРЬ ИБТИДОСИ

Сен менга атиргул совға қиласан, бутаси ўзингга.  
Боғингдаги ўзи узилиб тушган олмаларни тухфа  
қиласан,  
аммо... дараҳтларни эмас, уйни эмас, фарзанд эмас  
ва сенинг сўзларинг қушнинг чуғуридай енгил.  
Мен сенга ёлвораман: мен билан узокроқ қол,  
кейин йўқол.  
Мана, қушлар ҳам шу –  
маймунжоннинг пишган меваларини чўқилаб  
қайгадир олиб кетарлар...  
сенга ўхшаб.

## АДАШУВ

Йигит айтарди:  
муҳаббат – бу енгилгина қор,  
ҳамманинг бошига қўнар баравар  
ва тезда эриб кетар.  
Махбубаси унга дерди:  
Йўқ, ишқ – гулхан,  
ҳамма уни топтайди  
ёнгин катталашиб кетмасин дея.  
Улар жим қолишли.  
Бир-бирига отилди  
ва узоқ кўкка боқиб ерда ётишли.  
Йигит қордай эриди, қиз ҳиссиётнинг гулханида ёнди  
Ва, албатта, иккаласи ҳам қабргача чўзиладиган абадий  
муҳаббатга ишонмасдилар.

## ЮНОНИСТОН

КОСТИС ПАЛАМАС  
(1859 – 1945)

\*\*\*

Мен қандай бўлсам шундайман,  
титраётган кўксимдаги омонат юрагим  
қафасдаги асир қушга ўхшайди –  
юрагим омонат, аммо мен дунёнинг кучилари  
ва қудратлиларидан кўра яқинман нурга,  
муқаддас ҳақиқатга яқинроқман.

Шунинг учун юрагим заиф ва соғинчга тўладир ҳамон,  
Шунинг учун қалбим қайнар, қуийб-ёнаман,  
кучилар кучаяр, зўрлар зўраяр ва бўлар зўравон,  
мен улардан ёмон нафратланаман...  
Ажабо, менга ярашади бу нафрат.

\*\*\*

О, қадимий сўзлар, чирик моғорларга ўранганча  
отамнинг китоблари тубида ётибсиз  
муқаддас туш ичидаги ухлаб.  
Сиз-чи, қалтираган қўрқок қарғалар, нега жимсиз?  
Кўндалангдир менинг қаршимда тирик ҳаёт.  
Мен тақдир билан қадимий баҳсга қанчалар қаттиқ кириш-  
сан  
ва тафаккур отини нечоғлик ишонч ила қамчиласам  
шунчалар ташналиқ билан  
юксак төғларнинг насимини шимираман  
ва шунчалар осонлик билан сўзлашаман жайдари  
тилимизда.

ЯНИС РИЦОС  
(1909)

## ГЕРАКЛ ВА БИЗ

Сенга сўзлайдилар: уулкан ва улуф, Тангрининг ўғли у,  
ва, бундан ташқари,  
қатор ёркин устозлари билан машҳурдир,  
унинг саводини Аполлоннинг ўғли  
маърифатли Лин чиқарган; эпчил Эврит  
унга камонда ўқотарлик санъатидан бергандир сабоқ;  
Филамоннинг илҳомбахш зурёди Эвмолл унда  
кўшиққа ва илҳомга шавқ уйғотган; аммо асосийси –  
Гермеснинг фарзанди, Қалин ва қўрқинчли  
ўрмонзордай қуюқ қошлари пешонасининг ярмини босган  
Автолик унга аргоссликларнинг севимли санъати –  
бировни чалиб юборишдан дарс берган,  
бировни чалмоқ – жангда, муштлашувда  
ва ҳатто илму фанда ҳам ғалабани шартта  
эгалламоқ учун  
мислсиз, ишончли восита.  
Аммо биз, хом сут эмган, оқибат ўлимга маҳкум бандалар,  
устоз кўмагисиз ўз иродамизга, тиришқоқлигимизга,  
қийноқлар ва курашлар тизимиға эгамиз, холос,  
мана, қандай бўлса шундай вояга ётдик.  
Биз ўзимизни ҳеч ҳам паст деб билмаймиз,  
истаган кишининг кўзига тик қараймиз.  
Бизнинг унвонимиз бугун – учта сўз:  
Макронисос, Юра ва Лерос.  
Агар бизнинг шеърларимиз сизга беўхшов кўринса –  
дарҳол эсда тутингки, биз уни сокчилар назорати остида,  
нозирлар бурнининг тагида,  
бўғизимиға қадалган пичоқ тифида ёздик.  
Шунда ўзимизни оқлашга ҳожат қолмайди,  
шеърларимизни борича қабул қилинглар  
ва улардан йўқ нарсани талаб этмангиз –  
сизга руутбатсиз, дағал Фукидид  
хусниҳатда моҳир Ксенофонтдан кўра  
кўп нарсани айта олади.

НИКИФОРОС ВРЕТТАКОС  
(1912)

### БАРМОҚЛАР СУҲБАТИ

Сенинг бармоқларинг  
мен билан қарийб бир соатча сўзлашдилар,  
мен дарёлар ва ўрмонларнинг ашуласини тинглаганман,  
аммо бундай ашулани биринчи марта эшигдим –  
сенинг бармоқларинг куйлади ашула. Ниначи  
қарагай шохига кўниб тинди, тинглади бу ашулани.  
Уфқ шафақланган томонда  
тик таралган нурлар менга излар бўлиб кўринар –  
заминга учиб келган йонгиларнинг қанотлари таратган  
нурлар.  
Дунёни қамраган  
ғира-шира қоронгулика  
фақат шу ашула эшигиларди,  
жаранглар эди сенинг бармоқларинг.

Ўнта бармоғингда ўнта чигиртка,  
олис самовотга боқиб шавқ ила  
куйларди –  
менга яна туюлдики,  
қанотлардан таралган нурларнинг изи  
ноталар дафтарида бешта чизикқа айланади.

## ШОИРЛАРНИНГ ИШИ

Шоирлар кўркувдан нари яшашар.  
Нурларини тўғри бизга йўналтираётган  
офтоб сингари сертафт,  
бизга тўғрисини сўзларлар. Йўқдир  
уларнинг оғзини ёпа оладиган кафт,  
илҳомини кишанлай оладиган тушов йўқдир.  
Улар сулолалар ва тахтларнинг баҳосини биладилар,  
қиролларнинг қоғоздаги қонунларига эмас,  
Олий, азалий қонунга итоат қиласлар.

Махбусхона бонги каби  
ҳақиқатни такрор-такрор сўзлайдилар... Шоир –  
заминнинг нафаси, руҳи. Коронғи тушганда  
шоир замин узра тик туради, юксакдан нур таратади,  
чақмоқ парчаси каби  
юксаклиқда,  
тунда.

## ЖЎРОВОЗ

Хеч ким билмайдиган қайғулар, ҳасратлар бор.  
Бордир күёш ҳам тушиб бокмаган,  
зарра нур тушмаган чуқурликлар. Лабларга суқунат мухри  
босилган.  
Барча гувоҳлар жим. Кўзлар сукутда.  
Бу қадар узун нарвон, инсон қалби вулқондай жўшган  
чуқурликка тушишга етарли нарвон йўқ.  
Агар қалб суқунати тилга кирсайди,  
агар қалб кўзғолсайди – дунёдаги барча дараҳтлар  
илдизи билан кўпорилиб чиқарди ер юзига...

## МИХАЛИС ГАНАС

\*\*\*

- Сен ўлмайсан-а, онажон?!
  - Фонусни ўчиргин, болажон.
  - Оналар ҳам ўладими, ахир?
- Оналар ўлмас ҳеч ҳам.
- Йўқ. Йўқ. Оловдан эҳтиёт бўл, болам.
  - Николиснинг онаси нега ўлди?
  - Касал эди шўрлик, оғриқ адo қилди.
  - Тишинг оғригандими, жоним онам?
  - Тиш – бошқа гап. Тиш оғриганидан ўлмас одам.  
Бор, болам, ўйна.
  - Истамайман. Истагим шу – она, сен ўлма.
  - Валдира ма, болам. Товани келтир.
  - Момомиз ўладими, у қари кампир?
  - Кўркма, сен унда катта бўласан, албатта.
  - Қанчалик катта?
  - Эркак бўласан. Хотининг бўлади ва боланг.  
Эҳтимол, ё насиб, бўлар невараанг.
  - Ўшанда сен қандай бўласан, онажон, ахир?
  - Худди момонг каби. Бир қари кампир.
  - Момомдай? Тиши йўқ, кўзлари кўрмас...  
Йўқ, сен ундоқ бўлмайсан. Оналар ўлмас.  
Ўлмассан. Ўлмайсан-а, онажон?
  - Йўқ, ўлмайман. Келтиргин қозон.
  - Агар ўлсанг, мен ҳам ўламан шу он.  
Ишон, онажон.
  - Бундай дема, тилингга чиқсин-а чипқон.
  - Сен ўлсанг, ўлиб қоламан аниқ,  
Билиб қўй, онажон.

– Эшитяпсанми, жим бўл, бундай дема, болажон!  
Эшитяпсанми?

...Эшитяпман. Ёлғончиман мен.  
Буюк ёлғончи...  
Сен ваъдангда турмадинг-да, онам,  
ўлмайман дединг-у, ўлдинг.  
Мен сен ўлсанг, ўлиб қоламан дегандим.  
Ҳали ўлмадим.  
Ўполнадим.  
Моҳир ёлғончиман мён.

## МАНОЛИС АНАГНОСТАКИС

### **«Р.С.» китобидан мансура**

Фақат унинг бармоқларини чизиш учун у мусаввир бўлмоқчи эди.

Якшанбада кун оққан пайт ҳамма футбол ўйинидан кейин майдон яқинидаги емакхонага йўл олганда, у уйга шошарди – дарс қилиши керак эди.

Яхудийлар маҳалласида ҳеч ким у билан ўйнамасди, чунки у яхудий эмасди-да.

Эски дўстларга ҳаяжон билан қарайсан, эски жазманларга эса жирканиш билан.

Шу тахлит аста-секин ён-атрофинг бўшаб қолади.

Мактуб ҳам кутмай қўясан.

Унутиш мумкинлигига ишонмасдинг, мана, унудинг ҳам.

Аккордеон овозини эшитмаганингга ҳам анча йил бўлди...

Унга аглаҳ эканини қандай айтасан, ахир, у йигирма йил қамоқда ўтирди ...

У ўлимдан қўрқмасди – ҳар қалай,  
бировнинг ўлимидан қўрқмасди-да.

Кўхна, серодам оиласлар фаранг романларида бўлади –  
ака-укалар, тенгдош жиянчалар, шаҳар ташқарисидаги  
кенг ҳовлилар ва яна қайноқ ёз.

Орадан саккиз йил ўтгач у аёлнинг телефони ўша кеч  
ишламай қолганини билди.

Битта-ягона шеърда қанчалар маҳмаданалик бор.

Бир хомтамаликнинг ўтмиши.

Қовоқхона «Гўзал Севилья» деб аталарди.

Кальвос ва Соломос йигирма йил  
бир шаҳарда яшадилар ва ҳеч қачон бир-бирларига  
юзма-юз келмадилар.

Сен ҳеч қачон дафн маросимларида йиғлаган эмассан.

Унда, эски журналларда, уларнинг бари энди ўлиб  
кетганлар.

У ҳатто ўша аёлнинг  
телефон рақамларини ҳам севарди.

Ҳамиша икки тоифа бор: арбоблар ва томошабинлар.

Эслаяпман, эсимда бор, демак,  
ўзим ҳам ҳали борман.

Столининг тортмасидан у отасининг ёзишмалар  
дафтарини топиб олди.

Интеллектуал жасорат мавжуд эмас.

Яшадик, яъни вақтичөглиқ қилдик.

Эсдаликлар ишлаб чиқарувчи корхонаман.  
Яна ёмғир ...

Сен мендан бор-йўғи етти ёш каттасан – аммо  
Испанияда жанг қилишга улгурдинг.

Инсонпарварлик мақсадида қилинган ёвузлик!

Сўзларни ахтариб-ахтариб, мана, ёлғон сўзлашга ҳам  
тушдилар.

Ҳақиқат сўзини муқаррар катта ҳарф билан ёзишни  
исташи асабига тегарди.

«Мундарижа»даги сарлавҳаларнинг ўзи, агар уларни  
бирин-кетин ўқисанг, янги шеърга айланади – энг яхши  
шеър: ортиқча сўзларсиз, маҳмаданаликсиз, ясамалик-  
сиз, безаксиз.

Сен ҳам қариб қолдинг.

У изларди – сўзларнинг ортида ҳеч нарса йўқ эди.

Ҳақиқатга талабгорлик – қанақа ҳақиқат?

Нақадар гўзал китобларни ёзамиш, нақадар нафис  
кўшиқларни куйлаймиз, нақадар латофатли дағн маро-  
симларида йиглаб ўтирамиз.

Сукут.

Ниҳоят, улар яна ўша сўзларга қайтдилар:  
дўстлик, тушуниш, ишонч.

АРИСТОТЕЛИС ВАЛАОРИТИС  
(1824 – 1879)

## ДИМОС ВА УНИНГ МИЛТИФИ

«Болаларим, қаридим мен. Олтмиш йил ортда.  
Эллик йилки түйиб ухлаганим йўқ, охир чарчадим,  
уйқуга кетаман энди. Юрагим тинди, бўлди адо.  
Даре бўлиб оккан қонлар тушди сўнгги томчисигача.  
Уйқуга кетарман энди. Буталарни кесинглар.  
Навниҳол бўлсин, ҳали суви қочмаган, салқин новда.  
Новдани тўшанглар ва мени шох-шаббалар устига  
ётқизинг.

Ким билади, вақт ўтиши билан  
қабрим тепасида гуллар қай дараҳт!  
Қад ростласа улкан чинор, унинг қуюқ соясида  
ёш ўғлонлар милтиқларин осарлар шохга.  
Ёшлар менинг ва сафдошларимнинг жасоратини этар-  
лар мадҳ.  
Сарв дараҳти ўсиб чиқса,  
кора аздорлик кийимин кийса,  
қариялар ёш дараҳтга  
пишган мева териш учун келарлар,  
яраларини юварлар ва Димосни оларлар ёдга.

Олов ўғирлади шамширимни, кучимни олди йиллар.  
Вақтим битди. Керакмас кўз ёш.  
Ўғилларим, бардам бўлинглар.  
Жангда тобланган ботирнинг ўлими  
ёшларга ҳаётни қолдирап мерос.  
Яқинроқ келинглар. Атрофимни ўранглар.  
Бош устимга эгилиб кўзларимни ёпинглар,  
оқ фотиха олинглар мендан.  
Кенжা ўғлим, баҳодирим тоғ чўққисига чиқсан.  
Милтиғимни олсин қўлга, содик пилтамилтиқни.  
Самога уч марта ўқ отсин ва қичқирсун уч бор:  
«Кекса Димос кетди бизни ташлаб, адо бўлди Димос!»

Тоғ дараси оғир хўрсинар, қоя айтар марсия,  
тоғлардаги арвоҳлар қўзғолар ва жўшар ирмоқлар  
ва тоғлар бошидаги  
салқин шабадаларнинг нафаси сиқар,  
шамоллар мадорсиз қанотларин пастга туширап,  
бу уввосни илиб олиб тарқатишдан чўчир,  
тарқатса кўхна Пинд ва Олимп эшитар,  
мангу қорлар эриб кетар ва қуриб қолар шоху буталар.

Югур, болам, шошилгин. Чиқ энг юксак чўққига.  
Уч бора отилсин милтиқ. Уйқуга кетарканман мангу,  
бу гумбур-гумбурни эшитай сўнгти бор, сўнгти бор».

Ёш баҳодир чопар оҳу каби. Қояга чиқар шиддаткор.  
Тоғнинг чўққисига чиқиб бақирап уч бор:  
«Кекса Димос кетди бизни ташлаб, адо бўлди Димос!»  
Қояларни тутди қалтироқ, жарликлар отилар ингрок.  
Баҳодир биринчи бор отар. Иккинчи бор ҳам отар ўқ  
Ва, ниҳоят, мана охирги, учинчи бор.  
Шонли пилтамилтиқ  
ўқирап, ёввойи ҳайвондай ҳайқирап, оғзини очар  
ва ёрилар, қўлдан тушар, йиқилар яраланган ботирдай,  
қоядан жарликка, дарёга йиқилар – энди йўқ у,  
энди у йўқ...

Димос бу гумбурлашни эшитди, чукур уйқу ичра эшитди  
ва жилмайди, кейин мангу уйқуга кетди...  
Кекса Димос кетди бизни ташлаб, тамом бўлди Димос!  
Баҳодирнинг салобатли руҳи учар,  
самодаги милтиқ гумбуруни учратар,  
биродардай бағрига босар,  
булутлар ортига кетар –  
сўнар, энди улар йўқдир,  
йўқликда...

## АТИРГУЛ ВА ШАБНАМ

Нафис,  
енгил,  
нозик  
шудринг томчиси айтди  
оқшом пайти алвон атиргулга,  
илк юлдузлар остида,  
ташналиктан қақраган лабдай  
оҳиста очилиб ётган,  
шабнам түқилсайди дея  
ўпични кутаётган  
атиргула.

Нафис,  
енгил,  
нозик бу шабнам айтди:  
«Эй қонмаган, ташна атиргул,  
қайдан билдинг менинг келишимни  
ва сокин қалбингга  
оҳиста қўнишимни?  
Буни сенга айтдими ирмок  
ёки айтди булбул –  
ул ишқи сайроқ?»

«Йўқ, бу булбул овози эмас  
ва ирмокнинг гурроси эмас.  
Олов қайнар эди қонимда.  
Кел, қалбимни тирилтири, шабнам.  
Тонгда сўлиб қолар баргларим,  
ёшлигимнинг олови ҳам».

Никоҳ узуги каби кўкда ой,  
ой шуъласи олтиндир – сўлим...  
Битта оқшом яшайди улар.  
Битта кеча – сўнг ширин ўлим.  
О, шўрликлар... Кимда бор, айт,  
бундай оғир тақдир,  
бундай ширин баҳт!?

## БЕЛЬГИЯ

КОНСТАН БЮРНО  
(1892 – 1975)

### **БУ ҲАҚДА ЎЙЛАБ КҮРИНГ**

Бу телбалик ҳақда ўйлаб күринг,  
ёлғизлиқда  
шеър ёзиб ўтирган инсоннинг  
ўта муқаррар,  
ўта беозор  
телбалиги ҳақида ўйланг.

Ўйлангиз, у ўзин қай ҳолга солди!  
У бу онда қарта ўйнаб туриши  
ёки бўкиб ичиши,  
ё рақс тушиши,  
ёхуд кинога жўнаши мумкин эди... Аммо у  
қандайдир тиришқоқлик билан  
ўзини унутиб шеър қораламоқда.

Бечоранинг узлуксиз  
сабри ҳақида ўйланг, у  
истеъодини замондошлари қачон,  
қанчалар эрта-кеч тан олишларини ҳам  
билмайди, аммо,  
шунга қарамасдан,  
шеър ёзмоқда.

Замондошлари тугул ҳатто  
хотини ҳам тушунмайдиган,  
хотини ногоҳ тушуниб қолса,  
кувончдан ўтакаси ёриладиган одамнинг

ўта ошкора,  
ўта беозор  
улуғлик васвасаси,  
кибри ҳакида ўйланг.

Бунақа шеър ёзадиган,  
шеъриятга ишонадиган,  
сўзлар билан дўст тутинган  
савдойи одамнинг, эҳтимол,  
ишхонасида кутиб турган  
тинкақуритар машмашалар,  
ноқулайликлар ҳақда ҳам ўйланг.

Ўйланглар бу азобга ботган,  
азоблари ўзига ёқадиган,  
азобларга қарамасдан  
(яна бизнинг шу замонда-я!)  
шеър ёзаётган одам ҳакида.

## ИСПАНИЯ

МИГЕЛ ДЕ УНАМУНО  
(1864 – 1936)

\*\*\*

Күним битар. Хотирага айлангум,  
оз қолди, мозийга бўларман сургун.  
Ўтмиш сахросида, дўстлар, хокимни  
қўмлар орасидан излангиз ул кун.

Ўлимнинг қўлидан қумдай тўкилиб  
кетарман, оғриқдан қутуларман шаҳд:  
мен ҳаётга қаттиқ боғландим, лекин  
ҳаёт – бу охири ҳалокатли дард.

Жасадим хок бўлиб тўкилса ҳам гар,  
гарчанд икки-уч бор маърака қилиб  
ўтказарсиз ўлди-ку деб маросимлар,  
қўлингизда тириламан яна, билинг.

Бу китобни қўлга оларкансиэ, сиз  
мени қўлга олаётирсиз, чироғим.  
Шеърим танингизни титратар, ана,  
секин ўтаётир сизга титроғим...

## ФРАНЦИЯ

РОБЕР ДЕСНОС  
(1900 – 1945)

### **ЭПИТАФИЯ**

Суронли асрда яшадим мен. Ўлдим аллақачон.  
Нима келса – тайёр эдим, қилмадим фарёд.  
Зиндонда ётарди виждон, номус ва иймон.  
Куллар орасида эдим гарчанд, мен – озод.

Суронли асрда яшадим, ғам қилмади, қўзларимни кўр,  
Ернинг кенглигини кўрдим, самовотни кўрдим лол.  
Алмашиб турарди кун-тун, зулмат билан нур,  
Қуш нағмасин тинглаб гоҳи яладим ҳам бол.

Тириклар! Энди булар бари – сизнинг насиба.  
Асраяпсизларми ерни? Шудгорландими шу он?  
Ҳосил олдингизми? Чиройга тўлдими у кун мен  
Яшаган, курашган бетимсол макон?

Тириклар! Биз энди чангмиз, тупроқмиз алҳол,  
Ерни ҳайдайверинг, чопинг, босинг бемалол...

## ХИНДИСТОН

ШУКАНТО БХОТТОЧАРЖО  
(1926 – 1947)

### **УФҚҚА ТЕРМИЛИБ**

Тириклик риштаси узилар  
ва юэсиз вакт  
вужуддан нафасни,  
хаётни шимирад.  
Зах тортган,  
бемор замин осилар коинотга.  
Данаклар, дараҳитлар ва жониворлар  
ажалолди мудроғида алаҳсирайди.  
На олов бор, на бир қатим нур.  
Юлдузлар – күз илғамас хира нұқтачалар,  
әкинлар чалажон.  
Аммо  
барча мұйтабар ақидаларга күра,  
бу қадар зим-зиё түн,  
бу қадар қоп-қаро зулмат  
фақат тонг олдидан келади,  
дүстлар,  
ёруғ тонг олдидан!

### **ВУЛҚОН**

Мен ўзимга гоҳо  
ухлаётган вулқон,  
мудраётган тоғ бўлиб туоламан.  
Ёнганимдан қолган  
кулларим орасида  
зўрга милтиллайди  
куруқ чўғ.  
Асрлар бўйи чўзилар  
воҳада  
йўлбарс уйкуси.

Сиз бўлса шоирнинг устидан куляпсиз,  
эҳтиёт бўлишни унутиб.  
Мени тупроқнинг чанги, дейсиз, тўзони...  
Аммо порттайман, кутинг!  
Ҳозир жилмаяман – оҳиста, ҳазин.  
Қалбимда эса ловуллар оловли лава.  
Уйқусираган кўзларим билан қарайман,  
назар соламан тош уйларнинг башарасига,  
сердераза тушларнинг  
исталган қаватига,  
ҳароратли чироқларга,  
очқўз бармоқларга,  
масхарабоз бу тун  
ёвузликнинг мушакбозлигидан ёришар.  
Огоҳ бўлинг!  
Жаннатда яшаётганингиз йўқ,  
Жар ёқасида турибсиз,  
вулқон оғзида...  
Озгина қолди –  
отилар вулқон. Ёниб кетар бутқул  
ёвузликнинг қароргоҳи!  
Ҳа, мен вулқонман. Мен  
Везувий ва Фудзияма билан бирман.  
Мен – энг сокин, энг итоаткор.  
Мен – ҳеч ким, мен – жарлик.  
Аммо менинг сокин юрагимда  
исёнкор ёнгин бор,  
чақмоқлар рақсга тушар унда,  
овозсиз оловнинг уммони ёнар!  
Майли, байрам қилинг –  
сизда ҳамма нарса етиб ортар, тужжорсиз  
олам бозорида сиз.  
Аммо сиз вулқоннинг оғзида –  
шоирнинг назаридасиз...

## ИОРДАНИЯ

ИССАМ ҲАММАД

### **ТАБИАТНИНГ ШОИРГА АЙТГАН СҮЗЛАРИ**

Мени қўй.  
 Гўзаллигим ҳақида  
 қасидалар куйлашинг  
 жонимга тегди.  
 Сатрларингда  
 уйқусираб тотилган ҳислар,  
 ойнинг шуъласи,  
 гулдан тараған атиrlар,  
 новдаларнинг шитирлаши  
 ва ирмоқларнинг шилдираши мадҳ этилар...  
 Жонимга тегди  
 бундай сатрлар.

Сенинг кўзларинг  
 туннинг милтираган ёғдусидан  
 қандай баҳра топар,  
 минглаб одамларнинг нигоҳларидан  
 армон, ғазаб  
 ва қуллик  
 дунёга боқаётган пайт?!

Тун сукунатини  
 оч-ночор қардошларингнинг  
 инграшлари бузаётган дамда ,  
 қандай қилиб ойга термилиш  
 ва ошуфта қушларнинг  
 шўх сайроғини тинглаш мумкин?  
 Умиднинг нурлари,

ооздлик уури,   
ғамсиз күзлар,   
адоватсиз диллар!   
Сизларсиз табиатнинг,   
заминнинг ва самонинг,   
куёшнинг ва сувнинг   
гўзаллиги кераксизdir!

Мен Кудратли Ақл,   
Абадий Дарёдан яралганман!   
Оддий тоштарош   
менинг сарзаминимга кўп асрлар   
мехнатини сарфлаган.   
Офтоб нуридан қорайиб кетган   
фаллоҳ тиллоранг узум шингилларини   
шаробга айлантирас   
ва дехқон ерга уруғ ташлар...   
Менинг уларсиз қимматим борми?

Мени қўй.   
Гўзаллигим ҳақидаги қасидалар   
жонимга тегди.   
Одамлар ҳақида ёз!   
Ҳар лаҳзангни   
қайғуга ботган юртингга   
бахш эт.   
Қарига ва ёшга   
умид беролгин,   
қалб қонинг билан   
тонгги юлдуз бўлиб порла,   
исёнкор юрагинг ҳаприқиб,   
қардошларингни   
эзгуликка,   
тинчликка чорла.

## АМЕРИКА

ЭДНА СЕНТ-ВИНСЕНТ МИЛЛЕЙ

### **МУСИҚАСIZ МАРСИЯ**

Замин беҳад миннатдор,  
аммо мағур инсонларнинг бирин-кетин  
қабрга, ерга кетишларига  
мен ҳеч қачон күниколмайман.

Шундок үзи, шундай бўлган ва шундай бўлади мудом:  
Кимдир обрў билан, кимдир бешону шухрат,  
охири бир кун  
жимгина ерга кириб кетаверади.  
Лекин мен бунга күниколмайман.

Ҳаммангиз кетасиз ер тагига,  
тўпланасиз севиклилар, донишмандлар.  
Ҳаммангизни ўлим хокка айлантириб тўплар бир ерга.  
Куринг, ёзинг, изланг, кулинглар ва орзуланинглар!  
Формулангиз, сўзингиз қолади –  
асоси сиз билан кетади гўрга.

Ижод ва хайратлар, кувноқларнинг янгрок қулгуси!  
Ҳаммасини ютар қабр, лаҳаддаги совуқон зулмат.  
Қабрлардан унар ёрқин лолақизғалдоқлар,  
Аммо сизларнинг кўзларингиз офтобда ловуллаган  
лолақизғалдоқ алвонидан ёрқинроқ эди.

Чуқурга, қўйига, пастга – қабрнинг қаро зулмати томон!  
Инжа, хокисор одам жимгина киради ерга,  
найлай ман?  
Ботир кулиб кирав ерга, оқил хотиржам беради жон...  
Биламан. Аммо исён қиласман.  
Ҳаммани ер олишига күниколмайман.  
Ҳеч қачон.

## ЭРОН

### ЭХСОН ТАБОРИЙ

#### **САНЪАТ**

Шеърият яралмас, гар бўлмаса дард,  
Санъатга илм ўзи етмоғи гумон.

Ёнғин ловуллаши учун учқун шарт:  
Музлаган кўнгилда ёнмас ҳаяжон.

Сўзамол Саҳбоннинг қалбидаги ўт,  
Сўзидаги вулқон, тилдаги шиддат  
Қалби тош, гунгларда бўлмагай буткул.  
Шеърият яралмас, гар бўлмаса дард.

Қайсар, исёнкорлар дилларида дард,  
Ярашар энг оташ сўзни айтсалар.  
Азобдан туғилар асл шеърият –  
Қаро ердан унар... яшил майсалар.

## СУРИЯ

### ШАВҚИ БАҒДОДИЙ

#### **МУҲАББАТ ЯШАЙДИ ҲАММА ЗАМОНДА**

Ишқ замони эмас  
бизнинг бу замон.  
Ишқ овозин кўмгин.  
Күёшни сўндири.  
Бугун бори олам – жанг учун майдон,  
Шиори – «зарба бер», «чавақла», «ўлдир».  
Ўлдиргина ё жанг қил ўзинг ўлгунча.  
Нафрат қўнғироғи янграр басма-бас,  
Бу замон жанг вақти,  
ишқ вақти эмас.

Йўқ асло, қалб улкан меҳрга тўлиқ,  
Кўнгил кенг – унда жой бордир оқ-ойдин.  
Севган диллар истар ишқ оловини.  
Мен севиб заифмас, баттар кучайдим.  
Мени ўз домига тортмас сукунат,  
Мени жангга чорлар, асли, муҳаббат.  
Мен милтиқни бир қўлимгага оламан,  
Бир қўлимда эса най,  
Илоҳий ишқ куйин чаламан...

## ПОРЛОҚ ҲАЙРАТЛАР ЧАҚИННИ

Чин шеър ҳамиша тоза туйғудан туғилади. Тоза туйғу эса ойдин тафаккүр ва порлоқ ҳайратлар мевасидир. Ўйчили ойдин, таникли журналист Абдулкарим Баҳриддин болалик йилларидан шеър ёзар, аммо уларнинг босилиб чиқишига кўпда қизиқавермасди. Нихоят, шоир ўзининг поэтик яратиқларини бир китобга йиғишга жазм этибди. Кўлингиздаги тўпламда Абдулкарим умр бўйи ёзган шеърларидан энг саралари ўрин олган. Улар шоирнинг болалик, ўспиринлик, йигитлик, балоғат босқичларида туйган чин ҳайратларидан юзага келган порлоқ шеърий чақинлардир.

### Болалик ҳайратлари

Бадиий адабиётда ҳар қандай ижодкор, ҳатто фантаст ёзувчи ҳам бир умр ўз болалигини ёзади деган қарашибор. Бу қарашибор ижодкор руҳоний дунёси шаклланишида болалик хотиралари ҳал қилувчи ўрин тутишидан келиб чиқкан. Шоир Абдулкарим Баҳриддиннинг кўлингиздаги китобида ҳам турли йилларда яратилган, аммо бевосита болалик хотираларидан сувланган бир қатор шеърлар бор. «1962 йил 2 январь» деб аталган шеърда шоир ўзининг дунёга келиш ҳолатини манзаралаштирган. Шеърда ўғил кўриб элга тўй беришдан кўкраги кўтарилиган ота, ўз баҳтидан уялаётган она, чақалоқ туғилганидан қувонаётган яқинлар ҳолати жонли чизилган:

Замҳарир қишиши қайраган чоғ  
Бир кишига кўпайди дунё.  
Йўқ, ўрнидан кўзгалмади тоғ,  
Ўзанидан чиқмади дарё.

Отам хурсанд, уялар онам,  
Мен йиглардим, ҳамма куларди.  
Тоғ ўрнидан кўзголмаса ҳам,  
Бир силкиниб қўйса бўларди.



Ўзининг дунёга келиши шарафига тоғнинг қўзғалмагани, дарёнинг ўзанидан тошиб кетмаганидан бир оз оғринган шоир мавжуд ҳолатни шунчаки қайд этиб қолмай, «дунёни бир кишига қўпайтган» шахснинг моҳиятини идрок этишга интилади:

*Кўзларимни ҳайрат-ла очдим:  
О, поёнсиз, нотаниш олам!  
Бахтни севиб ортидан чопдим,  
Мени эса севиб қолди... Fam.*

Очуннинг мураккаблиги, унинг болалик тасаввуридаги каби жўн эмаслигини шоир: «Бахтни излаб мен тополмадим, Лекин мени излаб топди Fam» йўсинида ифодалайди. Абулкарим бежизга «Fam» сўзини бош ҳарфларда ёзмайди. Имло қоидаларини бу тарзда бузиш олам ва ўзини англамоқчи бўлган инсон ҳаётида ғамнинг кўлами қанчалигини туйдиргандай бўлади.

Абдулкарим Баҳриддин 1979 йили ёзган илк шеърларидан бирида: «Рұхим, хатарлидир бу қўрқиши, ётаверсин уйкуда титроқ Орзу – қанотлари учкур қуш – парвоз қилур тобора тикроқ», – дейди. Ана шу иқрорда бўлажак ижодкор шахсиятига хос максимализм, юксак туйғуларни баланд пардаларда кўйлашга интилишнинг илк илдизи намоён бўлган.

Абдулкаримнинг ўн етти ёзган «Ургут ҳақида кўшиқ» шеърида юртнинг тоғи, чинори, музли қиши, гўзал қўклами, алвон чечаклари, чўнг чўққилари, тоза шамоллари ўспиринлик ҳайратлари оғушида тасвиrlангани ҳолда ватан туйғуси балофат ёшидаги шахсникидай ифода этилади: «Севмай бўлмас ёниб, ҳайқириб, кучогини тарқ этган кунинг – согинчлари қайтарар тирик, армонлари ўлдирап унинг». Каримнинг ўспиринликдаги шеърларида юрт бор-у, юртдошлар кўзга ташланмайди. Зоро, шоир ҳали ватанни ташқаридағи тупроқ тарзида тушунади. Улғайгани сари унинг руҳият мулки кенгайиб, миллатдошлар ҳам шоирнинг ватан англамидан чиқмас бўлиб жой олади.

Шоирнинг 1979 йили ёзилган бир шеъри «Ачинмасман вақт, ҳавасларга, Ачинаман... ёнолмасларга» сатрлари билан тугайди. Вазну оҳанг борасида сакталик сезилиб турган бу шеър туйғулар самимияти ва ниятнинг улканлиги билан ўзгача қиммат касб этади. «Уйғониш» шеърида кўкламги янгиришларнинг ўн олти ёшли ўспирин қалбига яшинвор таъсири «Энди бўлмас хонада ётиб, Кўчаларга отаман ўзни. Орзу қўймас юракка ботиб, йтли сўзлар ёкар бўғизни» тарзида тасвирланади. Бўлажак шоирнинг безовта юрагидаги ўтли сўзлар алангаси тенгдош ва замондошлар руҳияти пучмоқларини ёритишга қаратилган.

### Севги ҳайратлари

Чин шеърият ҳамиша ишқ сурури ва айрилиқ азобларининг изҳоридир. Ушбу китоб ҳам бу туйғу ифодасидан холи эмас. Абдулкарим Баҳриддин ўн беш ёшида ёзган бир шеърини «Бевафолик қиласанг бир кун, водариг, Қарғишим шу: урса, сени ишқ урсун!» тарзида якунлайди. Қарғиши либосидаги бу алқовда севган кўнгил ҳолати самимий акс этган. Юртнинг гўзаллигидан туғилган узлуксиз ва давомий ҳайратни шоир бир тўртликда худди ягона қўшма гап сифатида ёзади. Тиниш белгиларини ҳам шундан келиб чиқиб қўллайди. Бу ошиқ юрак кечинмалари таъсир дараҷасини оширади:

*Бунда тунлар энг митти терак  
үсавериб юлдузга етар;  
кувончиға чидолмай куртак  
новдаларда ёрилиб кетар.*

Юксак туйғулар оғушида маст шоирни фақат «мен севган шу тилсимли дунё кирмас сенинг тушларингга ҳам» деган хавотиргина безовта қилади. Шоир кўнглига оламнинг жаннатий гўзаллигини жойлаган ҳолат суюклисига туюлмай қолишидан чўчиди.

«Ишқ марсияси» шеърида туйғуларини севгилисига билдиримагани боис унинг висолига етолмаган ошиқ руҳиятининг қон тусидаги қонсиз фожиаси таъсирли чизилади:

«Нега кулай десам, сизиб чикар ёш, Нега оҳ чекканда, сачраб кетар қон? Ахир, топганим йўқ сизни, қаламқош, Йўқотганим ҳам йўқ, демак, ҳеч қачон». Севмоқнинг ўзи мағлублик эканини билган шоир суюклисидан айрилишни тириклик мазмунини йўқотиш деб ҳисоблади. Сездирилмасдан туриб айрилиқка йўлиқкан севги эса даҳшатли фожиа. Чунки севгувчининг кўнгилда ишқим жавобсиз қолди деган таскинга ҳам имкони йўқ. Шоир шундай оғриқка йўлиқкан юрак эгасининг қонталаш руҳияти манзарасини чизади.

Оlamдаги барча ошиқлар учун универсал бўлган ҳолатни «дунёда баҳт йўқдир васлингдан бошка» йўсинида оҳангдор тасвирлаган шоир умумий кайфиятнинг хусусий ифодасини топа билади. Шеърда, мумтоз лирикамизда бўлганидай, «Орзусига етишган барглар ҳазон бўлиб қулар пойингга» каби одатий ташбеҳлар кўлланса-да, ошиқ-маъшуқа муносабатига ёндашув янгичалиги боис, ўзгача таъсир қиласи. Шоирнинг «Янгиликмас дунёда севмоқ Айрилмок ҳам қашфиёт эмас» шаклидаги қаноати ишқ ҳайратлари ифодасининг таъсир кучини оширади.

«Фақат ишқ» шеъридаги: «Эй Худо! Ҳаммаси бунчалар оддий? Бунчалар шунчаки жўн ва сафосиз?! Тонг отади шундоқ, шундоқ кун ботар, бундоқ ториқарли бу ҳаёт, эсиз...» нидосида мавжуд ҳолатдан қониқмаган ошиқ юрак кутқулари акс этган. Шоир: «Бўлиши керак-кунимадир мангу, Яшаш, ёниш учун муқим бир асос! Эркинлик қайдадир? Қайдадир ҳурлик? Қайдадир мұхаббат? Қайдадир қасос?» тарзидаги саволларга жавоб излайди. Шоир олам тартиботларини ислоҳ қилмоқ, уни тоза ва ёник юрак талабларига мувофиқлаштироқни истайди.

Шоирнинг севги туйғуси ёник ва эвазсиз. Унинг «О исёнчи кўзлар, покиза чирой, яширдим эл кўриб қотган кўзимдан, Мен Сизни бировга кўрмадим раво, Мен Сизни асрардим ҳатто Ўзимдан» тарзидаги иқорорида йирик севги туйғуси ёник акслантирилган. Унда суюклисини тоза бўлмаган ўз назаридан-да асраган ошиқ ҳолати қабариқ ифода этилган.

Барча шоирлар каби тушунилишни истаган Абдулкарим Баҳриддин ҳам: «Қалбимга етмади, васлимга ет-

ган», – дейди ичкин бир дард билан. Абдулкаримнинг ошиқона шеърлари муҳаббатгина яшашга арзийдиган туйғу эканини таъсирли ифода этиши билан ўқирман ёдида қолади.

## Эрк ҳайратлари

Абдулкарим Баҳридиннинг шеърларида «одам», «миллат», «ватан» тушунчалари ҳамиша эрк ва озодлик фоялари билан бақамти келади. «Эврилиш» шеърида шароит билан келишишга маҳкум шоир қўнгил ҳолати «Бугун ўлтирибмиз чивинни қўриб, Энди қўрқмаса ҳам бўлади биздан» тарзида надомат билан ифода этилади. 1983 йили битилган «Сочимга оқ тушди» шеърида сочга тушган оқ толалар оригинал талқин этилади. Шоир қора сочга тушган уч оқ толани юртга яширинча кирган уч айғоқчига ўхшатади. Сочнинг қоралигини, яъниким юртнинг дахлсизлигини саклаш учун уйғонишни лозим билган ёш шоир қоракўз ёрга илтижо қиласди:

Қоракўз, силагин, тароқ қил қўлни,  
Уйғот, кулогимга сўзла уйғонч сўз.  
Бўлмаса, ҳар куни қорасоч элни  
Бир-бир ўлдан ураг бу учта жосус.

Бу шеърда уйғонч сўзга муштоқ шоирнинг эркка талпинган кўнгли истаклари ёрқин ифодасини топган.

«Замонавий даҳо» шеърида шоир кейинги вақтда юртдан даҳолар чиқмаётгани сабабини одамлар шахсияти синдирилгани билан изоҳлайди. Қўрқитиб ёки сотилиб синдирилган «даҳо» ҳолати: «Унвонни қўттармай бўйни эгилган, бўйни эгилганга берилган унвон», – деб ғоят ўзига хос изоҳланган.

«Амирқул Пўлкан» шеърида қаҳрамон номидан битилган «Эрмакка ёзғаним ўйқ, куийб-ёниб яшадим» тарзидаги қаноат шоирнинг ўз битикларига ҳам тегишли. 1984 йили ёзилган «Тилак» шеърида Абдулкарим: «Озод Ватаним деб куйлайсан, Айтганинг келсин», – деб орзуланади.

Шоир бир шеърида миллатнинг уйғониши шундай юз беришни тилайди:

### ТҮСАТДАН

Тарсиллаб ёрилар куртак,  
Қизарар уятдан шафтоли гули,  
Қарсиллаб ёрилар момогулдурак,  
Жарликлар хұрсинар бехос қайгули...

Шеърнинг кейинги уч бандида юқоридаги ҳолатга монанд тарзда күтилмаганда сахроларда эпкинлар кезиши, асрий қорлардан сув келиши, хұмдаги жинларнинг асоратдан қутулиши, девларнинг ғорлардан чиқиши, эртаклар бағридан қанотли отлар чиқиб келиши, аёллар беланчакка сиғмас гүдаклар туғиши, күр күзларнинг очилиши, гүнгілар тилга кириши, музейдаги қиличлар ботирларнинг күлига тушиши тасвир этилади. Шоир атроф-жавонибдаги бунча ўзғариш миллат руҳига-да күчишини истайди:

Воҳ, охир тугайди минг ийлдан буён  
Нафасини ютган ернинг жимлиги.  
Куртаклар ёрилган шу тонг ногаҳон  
Халқимнинг ёдига тушар кимлиги.

Абдулкарим Баҳриддин ватанин эрк билан биргаликда идрок этади. Ватан эркини ватандош ҳурулигига, ватандош озодлигини ватан эркида күради. Шу боис ҳам «Ватан» сүзи юракларга титроқ солиб, айтган ва әшиттан шахсда қутлуғ сезимлар уйғотишини истайди. «Чўлпон дарди» шеърида: «Сен «Ватан» деб туриб овқат ютарсан, Мен ютарман қон. Тамаки чекарсан «Элим» деб сўзлаб, Мен чекдим афғон», – дейди. Шоирнинг ватаний шеърларида эзгу амаллар покиза туйғулар уйғотиши са-мимий куйланади.

## Улғайиш ҳайратлари

Китобдаги кўпчилик шеърларда олам ва одам мөхитини англамоқ истаган шахс руҳияти акс этган. Шоир улғайиб, олам ва одам сир-асорорини илғагани сари ҳайратлари ортиб боради. У фақат кўнгил истаги ва ҳаяжон етовида ҳақиқатга етиб бўлмаслигини яхши англайди. Шунинг учун умрини тўрт фаслдан иборат деб билган шоир «уч фасл мен қалбга буюрдим, буёги куз – буюраг юрак» деган тўхтамга келади ва юраги буюрганини бажаришга аҳд қиласди.

Абдулкарим – йирик сезимларни кўрнакли ракурсларда тасвирлайдиган шоир. Унинг битганларида қувончу изтироб, топишу йўқотишлар ҳам йирик ва қабариқ «Қабртошга ёзувлар» шеъридаги бир қадар шафқатсиз ифодалар ана шундай сезимлар натижасидир:

*Сен севган ойдай дилбар  
Бегонага кулади.  
Сен ўрнингдан турмайсан...  
Яхшиямки, ўлгансан,  
Яхшиямки, кўрмайсан.*

Ўлганликдан таскин топиш – шеъриятда ғоят кам қўлланиладиган ифода усули.

Шоир умринг мазмуни тўғрисида тинимсиз ўйлади. Унинг бир шеъридаги «Куним – кипригимдан томаётган ёш, юрагим – чирсиллаб синаётган тош. Шу тошга бошимни уриб бешикдан токим тобутгача қилурман бардош» сатрлари юраги буюрганидай яшашга интилган собир инсон кайфиятини англатиши билан ардоқли.

«Сўнгги автопортрет» шеъридаги:

*Бош устимда йиглар аллаким,  
шивирлайди оғриниб, эзиб.  
Айтганимни шамолга бердим,  
ёзғанларим юрар юрт кезиб.*



Оҳ биламан, дафтарим ярим,  
юрагимда қолар бир күчкін.  
Сиз, ёзилмаган шеърларим,  
энди сизни ёзмайди ҳеч ким, –

сатрлари улғайған шоирнинг ҳаёт түғрисидаги мардана  
ўйлари ифодасидир.

### Ожизлик кудрати

Абдулкарим Баҳриддин не учундир «Ушшоқ» деб номлаган шеърида оловдай ёниб турған ёш йигит ҳам дунёга боғлаб қўйилмагани, унинг жони-да омонат эканини жонлананаётган гўзал табиат ва жонсизлананаётган йигирма уч яшар йигит ҳолатининг чоғиштирма тасвири орқали ўта таъсирчан акс эттиради:

Шамоллар уйгонди. Барг ҳаяжонда...  
Ҳатто ер тагида кўзголди илон.  
Дунё тирилаётган шутоза тонгда  
Ўлгим келмаяпти, онажон.

Ўнгирларда елар муздай ҳаволар,  
Ишқалаб қабогин кўтарар осмон.  
Дунё кўзларини очаётганда,  
Мен кўз юмайинми, онажон?!

Шеърнинг кейинги бандларида теварак-атрофдаги уйғониш ва жонланиш жараёни билан бемор ўғлоннинг мангу уйқу ва жонсизланиш томон бораётгани бири-биридан таъсирли қиёслар асосида кучайтириб тасвирланади. Шеър «Мен ҳали дунёга тўйған ийӯк эдим, Дунё тўйдимикин мендан, онажон?» тарзидаги одам жавоб беролмайдиган нидо билан тугалланади. Шеърда ўлимнинг олдида ожиз эканини англашдан яшашга интилиш кучи пайдо бўлган йигит руҳий ҳолати ишонарли чизилган.

Шоирнинг инсон қудрати унинг ўз ожизлигини се-

зишда экани борасидаги қаноати негадир бир хилда «Тиловат» деб номланган икки достонида, айниқса, таъсирли тасвирланган. 2007 йили ёзилган, «Тунги муножот» ва етти бўлимни ўз ичига олган биринчи «Тиловат» достонида Каримнинг олам ҳодисалари моҳияти борасидаги оғир ўйлари, ўз амалларининг чин баҳоси нимада экани тўғрисидаги оғрикли иштибоҳлари акс эттирилган. Шоир ўз руҳий безовталигини «Ерданми, кўқданми келар бу наво, Менинг ичимданми, билолмай қолдим. Ёйиглар кўп яшаб чарчаган Дунё, Ёз яшайман деб йиглайди Қалбим» йўсинида ифода этади. Шоир одамнинг ҳар бир қадами эзгулик сари ташлангандагина илоҳий моҳиятга мувофиқ бўлишини «Гар Каъбага томон бўлмаса, гуноҳ босган ҳар қадамимиз. Юракларда иймон бўлмаса, гуноҳ олган ҳар нафасимиз» йўсинида тасвирлайди.

1984 – 1995 йилларда яратилган саккиз бўлимдан иборат «Тиловат» достони бадиий кучи, тасвир самимияти, акс этган туйғуларнинг юкумлилиги жиҳатидан китобдаги бошқа битиклардан ажralиб туради. Асарда шокир шахснинг ташаккури «Ташаккур, бу тонг ҳам яна уйғондим, Ахир, мумкин эди уйғонмаслик ҳам» тарзида ёлқинли ифода этилади. Шокирлик ҳамиша собирлик билан уйғун келади. Шу боис шоирнинг «Аллоҳим, ташаккур дардларинг учун, бошимга тизгинсиз ғамлар ташладинг. Бошим кўкка етди, азобларингга Бандалар ичидан мени танладинг» сатрларида азобга бўлса-да танланганидан, Яратган назаридан четда эмаслигидан хушбахт шахс туйғулари намоён. Раббидан йироқ кимса азоблардан ёзғирган, демакки, исён қилган бўларди. Достон қаҳрамони эса «Ғамлар юборибсан, демак, дунёда Менинг борлигимни биласан» йўсинида мамнуният изҳор қиласди. Шоир жон Яратганники деб ҳисоблагани учун ҳам: «Жоним сеникидир, олмогинг мумкин», – дейди. Яратганга яқинлаштиргани учун ҳам ўлим шоир назарida тириклиқдан кўра азизроқ. Шу сабаб: «Муқаррар бир ажал бу – менинг мулким, Ҳаётим оларсан, ўлимни эмас», – дея нидо қиласди.

Хақни танишга интилгани, эзгулик ва адолатни иста-

гани учун ҳам шоирнинг дили ярали, унга ҳамиша «*бир маъюс ҳасрат*» йўлдош. Бу маъюс ҳасратни бошқалар билан бўлишгиси келади, аммо кулиб турган хурсанд дўстни кўриб, уни қайғуга солишни истамаганидан, буни деб бир умр ташвишда яшаган ота-онасига озор етказгиси келмаганидан, баҳтиёр одамлар базмини бузишни, баҳтисизларни баттар қайғуга солишни истамаганидан, жилмаяётган боласию кулаётган хотини кайфиятига соя согиси келмаганидан дардни айттолмагани ўта ҳаққоний акс эттирилган. Зоро, «*Ғамгин одам ёқмас ҳеч кимга, ғамгиннинг йўлдоши ёлғиз Аллоҳдир!*

Шоир ўзни англамоқ Яратганни топмоқда эканини теран туйгани боис: «*Кечир, мен ўзингни жуда кеч топдим*», – дея тавалло айлайди. Оламлар ва тақдирлар Эгасини топган ва таниган киши «*ерда юрганларга сажда*» қилолмайди. Шу боис қаҳрамоннинг «*Энди факат сенга топинурман жим, Энди сиғинмасман ерда ҳеч кимга*» йўсинидаги тўхтамида ёлғон йўқ. Қисматининг чин хожаси ким эканини билган шахс ўзи каби бандаларга сифина олмайди. Ердаги кимгадир сифиниш Яратганни инкор қилиш, унинг қудратига ишонмаслик белгисидир. Аллоҳга астойдил сифинган зот ҳамма нарсада Яратганни кўради, унинг ҳамиша тирик ва мангу яшashi ҳамда ҳар дақиқада ҳар маконда ҳозирлигию қодирлигига шубҳа қилмайди.

«*Тиловат*» достони бадиий қурилиши жиҳатидан ҳам ўзига хос. Унинг дастлабки олти бўлимни тўртлик бандлардан иборат, еттинчи бўлим эса ҳар бири беш қаторлик олти банддан ташкил топган. Бўлимнинг олтинчи банди олдинги беш банднинг сўнгги мисралари такоридан тузилган. Шоир лирик қаҳрамон муножотининг авж нуқтасини ҳар бир банднинг сўнгги мисрасига жойлади ва олтинчи банд ана шу юксак таваллолар йиғмасидан ташкил топади:

Ўткинчи дунёга ёр қилма, Аллоҳ,  
Инсонни инсонга зор қилма, Аллоҳ,  
Йўллар тор, дилларни тор қилма, Аллоҳ,

*Дарахтни бешик қил, дор қилма, Аллох,  
Хор қилма, хор қилма, хор қилма, Аллох.*

Яратган ҳақида ўйлагани сари шоир тозариш, майдаликлардан узоклашиш кераклигини теранроқ ҳис этади. Шу сабаб «Томчидил» шеърида: «Билдим, күтқаролмас одамни одам, Агар қўл чўзмаса Аллоҳнинг ўзи», – деган тўхтамга келади. Лекин шоир Аллоҳнинг қўл чўзишини одамга унинг-да бошқалар қатори одам эканини англатиб, фурур баҳш этишида деб билади. Одам ўз ожизлигини, демакки, бошқаларнинг ҳам ўзи каби ожиз бандалар эканини идрок этган ондан эътиборан қудратли бўлишини шоир ўта таъсирли акс эттиради.

### Очун ҳайратлари

Шоир олам ҳодисаларини бефарқ кузатолмайди. Лоқайд бўлмаган одам ҳамиша ҳодисалар марказида туради. Бу унинг истагидан ҳам кўра уринчоқ табиатининг бошқариб бўлмайдиган стихиясидир. Абдулкарим Баҳриддин баҳтни тинимсиз интилишнинг ўзида кўради. Баҳт деганда қандайдир шаклга тушган ўзгармас турғун ҳолатни эмас, балки эзгуликка тиним билмай интилишни тушунади. Шунинг учун «Инсоннинг баҳти» шеърида ёзади:

*Кўзголон руҳимнинг қаърида,  
Юрагим ёрилар ҳозир нақд.  
Сезяпман, бир қадам нарида  
Кўзимга кўз тикиб турар баҳт.  
Талпинаман. Қайга? Билмайман.  
Кўймайман васлига етмасдан.  
Югурсам, қувади ортимдан,  
Термилар, ҳансираб тўхтасам.*

1984 йили ёзилган бу шеърда очун тартиботларига ўта тийрак кўз билан қарайдиган йигирма икки яшар йигит чинакам инсоний баҳт номус билан яшаб, шараф билан ўла билишда эканини ғоят таъсирли акс эттирган.

Шоирнинг кўпчилик шеърларида инсон шаъни, унинг фурури авж пардаларда кўйланади. Абдулкарим Баҳриддиннинг туйғулари бу нуқталарда баъзан очик чорловга ҳам айланиб кетади. Бу жиҳат «Уят» шеъридаги «Бу захил тупроққа бир чўп қадасанг, Осмонга талпинар, тик ўсар яккаш, дараҳтлар аскардай тик турган юртда Инсонга уятдир эгилиб яшаш» сатрларида яққол бўй кўрсатади. Шоир одамларни оғочлар каби тик бўлишга чорлайди. Синиқлик шахсиятни ҳалок этиши, тараққиётга тўсиқ бўлиши, юртнинг мустақиллиги шахснинг мустақиллигидагина кўриниши мумкинлиги шу йўсин акс эттирилади.

### Ҳайратли топилмалар

Шу вақтга қадар шеърлари кўпда эълон қилинавермagan шоир Абдулкарим Баҳриддиннинг ушбу китоби оҳорли тасвир воситаларига бойлиги, чин туйғулар самимий тасвиirlангани, энг муҳими, муаллиф сезимлари ифодасининг табиий экани билан эътиборни тортади. Шоир суюқлининг ўзига яқинлигини «юпун шохга осилган ойдек» деб тасвиirlайди. Тўртгина сўзда ҳам тамсил, ҳам тафсил, ҳам тимсол бор. Қисмда бутунни кўра олган шоир рақс тушаётган қиз кўзғаган туйғуларни «Қизнинг этагидан кўпди бўрон» йўсинида акс эттиради.

«Ситамгар шом. Қора самонинг юзларини ювар пок сувлар. Шу поёнсиз чексиз дунёнинг бир четида бўрилар увлар» сингари сатрларда эзгулик ва ёвузликнинг доимий ёнма-ёнлиги оригинал поэтик топилдиклар восита-сида ифодаланади. Шоир шеърларида ҳолатни шунчаки тасвиirlамайди, ҳолат ҳамиша ҳаракатда кўрсатилади. Бу ҳолни юқоридаги шеърнинг тўртинчи бандига бориб тасвир бир қадар кучлантирилганда кўриш мумкин: «Фаманғиз шом. Дараҳт шохлари ой нурида сутга йўғрилар, бундай тунда уйғоқдир факат ё шоирлар ва ё ўғрилар». Тасвир динамикаси бандларнинг таъсир кучини ошириб, шомнинг «ситамгар»ликдан «фаманғиз»лик даражасига этишини асослашга хизмат қилган. Тасвир кенгайиб, шоир ва ўғрилар ҳам қамраб олинган.

Шунингдек, «Раққоса» шеърида «излагани шеъру топгани озор» йигит тилидан айтилган «Сен рақсга тушсанг парқанот қушсан, баҳт қуши, нурларинг кўмди оламни. Мен эса шу кеча йигладим эзгин, силкиб қуш кўрмаган озгин елкамни» тарзидаги иқрорда суюклиниңг баҳт қуши экани билан ўзининг елкасига қуш қўнмаганлиги ўртасидаги тазод, йиғининг «эзғин»лиги ва елканиң «озғин»лиги ўртасидаги таносибга эришилганида шоир тасвир маҳорати кўзга ташланади.

Чин шоирона назар борлиқни эмас, кайфиятни асл реаллик сифатида қабул қила ва кўрсата олишда. Бу «Таққослар» шеърида яққол намоён бўлган. Ёр висолига этишган пайтда «отиш ҳукми бекор қилингган маҳбусдай қувон»ган ошиқнинг маъшуқаси кетгандаги ҳолати «Сиз кетдингиз, тўшакда ётибман сувга чўкиб кетган одамнинг Қирғоқда қолдирган кийими каби Эгасиз, Оқлов қогоzinи ўйқотган маҳбусдай Маҳкум» шаклида ифода этилар экан, инсон руҳияти жилвасидаги бетакрор қирралар ҳаққоний кўрсатилган. Борлиқ ҳақиқатини бузиш эвазига тасвир ҳақиқатига эришилган.

Шоир деярли барча шеърларида қофиялаш йўсинини янгилаб боришга уринади. Ушбу китобда *a-b-a-b* шаклида қофияланган шеърлар кўп бўлгани сингари, *a-b-b-a* ёхуд *a-a-a-b* тарзида қофияланган бандлардан иборат битиклар ҳам талайгина. Шоир «Начора» шеъридаги «Офтоб соя каби, совуқdir нур ҳам» сатрлари, «Экология» шеъридаги «Сувсираган сувларнинг ўзи, Шўрлаб кетган шўрлик дарёлар» мисралари орқали фожиа кўламини қабариқ тасвирлаш бобида маҳорат кўрсатади.

«Куйган куйиб-куйиб сўзлар», – деган ҳикмат бор. Карим ҳам тўлиқиб кетганида пўртанавор туйғуларини ҳикмат билан ифодалайди: «Қаттиқ тиши синди-ю, Турап юмшоқ тил» ёки «Қувонч ўйнашимдир, Ёрим – ҳасратим», «Бутун халқ уйқуга ботганда чуқур, Қайдадир бўрилар увиллар узун», «Ўйқу босган элни яна не босар?» Ушбу ҳикматлар теран фикр ва тоза туйғулар уйғунлашган тасвирлар натижасида пайдо бўлган.

«Сокин кечা» бирикмасини Абдулкарим Баҳриддин

кўп ўринларда «сокина кеч» шаклида қўллайди ва тасвирнинг ўзгача таъсирчанлигига эришади. Зеро, «а» товуши билан тугалланган «кеч» сўзи «сокина»ни олиши билан жинсланган бирикмага айланиб ўзгача жаранг ва хос маънога эга бўлади.

\*\*\*

Шунча ютуқларга эга айрим шеърларда ўхшовсиз ўхшатишлар қилинган. Чунончи, «лаблар олмасини тишлай ютоқиб» дейди шоир. Ўзбек шеъриятида лаб гилосга, лаълга ўхшатиларди, зинҳор олмага эмас. Муваффақиятли чиқкан баъзи образ ёки ташбеҳлар турли шеърларда такрорланган. Жумладан, «Энди тунлар энг кичик терак кўл узатиб юлдузга етар» сатри сезилмас ўзгаришлар билан икки-уч шеърда қайтарилади. Айрим шеърларда «Қолб кечарми дала-тузлар кўмилгач Ё ёнгайми токи кўзлар кўмилгач?» сингари ўзаро мантикий боғланмаган сўзлардан иборат мисралар ҳам учрайди. «Қамиш каби шовуллаётган соchlарига кўл теккан эмас» шаклидаги охорлигина шеърий мисрани айтишга нафас етмаслиги сезилиб туради. Баъзи шеърларда «жиловла-бошли» қабилидаги ўзаро руҳан бегона сўзлардан қофия ясалган. «Шоирлар ҳансираф, осиб тилларни, Бол томган тилидан чакиллар заҳар» сингари мисраларда ифода ғализлиги ва мазмун терслигига йўл қўйилган.

Бунинг устига, номи икки достонга қўйилган «Тиловат» сўзи нутқда фақат Қуръон ўқиш маъносида қўлланилади. Ҳар икки достон номидан эса шоир тамомила бошқа маъно чиқармоқчи бўлгани англашилиб турибди. Бизнингча, бу сўз ўрнига «Муножот» ёхуд «Тазарру» қўлланганда, максад аниқрок ифодаланган бўларди.

\*\*\*

Китобдан бир қатор таржима шеърлар ҳам ўрин олган. Таржимон ўз туйғуларига кучли таъсир кўрсатган ва руҳига яқин асарларни ўзбекчалаштиришига тутинган. Жуда кўп ўринларда ўгирмалар муваффақиятли чиқкан.

Самимий ва юксак туйғулар табиий дард, қабариқ ифо-

далар воситасида поэтик тимсолларга айлантирилган шеърлардан ташкил топган ушбу китоб китобхонларнинг туйғуларини тозартиш ва уларни муқаддас қадриятлар борасида ўй суришга йўналтириш борасида катта аҳамият қасб этади деб ишонамиз.

**Қозоқбой Йўлдош,  
профессор**

## МУНДАРИЖА

Тақдим. Абдулкарим Баҳрийдин (Рауф Парфи) ..... 4

## САБР КОСАСИННИГ СИНИҚЛАРИ

Илтижо .....	6
Тилсимли дуне .....	7
Эврилиш .....	8
Такбир .....	9
Сочимга оқ тушди .....	11
Ушшоқ .....	12
Замонавий даҳо .....	14
Мувашшах .....	15
Инсоннинг баҳти .....	16
1962 йил 2 январь .....	17
Ургут ҳақида қўшиқ .....	18
Туғилган ерларим, туқсан элларим .....	19
Боғда .....	20
Хаёлпараст учун дарс .....	22
Дангал хулоса .....	23
Ўзбекистон, авайлагин болаларингни .....	24
Қарор .....	25
Ҳазонрез .....	26
Гарсия Лоркага бағишлиов .....	27
Кўриқхонада .....	28
Тоштарош .....	29
Қабртошга ёзувлар .....	32
Дағн .....	33
«Илк қор босган ҳазонни кечиб..» .....	34
Амирқул Пўлкан .....	35
Фалсафадан конспектлар .....	36
Тўсатдан .....	38
Зулфи момо .....	39
Гўзаллик ҳақида шеър .....	40

Раққоса	42
Үйфонч	44
Аёл	45
Үзр	46
Ишқ марсияси	47
Таваккал	48
И.Рга	49
Гүёки ҳазил	50
Таққослар	51
Менинг ота-онам	52
Ишқинг суратига чизгилар	53
Оқ шеър	54
Гулшананинг таваллудига	56
Бошқаларга насиҳат	57
Бизга ким жавоб беради?	58
Икрор	60
Фироқ туни	61
Балоғатнинг остонасидан репортаж	62
Ошиқона	63
Үтинч	64
Сизнинг баҳорингиз	65
Малоҳат	66
Баҳорнинг шеъри	67
«Умрим...»	68
«Кетавергин...»	69
«Қўшиқ айтар дилбар шивирлаб...»	70
Орзу	71
«Кузакнинг шўх, дайди еллари...»	72
Саволлар	73
«Хотиралар – ёлғиз юпанчим...»	74
Тиличининг қайдлари	75
Рахминг келсин боғларга, гулим.	76
Тилак	77
«Яшнаётган гулим, гулшаним...»	78
«Нуроний тарихни титганда гоҳ-гоҳ...»	79

Бобораҳим Машраб.....	80
Рахмдил.....	81
Ёзувчилар уюшмаси мажлисидан репортаж.....	82
«Серёду күн кечар – ёнаман...» .....	83
«Бўрилар, қон тўлган кўзингиз тикиб...» .....	84
Диалектика.....	85
«Кўзларингда илоҳий ўтлар...» .....	86
Ўн олти ёш.....	87
Қадимий қўшик.....	88
Қиз боланинг қўшиғи .....	90
Сўров.....	91
«Оқ шом...» .....	92
Севги йўлларида.....	94
Топишмоқ.....	95
Достондан сўнг.....	96
Шеър излаётаб.....	97
Ушбу шеърни ўқиганларга .....	98
Начора.....	99
Уйғониш.....	100
Сўнгги автопортрет.....	101
Эртаки хотиралар .....	102
Яна илтижо .....	103
Тунги муноҗат.....	104

## ТИЛОВАТ

Тиловат I .....	107
Тиловат II .....	113
Фақат ишқ .....	118
Тунги хужумлар .....	120
Уят .....	122
Томчидил .....	123
Чарос, Раъно ва Шаҳло .....	124
Чароснинг қўлида ўйинчоқ кўриб .....	125
Куз сезимлари .....	126

Раъно .....	127
Шаккоклик .....	130
Чўлпон дарди .....	131
Ўлим .....	132
Одам .....	133
Интизор .....	134
Дунё .....	135
Мен сизни соғиндим .....	136
Онам хотирасига .....	138
Тажриба .....	139
Васият .....	140
Туш .....	141
Қадимий ҳикматлар .....	142
«Қор каби беғубор...» .....	150
Экология .....	151
Ишқ жилвалари .....	152
«Булбулни англадим, боғни тушундим...» .....	154
«Тоғларга бош уриб борай, майлига...» .....	155
Валфажр .....	156
«Бу қиз шафқат билмас...» .....	157
Чарос марсияси .....	158
О, она Ватаним! .....	161
«Воҳ, бунчалар шавққа, шаҳдга тўлганмиз?..» .....	162

## ТАРЖИМАЛАР

### ОЗАРБАЙЖОН

Озар баётлари .....	165
Бает Аббос	
«Кўрсат қоматингни, эй сарви равон...» .....	170
Исмиҳон Муҳаммад	
«О, титраган дудоқларинг...» .....	171
Наримон Ҳасанзода	
«Кел ёнимга, гўзал ёрим...» .....	173

*Нигор Рафибейли*

«Гоҳ асабий, гоҳ юрғундир...»	174
-------------------------------	-----

*Ромиз Равшан*

Бир оз узун бўлди умрим, шекилли.	176
Қадримни билмади бу одам менинг	178
Зерикиш	180
Шам.	181
Қорнида тўққиз ой кўтарган аёл.	182
Фақат сенинг юзинг кулсин.	184
Қурболиққа олинган кўзи.	185
Нозик капалак мурдасини талашаётган қора-қора чумолилар.	186
Одам.	187
Айрилик.	188
Бўғилар	191
Боши кесик гўзал тут.	192
Қариллик.	194
Ким айтар, уйкуда ўлмоқ осондир?.	196
Не бор Аллоҳдан юксакда?	198
Кетсак биз бўлмаган ерга.	199
Ватан	200
Ўлим.	201
Девор	204

*Муҳаммад Ораз*

«На бўлди, сенга дон тушди..»	205
-------------------------------	-----

**ОЛМОНИЯ**

Сув ва шароб ҳақида баллада.	206
Ҳаёт ва ўлим баҳси ҳақида баллада.	209
Ака-ука ҳақида баллада.	210

*Мартин Опиц*

«Ҳар ёнда хиёнат, аза, укубат..»	212
----------------------------------	-----

*Фридрих Логау*

Жасорат.	213
Орзулар рўёби.	213
Пуллар.	213
Ўзингни енгмоқ.	213



<i>Андреас Грифиус</i>	
Бари ўткинчи.....	214
<i>Христиан Гофмансвальдау</i>	
Заминдаги ҳаёт.....	215
<i>Ангелус Силезиус</i>	
Фикр парчалары.....	216
<i>Улла Хаан</i>	
Октябрь ибтидоси.....	217
Адашув.....	217
<b>ЮНОНИСТОН</b>	
<i>Костис Паламас</i>	
«Мен қандай бўлсан шундайман...» .....	218
«О, қадимий сўзлар, чирик мөғорларга ўранганча...» .....	218
<i>Янис Рицос</i>	
Геракл ва биз.....	219
<i>Никифорос Вреттакос</i>	
Бармоқлар сұхбати.....	220
Шоирларнинг иши.....	221
Жўровоз.....	221
<i>Михалис Ганас</i>	
«— Сен ўлмайсан-а, онажон?!».....	222
<i>Манолис Анагностакис</i>	
«Р.С.» китобидан мансура.....	224
<i>Аристотелис Валаоритис</i>	
Димос ва унинг милтифи.....	227
Атиргул ва шабнам.....	229
<b>БЕЛЬГИЯ</b>	
<i>Констан Бюрно</i>	
Бу ҳақда ўйлаб кўринг.....	230
<b>ИСПАНИЯ</b>	
<i>Мигел де Унамуна</i>	
«Куним битар. Хотираға айлангум... .....	232
<b>ФРАНЦИЯ</b>	
<i>Робер Деснос</i>	
Эпитафия.....	233



<b>ХИНДИСТОН</b>	
<i>Шуканто БхаттоЧаржо</i>	
Уфқа термилиб.....	234
Вулқон.....	234
<b>ИОРДАНИЯ</b>	
<i>Иссам Ҳаммад</i>	
Табиатнинг шоирга айтган сўзлари.....	236
<b>АМЕРИКА</b>	
<i>Эдна Сент-Винсент Миллей</i>	
Мусиқасиз марсия .....	238
<b>ЭРОН</b>	
<i>Эҳсон Таборий</i>	
Санъат.....	239
<b>СУРИЯ</b>	
<i>Шавқи Бағдодий</i>	
Мұхабbat яшайды ҳамма замонда.....	240
Порлок ҳайратлар чақини ( <i>Қозоқбой Йўлдош</i> ) .....	241

*Адабиий-бадиий нашр*

**абдулкарим баҳриддин  
ТОМЧИДИЛ**

Мүкөва дизайнни ва оригинал макет  
«ARTLOL» дизайн марказида тайёрланди

**Мухаррир:** Абдулла ШАРОПОВ

**Бадиий мухаррир:** Баҳриддин БОЗОРОВ

**Техник мухаррирлар:** Хуршид ИБРОҲИМОВ,

Алимардон АҚИЛОВ

**Мусаҳҳих:** Марҳабо ЖҮРАЕВА

80000 с.

Нашриёт лицензияси: АI №134, 27.04.2009

Теришга берилди: 01.02.2013 й.

Босишига рухсат этилди: 09.07.2013 й.

Офсет қофози. Қоғоз бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ .

Myriad гарнитураси. Офсет усулида босилди.

Хисоб-нашриёт тг: 7,95. Шартли б.т.: 13,86.

Адади: 1000 нусха.

Буюртма № 183/2

«AKADEMNASHR» нашриётида тайёрланди.  
100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20<sup>й</sup>-мавзе 42-үй.

Тел.: (+99871) 217-16-77.

e-mail: akademnashr@mail.ru

web-site: [www.akademnashr.uz](http://www.akademnashr.uz)

«OFFSET PRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани Махтумкули кӯчаси 1-үй.